

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

“Химояга рухсат этилсин”
Магистратура бўлими бошлиғи
 А. Умаров
“ ” 2017 йил

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 687.11.022.079

5A150901 – Дизайн (либос ва газламалар)

мутахассислигининг талабаси


Икром Тўракуловнинг

**“Эркаклар гардеробини шакллантиришга
таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш”**

мавзусидаги

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: МРДИ катта илмий ходим
изланувчиси, “Либос дизайни” кафедраси
доценти  Ф.З.Атаханова

“Химояга тавсия этилсин”
“Либос дизайни” кафедраси мудири
 У.М.Ходжаева
“ ” 2017 йил

Тошкент – 2017

Мазкур магистрлик диссертацияси “Либос дизайни” кафедрасида бажарилган. “Либос дизайни” кафедрасининг 2017 йил “_____” _____даги _____сонли мажлисида ҳамда Дизайн факультетининг 2017 йил “_____” _____даги _____сонли факультет Кенгашида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Магистрлик диссертациясининг ҳимояси 2017 йил “_____” - июнь соат _____да Камолиддин Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй.

АННОТАЦИЯ

5A150901 – Дизайн (либос ва газламалар) мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган **“Эркаklar гардеробини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш”** мавзусидаги диссертация 3 та бобдан ташкил топган.

Мазкур диссертациянинг тадқиқот ишлари бўйича эркаklar либоси композициясини ташкил этувчиларининг, либослардаги образ ва силуэтларнинг, қўлланиладиган конструктив-декоратив усулларнинг таҳлили бажарилган. Рационал гардеробни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Натижалар тизимлаштирилган.

Диссертациянинг лойиҳалаш қисми натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилган.

АННОТАЦИЯ

Диссертация на тему “Анализ факторов, влияющих на формирование мужского гардероба” написанная на соискание академической степени магистра по специальности 5A150901 – Дизайн (одежды и текстиля) состоит из трех глав.

В исследовательской части данной диссертации проанализированы составляющие композиции, образы и силуэты в мужском костюме. Также проведен анализ факторов, которые формируют мужской рациональный гардероб для среднесложного современного мужчины, проживающего на территории Республики Узбекистан.

Результаты по проектной части данной диссертации были внедрены в производство.

ANNOTATION

Thesis on the topic "Analysis of factors affecting the formation of the men's wardrobe" written for the academic degree of the master in specialty 5A150901 - Design (clothing and textiles) is composed of three chapters.

In the research part of this dissertation, the composing compositions, images and silhouettes in the men's suit were analyzed.

Also, an analysis of the factors that form a rational man's wardrobe for a middle-aged modern man living on the territory of the Republic of Uzbekistan.

Results on the project part of this dissertation were introduced into production.



УТВЕРЖДАЮ

Генеральный директор

ООО «Тверская швейная фабрика»

Ф.И.О. Хайридинова Л.Б.

2017г.

АКТ

о внедрении (об использовании) результатов
магистерской диссертационной работы

Фамилия, имя, отчество: Туракулова Икромжона

Комиссия в составе:

Председатель: коммерческий директор Шеваров А.,


члены комиссии: начальник производства Захрутдинова Н., мастер Кумаев Ф.

составили настоящий акт о том, что результаты диссертационной работы по теме **«Анализ факторов, влияющих на формирование мужского гардероба»** представленной на соискание академической степени магистра по направлению образования 5A150900 Дизайн (одежды и текстиля), использованы в производственной деятельности ООО «Тверская швейная фабрика» при разработке, градации и изготовлении качественных лекал «Костюма летний Горка 3» и «Костюма зимний Горка 3» в виде:

1. Технических предложений по выполнению конструктивных схем для освоения методики и техники размножения лекал деталей швейных изделий и составление типовых схем градации лекал.
2. Эскизных проектов для совершенствования качества выпускаемой продукции.

Использование указанных результатов позволяет: повысить качество проектирования и эффективность производственных процессов; повысить качество продукта при неизменном его количестве, создаваемого за единицу времени; сократить трудовые затраты на единицу производимого продукта; уменьшить доли трудовых затрат в себестоимости продукта; повысить производительность труда при улучшении организации производства и труда; повысить уровень подготовки работников предприятия.

Результаты проектно-художественной части внедрялись при выполнении НИР магистерской диссертации по теме «Анализ факторов, влияющих на формирование мужского гардероба» (назв. на узб: «Эркалар гардеробини шаклан тиришга таъсир этувчи омилларни тахлил этиш»), научный руководитель: Атаханова Ф.З., доцент кафедры «Дизайн одежды» Национального института художеств и дизайна имени Камалиддина Бекзода, г. Ташкент. Сайт организации www.s-moroz.ru

Председатель комиссии  Шеваров А.

Члены комиссии:  Захрутдинова Н.

 Кумаев Ф.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. МОДА ҲАМДА ЭРКАКЛАР КИЙИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ	10
1.1. Мода ҳамда костюмнинг асосий тушунчалари, вазифалари ва хусусиятлари	10
1.2. Эркаklar кийимининг ривожланиш эволюцияси	19
II БОБ. ЭРКАКЛАР ГАРДЕРОБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	37
2.1. Эркаklar костюми композициясида ранг ва материалнинг хусусиятлари ҳамда фактураси	37
2.2. Эркаklar базавий гардеробининг шакллантирилиши	45
2.3. Базавий гардероб ташкил этувчиларига таъсир этувчи омилларни таҳлили	55
III БОБ. ЭРКАКЛАР ГАРДЕРОБИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ЛИБОС МОДЕЛЛАРИНИНГ ДИЗАЙН-ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	68
3.1. Замонавий мода йўналишига тавсиф.....	68
3.2. Ўзбекистон иқлим шароитининг характеристикаси.	72
3.3. Танланган материалларни асослаш.....	79
3.4. Моделларнинг рангли фотолари.....	87
3.5. Конфекцион хариталар.....	92
3.6. Моделлар ҳажмий-фазовий шаклини ҳосил қилишни асослаш.....	97
Умумий хулосалар.....	117
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	119
Иловалар.....	122

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги кунда доимий равишда тилга олинаётган глобллашув аста-секинлик билан мода индустрияси ҳамда кийим-кечак, либос аксессуарларини ишлаб чиқариш соҳасида асосий аниқловчи тенденцияга айланиб бормокда.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг мода ва либос дизайни соҳасидаги илғор технологиялар ва соҳадаги илм-фан ютуқларининг баъзи жабҳаларини қўллаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш (масалан: истеъмолчиларнинг танланган мақсадли гуруҳлари учун мўлжалланган яхши дизайнли либослар, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларини жорий қилиш, фирма дўконларида савдо қилиш ҳамда брендинг) ҳар доим ҳам яхши самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун соҳанинг истиқболли ривожланишини комплекс баҳолаш ҳамда замонавий талаблар даражасида муаммоларнинг илмий-амалий ечимини топиш зарурийдир.

Бунинг учун эса истеъмолчиларнинг талаблари ҳамда дизайн-маҳсулотни яратилишидан тортиб савдо пештахталарига етказишгача бўлган жараёнларни интеграциялашга таянган ишлаб чиқариш циклидан келиб чиққан концепцияга асосланган рақобатбардош кийимларни яратиш методларини ишлаб чиқиш аҳамиятли роль ўйнайди.

“Гардероб” тизимида лойиҳалаш алоҳида истеъмолчига йўналтирилган либос моделлари коллекциясини ишлаб чиқиш ва яратиш бўйича қатор жараёнларни ўз ичига олади. Бундай жамламалар турли ассортиментларга мансуб бўлган маҳсулотлардан ташкил топган бўлади. Бундаги буюмлар улардан максимал даражада кўпроқ комплектлар тузиш имконини берувчи бўлиб, синчковлик билан пухта танланган ҳамда ўзаро уйғунликда бўлади. “Гардероб” туркумидаги либосларнинг дизайн-лойиҳасини яратиш ишлаб чиқарувчи корхоналар учун мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жихатдан самарали ҳисобланади, чунки лойиҳалашга бундай ёндашув истеъмолчилар талабини энг кўп қондирилишига имкон беради.

Истеъмолчи учун ўзаро уйғунлашадиган турли ассортиментдаги либосларнинг йиғидисини коллекция сифатида тақдим этилиши харидор учун нисбатан жозибалироқ бўлиб, унда мазкур тўпلامдаги либослардан кўпроғини харид қилиш истагини уйғотади. Бу эса ўз навбатида бошқа алоҳида ўзаро уйғунликда боғлиқ бўлмаган либослардан иборат комплектлардан афзалроқ бўлиб (чунки кейинчалик истеъмолчи гардеробини тўлдириш учун умумийлиги мавжуд бўлмаган либосларга яна бошқа мос келувчи либосларни қидиришга мажбур бўлади), харид қилиш учун ундовчи улкан омил бўлади. Умуман олганда, лойиҳалашга бундй ёндашиш истеъмолчини яна бир жихат билан жалб қилишга имкон беради. Яъни, бунда навбатдаги келадиган мавсум учун тавсия этиладиган либосларнинг аввал харид қилингани билан ўзаро уйғунлашуви имкони борлиги ҳамда улар истеъмолчи гардеробини оптимал равишда тўлдириб ва янгилаб бориши мумкинлиги билан жалб қилади. Бу ишлаб чиқарувчилар учун ҳам эътиборли ва муҳим жихатдир. Индивидуал истеъмолчи учун мўлжалланган “гардероб” тизимидаги либослар коллекцияси ишлаб чиқариш жараёнидан харидорлар учун кераксиз ва талаб қилинмайдиган (сўралмайдиган) буюмларни тайёрлашга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам “гардероб” тизимида либосларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш афзалроқдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермаяпти [].

Бугунги кунда Ўзбекистонда рационал гардероб тузиш бўйича олиб борилган илмий изланишларни акс эттирувчи ишлар саноклигина. Улар орасида Ф.У. Нигматова, Л.Ш. Шамухитдинова каби олимларнинг ишларини айтиб ўтиш жоиз.

Ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб “гардероб” тизимидаги либослар коллекциясини лойиҳалаш учун қатор муаммолар мавжуддир.

“Гардероб” тизимидаги либослар коллекцияси учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларнинг мажмуасини тайёрлаш учун истеъмолчи ҳоҳишлари ва талабларини ўрганиш зарурдир. Бунга эса информацион маркетинг тадқиқотлари ва кийим лойиҳалаш жараёнларининг информацион технологиялар элементларини ишлаб чиқиш зарурдир. Бунда қуйидаги масаларни ечиш лозимдир:

- маркетинг назарияси ва амалиётни тадбиқ этишнинг асосларини тизимли таҳлил этиш;
- тикувчилик соҳасида замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этилишини тизимли таҳлил қилиш;
- дизайн-фаолият ва ишлаб чиқаришини технологик тайёрлаш жараёнларини мукаммаллаштириш йўналишларини аниқлаш;

— кийим лойиҳалашнинг “гардероб” тизимидаги либослар коллекциясини тузилиши, таркиби, дизайнерлик ғояларининг акс эттирилиш шаклини тадқиқ қилиш;

— ягона ахборот майдонига лойиҳалашнинг илк босқичларини киритиш учун “рационал гардероб” тизимидаги саноат коллекцияларини яратишнинг методикасини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон санъатининг ривожланиши давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг сезиларли қўллаб қувватлашга ва бу йулдаги рағбатлантирувчи омилларга эга бўлди. Ватанимиз мустақилликка эришгач миллий санъат турларининг ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Шу жумладан мода ривожи ҳам Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда сезиларли даражада ривожланди.

Одамлар маънавий, маданий савияси ва моддий даромадлари даражасининг ошиб бориши кийим сифати ва либосларнинг ассортиментида бўлган талабнинг ҳам ортишига сабаб бўлади. Гардеробда турли функционал вазифани бажарувчи (кундалик, башанг, тантанавор, дам олиш учун, спорт билан шуғулланиш учун), эстетик ва эргономик талабларнинг юқори кўрсаткичларини намоён этувчи, кийиш муддати анчага етадиган либосларнинг сони етарлича бўлиши аҳамиятлидир. Аҳолининг турли қатламларига мансуб истеъмолчиларни қониқтириш учун кийимни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сотувга қўйиш жараёнларидаёқ либосга бўлган истеъмолчилик талабларини тўғри шакллантириш лозим.

Одамларни кийимларга бўлган эҳтиёжини қондириш турли факторлар билан белгиланади. Улардан ишлаб чиқариш саноатини, хусусан кийим ишлаб чиқаришни ривожлантириш; аҳолининг маданий савияси ва моддий ахволини кўтариш; аҳолининг сони ва таркиби (ижтимоий ва эркак-жинс нуқтаи назаридан); табиий иқлимий шароитлар, одам организмнинг ўзига хос морфологик ва функционал хусусиятлари ҳамда психологик омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Эркаklar модаси ўз тасдиғини топгандан бери турли хил касб эгаларида: социологларда, психологларда, дизайнерларда қизиқиш уйғотиб келмоқда. Эркаklar либосларига россиялик Ф. М. Пармон, Т. В. Козлова, Л. В. Орлова, Г. Н. Киселёва сингари бир қатор муаллифлар ишлари бағишланган. Бирок уларда мазкур мавзунинг тарихий жиҳатлари: эркаklar модасининг пайдо бўлиш сабаблари, турли хил эркаklar ҳаракатларининг костюмлари характеристикаси акс этирилган. Ф. М. Пармон ва Т. В. Козловаларнинг нашр этилган материалларида эркаklar модасининг айрим лойиҳалари кўриб ўтилган. Бугунги кунда эркаklar модаси ва либослари масалалари асосан даврий нашрлар – модалар журналлари саҳифаларида очиб берилмоқда. Тақдим этилган маълумотни таҳлил қила туриб эркаklar либосларини, унинг конструктив-композицион ечимларини ҳамда услубий йўналишларини (характерлаб) таърифлаб бериш мумкин. Аммо лойиҳалаштиришнинг мазкур хусусиятлари ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, бир қатор факторлар (омиллар) таъсирида вужудга келган. Таҳлил этилаётган публикацияларда омилларнинг лойиҳалаштириш муаммоларига таъсири масаласи айнан очиб берилмайди. Ф. М. Пармон томонидан тақлиф этилган таҳлил асосида саноат моделларини бадий лойиҳалаштириш чоғида инобатга олинадиган омиллар тизимларини айнан эркаklar учун энг аҳамиятли тизимларга ажратиш мумкин.[]

Аммо мазкур омилларни ўрганиш ҳамда лойиҳалаштириш даврида уларни инобатга олиш замонавий эркаklar учун либослар ишлаб чиқариш қиймати ва истеъмолчилик қадриятларига эришишнинг муҳим шарт-шароитларидан саналади. Бу нарса ушбу масалани ўрганиш заруриятини аниқлаб беради. Бугунги кунда эрка, эркаklar учун либосни яратиш – мода оламида энг тезкор ривожланаётган соҳадир.

Юқорида қайд этилганидек, эркаklar учун мўлжалланган эркаklarбоп услуби элементлари қўлланган либос моделлари чуқур тадқиқ этилмаган. Уларнинг назарий ва амалий жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан эркаklar учун мўлжалланган эркаklarбоп услуби элементлари қўлланган яратиш тизимини шакллантириш учун маълумотлар етарли эмас.

Тадқиқот объекти ва предмети: эркаклар учун мўлжалланган кийим моделларини яратиш жараёнининг методик ва дизайнерлик асосини ишлаб чиқиш мазмуни, методлари ва воситалари; эркаклар учун мўлжалланган либос моделлари.

Тадқиқод мақсади: эркаклар модасининг замонавий кўринишларига таъсир этган тарихий йўналишларини кўриб чиқиш; эркаклар либосларининг услубий йўналишларини тадқиқ этиш; уларнинг конструктив-композицион ва бошқа ечимларини аниқлаш. Мазкур тадқиқот иши эркаклар учун либосларни лойиҳалаштириш жараёнига таъсир этувчи омиллар таҳлилига бағишланган. Тадқиқод мақсади эркаклар либосларининг “гардероб” тизимида лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда уларга таъсир этувчи факторларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- эркаклар учун мўлжалланган либос элементларни таҳлил қилиш;
- эркаклар модасига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- эркаклар учун мўлжалланган либос моделлари термасининг дизайн-лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига бағишланган илмий-услубий манбааларининг таҳлили, кузатуви.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

- эркаклар учун мўлжалланган либосларга бўлган истъемолчилар эҳтиёжини ўрганиш ва бундай либослар яратишга бўлган талаблар ишлаб чиқилди;

- эркаклар учун мўлжалланган кийим моделларини термасининг дизайн-лойиҳасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига бағишланган илмий-услубий манбааларининг таҳлили, сўровномалар ўтказиш.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, III боб, 10 та банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 118 бетда (шулардан: 5 бет рангли фотолар, 5 бет

конфекцион хариталар, 9 бет конструкция чизмаси, 5 бет технологик схемалардир) баён этилган, 3 та жадвал, 3та диаграмма, 38 та фойдаланилган манбалар рўйхатини ва 4 та иловани ўз ичига олган.

I БОБ. МОДА ҲАМДА ЭРКАКЛАР КИЙИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. Мода ҳамда костюмнинг асосий тушунчалари, вазифалари ва хусусиятлари

Мода (франц., mode — меъёр, тарз, усул) пайдо бўлиши анчагина мураккаб воқеа бўлиб, жамият ҳаётидаги қатор-қатор ҳаёт омилларига боғлиқ, инсоннинг жуда кўп фаолиятига ўтади. Мода — турмушнинг ташқи кўринишида, асосан кийимда намоён бўладиган бирон диднинг муайян ижтимоий муҳитда озроқ вақт ҳукмрон бўлиб туришидир []

Тадқиқот жараёнида аниқланишича, мода билан услуб ўртасидаги фарқ заминида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятининг ўтмишга ва теварак-атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади. Олдинида жамият бир қисмининг диди ўзгариши натижасида келиб чиққан мода кейинчалик услуб яратилишининг дастлабки моменти бўлиб қолиши мумкин. Услуб яхлит бпр система бўлиб шакллангандан кейин модани тартибга солиб, чеклаб ва йўналтириб туради.

“Умуман модага ҳайратланиб ва хайрихоҳлик билан қарамайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳам бўлиб, улар ўзининг етук бўлмаган ёки очикдан очик консерватив дидларини бошқаларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Модельерларнинг ҳар бир таклифига улар ашаддий қаршилик кўрсатадилар. Улар тўнғиллаб зарда қилиб юрадилар, редакцияларни жаҳлдор хатларга кўмиб ташлайдилар, замонавий кийинган киши кетидан ҳайқириб кулги кўтарадилар. Бироқ ҳали ҳеч ким вақтни тўхтата олган эмас!” []

Алмашлаб туриш моданинг энг муҳим хусусияти. Янги мода пайдо бўлганда костюм ўзининг эстетик қадрини йўқотади. Бу эса моданинг характеридаги зиддиятни кўрсатади. Мода вақтинчалик ва ўтиб кетадиган тушунча-ку, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган эстетик топилмалар ҳам бўлади. Мода—замонавий дегани, эстетик қиймат эса

ҳамма вақт ўзгармас бўлиб қолади. Бироқ моданинг зиддиятлилиги унинг прогрессивлилигини инкор этмайди. Мода инсоннинг янгиланиб туришдек табиий интилишига мос бўлади. Мода турмуш маданияти ва эстетикасини олға томон етаклаб боради. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маъқул ечимларни танлаб олади.

“Мода — бу янгиланиш! Бу табиат риоя қиладиган принцип! Дарахт эски баргини, одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Нарсалар ҳаддан ташқари ўрганиш бўлиб кетса, одам улардан тез чарчайдигани бўлиб қолади. Мода зерикарли бир хилликдан ҳалос қиладди. Одамлар бир-бирига ёқишни ҳоҳлайди: чиройли кийинсам, яхши кўринсам дейди — бу табиий эҳтиёж”[].

Фикримизча, мода—бу тақлид ва янгилик. Лекин бунда ҳамма вақт янгиликка ёки ғайритабиийликка тақлид қилинавермайди. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатида тақлид билан бир қаторда бунинг акси бўлган ҳодиса—ўзига хослик намоён этиш ҳам бўлади.

Мода қаерда пайдо бўлади? Кўпчилик Моделлар уйида деб ҳисоблайди. Хўш, Моделлар уйи бўлмаганда мода қандай пайдо бўлган? Ҳамма вақт моданинг автори бўлганми? Мода тарихчиси Беённинг таъкидлашича, моданинг асосий чизиғини ҳеч ким яратмайди. Мода жамият билан биргаликда ўса боради ва тараққий топади, у замона фарзанди-ю, лекин ўзининг қатъий характери бор. Ижтимоий-иқтисодий тузум, иқлим, теварак-атрофдаги табиат, халқ анъаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий-сиёсий воқеалар, фан, техника, спортга оммавий қизиқиш, янги материаллар пайдо бўлиши, космик давр каби турли-туман омиллар моданинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида костюмдаги баъзи атамаларга аниқлик киритиш лозим деб топилди. “Костюм” ва “кийим” тушунчаларини одамга, унинг гавдасига ва қиёфасига нисбатан кўриб чиқиш керак. Бу иккала тушунча одатда бир-бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам, аслида улар бошқа-бошқа маънони билдиради. Кийим - бу материалларнинг одам танасидаги қобик системаси бўлиб, танани иқлимнинг салбий таъсиридан сақлайди ва одамнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қиладди. Костюм - эса кийим қисмларининг

муайян образли-бадий системаси ва бу қисмларни инсоннинг индивидуал образини ёки ижтимоий группасини характерловчи, қарор топган ёки ташкил топган принципларга асосан яратилган, муайян тарихий босқичда эришилган маълум техник, илмий ва маданий ютуқларни акс эттирувчи кийиб юриш тарзи. Кийим, бош кийим, пойабзал предметларининг, қўшимчалар ва безакларнинг йиғиндиси, шунингдек соч турмаги ва грим—буларнинг ҳаммаси биргаликда костюмни ташкил этади.

Одатда, эркаклар ва аёллар кийимининг пиджак ва шимдан ёки жакет ва юбкадан иборат маълум бир турини ҳам костюм деб аталади. Қўшимчалар костюмга тугаллик қўринишини беради. Буларга шарф, сумка, зонт, ҳасса, перчаткалар киради.

“Қўйлак” терминининг иккита маъноси бор. Биринчидан, бу бевосита бадан устидан кийиладиган ич кийимни (ич кийим ва пойабзалдан ташқари) билдирса, иккинчидан, ич кийим устидан кийиладиган енгил кийим. Бундан ташқари аёлларнинг энг кенг тарқалган кийим тури ҳам қўйлак дейилади.

Кийим-кечак - бу маълум вазифага мўлжалланганликни ифода этувчи деталлар характериға биноан синчиклаб танланган, косметика ва причёска билан қўшилиб, костюмни тўлдирувчи ва безовчи предметлар билан бирлашган кийим. Нимаға мўлжалланганиға қараб кийим-кечак кишилиқ, кечалиқ, йўл-боп ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Гарнитур - бу одатда айнан бир тур материалдан тайёрланиб, маълум бир нимаға мўлжалланган бир сидра предметлар йиғиндиси (ич кийим гарнитури, заргарлик буюмлари гарнитури ва ҳоказо).

Гардероб - бу бир қатор ҳолларда зарур бўлган бир сидра кийим комплектлари ва костюмни тўлдирувчи бошқа қўшимча предметлар, яъни бир кишининг ва бутун оила аъзолари ҳамма кийимларининг йиғиндиси. Бирға кийиладиган буюмларға қараб, гардероб, одатда, баҳорғи-кузғи, ёзғи ва қишқи бўлади. Моҳирлик билан сиичиклаб танланган шахсий гардероб турли ҳолларға мўлжалланган комплектлар ва ансамблларнинг бутун бир қатор чиройли, уйғунлашган мужассамлиғини тузиш имконини беради.

Комплект - бир хил, ёки ҳар хил материалдан тайёрланган, нимага мўлжаллангани ва услуб ҳал этилиш умумий бўлган тўла бир сидра буюмлар тўплами; комплектдаги айрим буюмларни мўлжалланганлиги ва услуб ҳал этилиши ўхшаш бошқа буюмларга алмаштириш мумкин. Комплект-бу очик система бўлиб, айрим буюмларни унга қўшиш ва ундан олиш мумкин.

Ансамбль - костюмнинг муайян бадиий услуб бирлигига эга бўлган ҳамма қисмларининг йиғиндисидир. Ансамбль ўзаро мустаҳкам бирликни бўлинмасликни билдиради. Ансамбль қисмларининг ўзаро қатъиян бўйсунганлиги сабабли инсон об-разини ва даврни энг тўлиқ ифода этишдек махсус хусусиятга эга бўлади. Ансамбль ягона композицион мўлжалга биноан; яратилиб, ундаги ҳамма қисмлар ўзаро мосланган ва ягона мақсадга итоат этган бўлади. Кўп қисмлилик ва кўп қаватлилик, ўзаро боғлиқликнинг қатъий системаси ва ҳамма қисмларини кийиш шарт эканлиги ансамбль учун характерлидир. Ансамбль - бу бирон қисмини олиб ташлаб бўлмайдиган ва бирон бошқа қисм қўшиб бўлмайдиган ёпиқ система.

Набор - умемий вазифа адо этувчи бир қанча буюмлар; унда материал билан услуб бирлиги бўлиши шарт эмас (болаларнинг ич кийим набори).

“Модель” сўзи, кийимга нисбатан кўриниши, шакли, материали, беага ёки бошқа сифатлари янгича бўлган кийим намунасини билдириб, кейинчалик тикувчилик фабрикаларида, артелда ёки уйда ўшанга қараб кийимлар тикилди.

Бир номли кийим группасидаги шакл, бичиқ ва бошқа хусусиятлар фарқини фасон дейилади. Фасон кийим моделининг ўзига хос хусусиятлари йиғиндисини билдиради.

Коллекция - образли ечими, услуби, конструкцияси, шакли ва материаллар структурасининг ягоналиги асосида қурилган, вазифаси турлича бўлган моделлар серияси. Коллекция фақат бир мавсумнинг барча ассортиментини ёки ҳамма буюмларини қамраб олган бўлиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида кийимнинг вазифалари ва синфланиши ҳам илмий жиҳатдан кўриб чиқилди. Ҳозирги кийимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: утилитар кийим-амалий, ҳимоявий, эргонологик,

гигиеник вазифаларини ўз ичига олади; ижтимоий кийим - регионал, профессионал, маросимларга оид, символик; вазифаларни ўз ичига олади; эстетик кийим - бадиий-образли вазифа билан айнан эстетик вазифани ўз ичига олади.

Тадқиқотда аниқланишича, костюмнинг вазифалари тарихан ташкил топган. Инсонят тараққиётининг илк босқичларида кийим аввало теварак-атроф дунёнинг ёмон таъсиридан муҳофаза қилиш вазифасини ўтарди. Турмуш тарзи, фаолият тури кийимда специфик элементлар пайдо бўлишига олиб келди, кийим утилитар-амалий вазифаларни бажарадиган бўлди. Жамиятда бошлиқлар, оқсоқоллар ажралиб чиқиши кийимга символик вазифаларнинг дастлабки элементларини киритди. Табиат кучларини илоҳийлаштириш, дастлабки худоларга сиғиниш кийимни махсус шакллантиришни талаб этиб, диний маросим кийимлари пайдо бўлди. Одам дастлабки маданий образларни теварак-атрофдаги борлиқдан оларди. Инсоният таклид қилишдан аста-секина костюмни бадиий-образли ҳал этишга ва унинг эстетик вазифаларига етиб келади. Тарихий шароит айнан шу пайтда энг муҳим: бўлган вазифани етакчи сифатида илгари суради. Ҳозирги кийимлардаги барча турли-туманликни; қуйидаги тартибда классификация қилиш мумкин.

Жинс - ёш аломатларига биноан кийим катта ёшлилар (эркаклар ва аёллар) кийими ва болалар (ўғил болалар ва қиз болалар) кийими бўлинади. Болалар кийими ўз навбатида ёш аломатларига қараб бўлинади: ясли ёшидаги болалар кийими, мактабгача ёшдаги болалар кийими, ва мактаб ёшидаги болалар кийими ва ўсмирлар кийими.

Костюм системасидаги ишлатилишига биноан кийим ич кийимга, кўйлакка ва уст кийимга бўлинади. Ич кийим бадан устига, кўйлак ич кийим устидан, уст кийим эса кўйлак устидан кийилади. Турли йил фаслларида мавсумий - кийим кийилади. Мавсумга биноан кийим кишлоқ кийимга, ёзлик кийимга ва баҳорги-кузги (демисезон) кийимга бўлинади. Мавсумга биноан бўлиш региондаги иқлим шароитига боғлиқ.

Мўлжалланишига биноан кийим маиший кийим, ишлаб чиқариш кийими, форма кийими, спорт кийими ва томоша кийимига бўлинади. Бу турларнинг ҳар бирини яна группа ва кичик группаларга бўлиш мумкин. Маиший кийим уйлик кийимга (ухлашдаги, эрталабки ва кечки кийимларга, уй ишлари ва меҳмон кутиш кийимларига), кундалик кийимга (иш кийими ва турли машғулотлар кийими) ва башанг кийимга (маданият ва томоша муассасаларига бориш кийимларига) бўлинади.

Ишлаб чиқариш кийими ишлаб чиқариш турларига биноан бир-биридан фарқ қилади ва махсус муҳофаза кийими, иш кийими, символика кийими (масалан, йўл қурилиши ишчилари-нинг зарғалдоқ ранг нимчалари) деб юритилади.

Махсус кийим меҳнат спецификасига ва ишлаб чиқариш шароитига боғлиқ бўлади. У ишчини ишлаб чиқаришдаги зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида (масалан, кон-чиларнинг, металлургия ва химия саноати ходимларининг кийимлари) ёки, ғайри табиий шароитда муайян ишлар бажарилишини таъминлаш мақсадида (масалан, ғоввослар, ўт ўчирув-чилар, космонавтларнинг костюмлари, махсус материаллардан ГОСТлар талабига қатъий мувофиқ қилиб тикилади.

Иш кийимининг вазифаси ишловчининг одатдаги кийимини кирланишдан, ишдан чиқиш ва йиртилишдан сақлаш ёки ишловчи учун бевосита кийим бўлиб (масалан, сотувчилар, медиклар, тўқимачилар, сартарошлар кийими) хизмат қилишдан иборат.

Форма кийими ҳарбийлар кийимига, маҳкамалар кийимига, (масалан, милиция ходимларининг граждан авиацияси ва флот ходимларининг формалари) жамоат ташкилотларининг форма кийимларига, мактаб формаси ва униформа (швейцарларнинг кийими;) кийимларига бўлинади.

Жамоат ташкилотларининг форма кийимлари оддий ва қулай қилиб тикилади. Форманинг ранги, нишон ва эмблемалари, шунингдек ҳарбий аббревиатуралари символик аҳамиятга эга бўлади.

Мактаб формасининг ранги ва ёш гурупуларига биноан тикилганлиги болаларни интизомли қилишга, уларда ўз коллективи учун масъулият туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради, барча болалар тенг деган муҳим ижтимоий проблемани ҳал этади.

Спорт кийими профессионал ва ҳаваскор спортчилар кийимларини ўз ичига олади. Рангларнинг ҳал этилиши ва символика элементлари қандай спорт жамиятига мансубликни кўрсатади.

Томоша кийимлар артистлар театрда эстрадада, циркда кийиб чиқадиган, оммавий театрлаштирилган юришларда, карнаваллар, фестиваллар, халқ байрамлари ва ҳоказоларда кийиладиган, ранги ва шакли жиҳатидан ниҳоятда турли-туман костюмларни ўз ичига олади.

Нимага мўлжалланганига ва мавсумга қараб кийим ҳар хил материаллардан тикилади. Бу жиҳатдан кийимни жун, шойи, ип газлама, зиғир толали материаллардан, шунингдек сунъий, синтетик ва аралаш толали материаллардан тикилган кийимларга бўлинади. Кийимни, шунингдек, ассортимент гурупуларига биноан ҳам классификация қилинади. Кийимнинг моделларини лойиҳалашдан уни бадиий ҳал этиш масалалари «Костюмнинг махсус композицияси» ни яратиш жараёнида ўз ечимини топади.

Композиция - бадиий асар шаклининг барча элементларини мазкур асарнинг образли ғоявий-бадиий мазмунини ифода этувчи узвий бир бутунликка бирлаштириш.

Кийим композицияси - кийим шакли барча элементларини, унинг мазмунини ифода этадиган бирликни барпо этиш воситалари ёрдамида тузиб чиқиш. Қийимнинг мазмуни унинг нимага мўлжалланганига қараб белгиланади. Кийим шаклининг композицияси унинг мазмунини очиб беришга олиб келиши кёрак.

Ҳар қандай бадиий асарда уни ташкил этган барча элементлар ўринли бўлиши керак. Ортиқча ёки муаллиф фикрини етарлича яхши ифода этмайдиган нимаики бўлса, ҳаммаси олиб ташланиши керак. Композиция махсус бадиий тилдан иборат бўлиб, унинг ёрдамида санъаткор борлиқни акс

эттирувчи ғоя ва туйғуларни тасвирлаб беради. Бадий образ борлиқ инъикосининг эстетик шакли ҳисобланади. Кийимнинг бадий образи бу кийимнинг конкрет вазишани ва борлиқни акс эттирувчи асосий ғояни ифодаловчи моделнинг умумий қиёфаси. Санъаткор яратган ҳар бир моделининг образи инсонга таъсир этишга қодир эмоционал ва таъсирчан бўлиши керак. Қийим ҳар ерда ва ҳамма вақт одам билан бирга бўлиб, унга ишонч, кадр-қиммат, оптимизм туйғуларини бахш этиши ёки аксинча, уни тушкунлик ва хафалик ҳолатига дучор қилиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида аниқланишича, кийимнинг образли ифодавийлигига композиция санъати воситасида, яъни кийимни ташкил этувчи ҳажмлар, ранглар, чизиклар, деталлар ва безак элементларини ягона узвий бир бутун қилиб бирлаштириш воситасида эришиладн.

Бироқ- модельернинг кийим ва бутун костюм образи устидагн иши энг муҳим жиҳатга, яъни вазифа нуқтаи назаридан қулай, ҳаётда ўринли костюм яратишга бўйсундирилган бўлибгина қолмай, балки ифодали бўлиши ҳам керак. Композиция санъати санъаткорнинг қизиқ ва муҳим жиҳатларни кўра билиш ва алоҳида тарқоқ компонентларни бир бутунликка уюштира билиш маҳоратидан иборат. Рассом Н.Крамской шу фикрни мана бундай ифода этган: «Токи рассом кузатишни, қизиқ ва муҳим нарсаларни ўзи сезадиган бўлишни ўрганиб олмагунча композицияни ўрганиб ололмайди. Фақат ўзи сезадиган бўлган пайтдан бошлабгина унда илғаб олганининг моҳиятини ифода этиш имконияти бошланади; қачонки у ғоянинг жумбоғи қаердалигини тушунса, ўшанда унинг таърифлашигина қолади-да, композиция ўз-ўзидан келиб чиқади».

Модельер-рассом ўз ишида унинг тасаввури ва фантазиясини озуқа бериб бойитадиган турли ижодий манбаларга мурожаат этади. Халқнинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги жамият ҳаёти, атроф-табиатнинг хилма-хиллиги, тарихий костюмлар ва халқ костюмларининг бойлиги, бадий адабиёт, музыка, кино, театр ва хоказолар ҳозирги замон рассоми ижодининг манбалари бўлиб хизмат қилади. Рассом ўйларини етиштиришга ва конкретлаштиришга ёрдам

берадиган айрим мотивлардаи фойдаланиб, ана шу манбалардан ўз ғоялари ва образларини тўплаб боради.

Хулоса қилиб айтганда, костюмнинг композицион ечими, ўзига хос хусусиятлари вазифалари тарихан ташкил топган. Инсонят тараққиётининг илк босқичларида кийим аввало табиат, атроф муҳитдаги салбий таъсирлардан муҳофазаланиш учун кашф этилган. Тадқиқот жараёнида одамзоднинг кундалик турмуш тарзи, фаолият тури кийимларнинг барчасида специфик элементлар пайдо бўлишига олиб келганлиги, кийим утилитар-амалий вазифаларни бажарадиган воситага айланганлиги таъкидланди. Кейинги бўлимда эркаклар кийимининг ривожланиш эволюцияси тарихийлик нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади.

1.2.Эркаклар кийимининг ривожланиш эволюцияси

Илмий адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, эркаклар модаси кўплаб минг йилликлар давомида ўзгариб, ривожланиб келган. Инсон танасининг шакли ва яшаш тарзи дастлабки кийимларнинг кўринишини белгилаган. Дастлабки даврлар, яъни ибтидоий тузумда ҳайвон териси ёки ўсимлик навдаларини тўқиш асосида маълум бир шаклга келтирилиши оқибатида тайёрланган мато инсон танасинининг маълум бир қисмларини беркитишга хизмат қилган. Бунда тўғри тўртбурчак мато елкага ёхуд бўксага ташланиб, тана атрофига диогонал ёхуд айлана бўйича горизонтал ҳолатда боғланган. Боғланиш жойига кўра улар бир-биридан фарқаланган. Шу усулда икки хил: елка ва белга боғланадиган кийим турлари пайдо бўлган. Уларнинг энг қадимий шакли бурмаланадиган кийимдир.

Миср либослари мисолида эркаклар кийимини тавсифлашнинг сабаби шундаки, у дунё тарихида энг қадимги давлат саналади. Қадимий Миср либосларининг шаклида тахлама асосий ўрин тутди. Эркаклар асосан «схенти», яъни пешбанд кийганлар. Схентилар шаклан тўртбурчак, ёки трапециясимон бўлиб, турли хил ўлчамларда бўлган. Схенти белга ингичка чарм белбоғ билан боғлаб, маҳкамлаб қўйилган. Вақт ўтиши билан кийим силуэти этакка томон кенгайиб, пирамидасимон кўринишга келди. Эркаклар кийими бир неча юпқа схентилардан иборат бўлиб, устма-уст кийилган.

Юнон либослари эса, жамият эстетик қарашларнинг инъикоси бўлиб, жамият идеалини ўзини акс эттирган. Салобатли ва оддий, жисман машқ қилинган тана учун ҳаракат ва эркинлик туғдириш - бурмаланган қадим юнон либоси учун асос ролини бажарган. Эркаклар либоси икки қисмдан: яъни хитон ва гиматиядан иборат бўлган. Хитон бизнинг тасвуримиздаги ич кийим бўлиб, у асосан зиғир ёки жунли толадан ўқилган матодан тайёрланган. Хитоннинг елка қисми тикилиши, ёхуд фибула деб аталувчи тўқалар ила маҳкамланган. Энг кенг тарқалган устки кийим, яъни ёпинчиклар гиматий деб аталган. Гиматийларнинг размери 1,7 х 4 метр бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклидадир. Ҳарбийлар металдан пешбанд, унинг устида калта хитоннинг устидан «кираса»

деб ном олган совут кийишган. Уларнинг устки кийими бинафша рангдаги хламидалар бўлиб, бошларига дубулға кийишган. Уларнинг болдирлари «кнемидис» билан ҳимояланган. Ҳунармандлар ва косиблар асосан дағал жундан толасидан қилинган енгсиз, баъзан калта енгли хитонлар кийишган бўлса, қуллар кийими ўнг томони очик «экзомида» ёки белга боғланган пешбанддангина иборат эди.

Юнонлар пойафзалининг шакли оёқ кафтини такрорлаб, асосан пробка ёки арқондан таёрланган тагликдан иборат бўлиб, у арқон ёки чарм тасмалар ёрдамида оёқ тўпиқлари ёхуд болдирга маҳкамланиб, кийиб юрилган. Бош кийимлар асосан ёгин-сочинли об-ҳаво шароитида ёхуд саёҳатлар пайтидагина кийилган. Манба, рангтасвир асарлари ва адабиётлардаги тасвирларга кўра, қадимий римликлар матонатли, кучли кишилар сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Агар Юнонистонда гавда тузилишида маълум бир пропорциялар, уларнинг уйғунлиги асосидаги гўзал атлетик гавда идеал ҳисобланса, Рим давлатининг дастлабки йилларида кучлилик, ҳар қандай шароитга мослашувчанлик, қийинчиликлардан чўчимаслик, қатъият ва оддийлик – мана шу хусусиятлар бу давр идеал шахс тимсолини белгилайди.

Римда эркаклар либоси - инсон танаси гўзаллигини бўрттириб кўрсатувчи бурмали, аксарият ҳолларда инсон танасининг баъзи қисмлари очик қолган либослар етакчилик қилган. Бу давр либослари орасида туника етакчилик қилган. Туника ўзининг қўлланилишига ва вазифасига кўра хитонга ўхшашдир. Бироқ улар шаклан бир-биридан фарқ қилади. Агар хитонга ўралиб олинса, туниканинг елка қисми тикилиб, уни бош орқали кийиб олинган. Рим тарихида туниканинг шакли ва узунлиги ўзгариб борган. Эгаси қанчалик бой ва мансабдор бўлса, туниканинг беазаги ҳам шунга яраша бўлган. Фикримизча, Римда урф бўлган туника ва тога ўзининг бадиий ва шаклий тузилишига кўра юнонларнинг хитон ва гиматиясидан фарқ қилса-да, бироқ уларнинг умумий жиҳатлари ҳам йўқ эмас эди. Эрамизнинг 395 йилига келиб Рим империяси Ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинди. Ғарбий қисм қуллар қўзғалони сабаб вайрон бўлиб, босқинчи герман ва галлар томонидан эгалланган бўлса, Шарқий

қисми ўз ҳукмронлиги остига Миср, Сирия, Кичик Осиё, Юнонистонни бирлаштириб, Византия деб атала бошлади. Жамиятнинг етакчи дини христианлик бўлиб, у катта иқтисодий ва сиёсий қудратга эга бўлган. У Византия маданияти ва санъатининг шаклланишида катта ва муҳим ўрин тутди. Бу даврда антик инсондаги гўзаллик ва уйғунлик тушунчалари ўрнига рухий гўзаллик кириб келди. Тана турли кўринишларда ниқобланган. Эркаклар либосларининг асосий кўринишлари туника, иштонлар, далматик, педула ва лорум бўлган. Номланишига кўра улар рим либосларини эслатсада, аммо кўриниши жиҳатдан бирмунча фарқланган. Либослардан ўраб кийиш умуман йўқолди, қолган бўлса ҳам антик юмшоқлик ва эгилувчанлик ўрнига инсон қомастига цилиндр формасини бериб турувчи оғир цилиндрсимон фалдалар эгаллади. Туника пасга қараб торайтирилган узун енгли рим туникасини эслатиб турарди. Император ва амалдорларнинг уст кийими плаш-мантия бўлган. Ушбу либос фибула яъни тўғноғич билан ўнг елка ёки бўйинга қотириладиган кенг ва узун ёпинчикдир. Византияликлар пойабзали – ингичка тасмалар билан боғланган этиклар ёки юмшоқ бошмоқлар бўлган. Бош кийимлари - узун ўткир учли ёки қуббали ва ҳошияли бўлган.

Эрамининг V асрига келиб, қадимги Римнинг инқирозга учраши натижасида қулдорлик тузуми емирила бошлади. Ҳозирги Европанинг ерларида бирор бир бақувват давлат бирлашмаси йўқ эди. Зеро улар қанчалик тезликда пайдо бўлса, шунчалик кўп вақт ўтмай, йўқолиб кетарди. IX асрга келибгина, дастлабки узоқ вақт турган давлат – франклар давлати вужудга келди. Ўрта аср давлатлари янги иқтисодий муносабатлар, яъни феодализм муносабатларига ўта бошлади. Бунга кўра жамият ер-сув эгалари феодаллар ва уларга қарам деҳқонларга бўлинди. Феодализмнинг шаклланиши асосан X асрга келиб тугади. Бу даврда жамиятда черковнинг роли оша бошлади. Дин жамиятнинг маънавий маданий тараққиётига болта уриб, унинг ривожига маълум бир маънода тормозлади.

Ўрта асрлар жамиятининг муҳим элементларидан бири табақалашган иерархия эди. Унинг энг юқорисида энг катта феодал подшоҳ турарди. Кеч

Ўрта асрлар табақаларидаги фарқлар либосларда аниқ кўзга ташланади. Ўрта асрлар маданияти, хусусан либосларини ўрганишда уларни турли вилоятларга бўлиш қабул қилинмаган. Бунга сабаб, биринчидан бу даврда Европада бақувват, узок йиллар ҳукм сурган катъий давлат тузилишининг ўзини йўқ бўлган бўлса, иккинчидан бу даврда Европа маданияти тараққиётида, христиан черкови талаблари асосида яшашга маҳкум бўлган катъий маданият мавжуд эди.

Қадимги шарқда пайдо бўлган қадалмайдиган кийимларнинг содда бичими, европа кийимларида X-XI асрларгача яшаб келди. Аёллар ва эркеклар гўзаллиги ҳақида кейинчалик пайдо бўлган тушунчалар аёл ва эркек кийимининг шаклий жаҳатдан фарқланишини талаб қилди. Европа либосидаги бу муҳим ўзгариш ўрта асрларда бирданига пайдо бўлиб, шаклланмади. Бунинг учун оз эмас, кўп эмас 400 йил керак бўлди. Унинг ривожини қуйидаги характерли даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: XII аср — XIV асрнинг биринчи ярмида эркеклар либослари узун бўлиб, улар қоматга ёпишиб турган.

Эндиликда белбоғлардан белни тортиб туриш учун эмас балки белни таъкидлаб кўрсатиш учун ва декоратив безак сифатида фойдаланилган. Либослар фақатгина накладной бўлган. Фақатгина плашлар драпировка қилинган (ўралган).

XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи чорагида (готика даври). калта эркеклар кийимининг пайдо бўлиши ва узун аёллар кийимининг янада бойиши билан характерланади. Бу даврда тугмалари қадалмайдиган кийимларнинг турли хиллари кенг тарқалди. Авваламбор металлдан қилинган рицарь либоси реконструкция қилинди. Унинг оғирлиги ва ноқулайлиги ҳарбийларни ҳаракатини чеклаб қўяр, жангда анча аноқулайликларни юзага келтирар, шунингдек кўп холларда касалликка ҳам сабаб бўлар эди. Яхлит метал совут алоҳида бўлақларга бўлинди — совут, ҳаракатланадиган жойларидан илгаклар, ошиқ-мошиқлар (шарнир) билан уланди. Шу усулда тананинг баъзи қисмлари: елка қисми, кўкрак қисми енглар учун текис деталлар формаси топилди. Готика даври либосларида санъатнинг бошқа турларида

бўлган каби иккита бир-бирига қарама-қарши тенденция, яъни христиан динининг талаби бўлмиш танани ёпиш, уни формаларини кўрсатмаслик, шунингдек тор бичимдаги либос билан инсон гўзал қоматининг табиий формаларини кўрсатиш мавжуд эди.

XV асрнинг иккинчи ярми – франк-бургунд модасининг даври бўлди. Бу давр асосан феодаллар либосларининг ижтимоий табақасини ёрқин намоён этганлиги билан характерланади. Бу даврда ергача узайтирилган, осилиб турган енгли, ҳаракатланишни чеклайдиган тор, қоматни кўрсатиб турувчи тор либослар, узун тумшукли пойафзаллар, ажойиб, хашамдор бош кийимлар урфга кирди, 2- шаклидаги қомат силуэтига эришиш учун аёллар қоринларига унчалик катта бўлмаган ёстиқлар - бослар боғлаб юришган.

Эркаклар либоси - Илк ўрта асрларда (VI-XII а.а), либос белдан боғланган, енгли калта туника, калта иштон, матодан тайёрланган пайпок, чарм бошмоқ ва ўнг елкадан тақиладиган жунли ёпинғичдан иборат бўлган. Бошга эса конуссимон бош кийим кийилган. Бундай либос кўриниши Буюк Карл даври (VIII а.) амалдорлари либосларида сақланиб қолган. Булар билан бир қаторда иккита яримтадан иборат тор узун иштонлар, бир-бирини устидан кийиладиган кенг ва узун туникалар пайдо бўлди.

XIII асрга келиб икки ёни тикилган, чуқур ўмизли сюрко деб номланган янги кийим тури пайдо бўлди. Сюрколар одатда коттнинг устида кийилган. Шу сабабли у сўзнинг маъносига кўра қўлланади (французча surcot - котт устидан). Котт тилга олинган асрга келиб блиони урфдан чиқарди. Сюрко нафақат кийим тури, шу билан бирга ўзбек тилидаги «кўйлак» атамаси маъносига яқин. Айнан шу даврдан бошлаб у либослар терминалогияси таркибидан ўрин олди.

Кеч ўрта асрлар даври (XIV-XVa.а.). Бу даврга келиб, бичиқдаги ривожланиш сабаб, кийимларнинг шакли, тузилиши ва безак чизиқларида турли туманлик пайдо бўлди. Эркаклар либоси икки силуэт кўринишида ривожланди: қоматга ёпишиб турувчи ва пастга қараб кенгайган кенг либослар. Тор турадиган либослар роман давридан аввало енг ўмизини бурмага йиғиш ва махсус пахта валик прокладка ёрдамида елкаларни кенгайтириш билан

фарқланади. Конструктив ва безак чизиклар кўкрак ва бирмунча тор ва пастлатилиб, белбоғ билан безакланган белни таъкидлаб кўрсатишга ёрдам берган. Ушбу давр эркаклар либоси ўткир учли пойафзал ва конус шаклидаги баланд бош кийим билан бирга инсон фигурасини янада узайтириб кўрсатиш билан бирга унғ чакқонлик ва эгилувчанлик ҳам бахш этарди. Бу давр тор кийимларига калта, ёпишиб турадиган куртка *котарди* ҳам хос. Котарди – олд томонидан тугмаланадиган ва бўксада безакли белбоғ билан қадаладиган, бўкса узунлигидаги тор кийимдир.

XIV асрларга келиб котардини белни сиқиб турадиган ва бўксада елпиғичсимон тахламали калта жакетлар томонидан сиқиб чиқарилди (7-расм). Жакетлар енгى баланд кўтарилган, бермаланган ўмизга эга бўлиб, франк бургууд модаси белгиси - елканинг тўғри ва баланд кўринишини белгилаган. Таперт ҳам белдан қаттиқ сиқиб боғланган ва унинг ҳам паст қисми бурмали ёки тахламали бўлган. Тапертлар жакетдан узунроқ бўлган (тиззагача узунликда), четлари бой безатилган. Белбоғ, ёқа, енг, енг ва елка чокларга қўнғироқчалар тақилган. Ўмиз олд томонда ҳам, орқада ҳам бўлиши мумкин эди. Аср охирларида тапертларнинг кўкрак қисмига ва елкага мардонаворликни бўрттириб кўрсатиш учун пахта қистирмалар қўйилган. Калта тор курткалар шоссалар ва ўткир учли оёқ кийим – пигашлар билан кийилган. XIV асрга келиб пигашлар учи жудаям узайиб, улар узунлиги эгасининг жамиятдаги ўрнига қараб 70см.гача борган. Оёқ кийим ранги устки либос рангига қараб алоҳида эътибор билан танланган: оқ, қизил, қимматбаҳо безаклар билан безалган олтин ранг чарм ва х.к. Оёқ кийим тузилиши ҳар икки, яъни ўнғ ва чап оёқ учун бир хилда. Инсон танасининг тик ва адллигини бўрттириб турувчи тор кийимузун ёки калта, этаги енгининг паст қисми жуда кенг устки кийим билан кийилган. Бу икки қрама қарши силуэтлар эркак фигураси эстетик жиҳатдан янада кўркемлик касб этарди.

XIV аср охири — XV аср бошларида сюрколар упеляндлар томонидан сиқиб чиқарилди. Упелянд - қоплама ва тугмалари қадалмайдиган, турли узунликдаги устки кийим бўлиб, уни белбоғ билан ёки белбоғсиз кийиб

юришган. Узун упеянднинг этаклари кенглиги 7 метргача, енги пастининг кенглиги 3 метргача бориши билан характерлидир. Эркаklar либосидан фақатгина ички туникалар зиғир толасидан тайёрланган матолардан тикилган, қолганлари эса – энг урф бўлган матолар - жун матолар, шойи, парча, духоба матоларидан тикилган. Бу даврда бош кийимларнинг турлари кўп бўлган: капюшон, шаперон – осилиб турувчи узун учли ўралган бош кийим, конуссимон, кенг ва тор айвонли (чамбаракли) фетр ва мовут шляпалар. Соч турмаklари – узун локонла (жамалаklар) ва калта челкали.

Уйғониш даври инсонга бўлган қизиқиш, табиатга ва гўзалликка бўлган муҳаббат, билимга чанқоқлик, кашфиётлар, табиий фанларнинг, санъатнинг, адабиётнинг гуллаб-яшнаши, санъатда янги услуб – реализмнинг пайдо бўлиши билан характерлидир. Шу давргача Франция, Византия, Шарқ мамлакатларининг маданияти таъсири остида бўлган Италия, XV асрга келиб Европа мамлакатлари орасидаги модаларни расм қилувчи давлатга айланди.

XV асрда мода яратишнинг асосий макони Флоренция, XVI асрда эса Венеция эди. XV асрдаги флоренцияликлар либосида француз готикасининг қоматга ёпишиб турадиган шакли сақланиб қолган. Бу давр либосларда бўрттирилган формалар йўқ. Улар ўзининг қулайлиги билан ажралиб туради. Пойавзаллар эса тумшук қисмининг думалоқ формаси билан фарқланади. Эркаklар либосининг асосийлари: кўйлак, колет, пайпоқли иштон, симара, табор, плаш ҳисобланган. Эркаklар кўйлаги – асосан юпқа ва нозик оқ матодан тайёрланиб, у белнинг пастигача тушиб турган. Уни иштонга қистириб кийишган. Елка қисмининг енгил тушиб туриши, катта ҳажмли лиф ва енглариинг узунлиги матони устки кийим енгининг қийиқ жойидан чиқариб қўйиб, башанг буфон кўринишини бериш имконини берар эди. Узоқ вақт давомида мипарти модаси сақланиб қолди: иштоннинг бир оёғи сидирға, иккинчиси йўл-йўл. Эркаklар поймафзали жуда қулай бўлиб, у чармдан тайёрланиб, кенг тушмуқли, юмшоқ бўлган. Бундай оёқ кийимлар “айиқ панжаси” деб аталар эди. Бош кийимлар турли шаклда бўлган. Улар орасида паст шляпалар, беретлар, фескалар кенг урф бўлган.

Уйғониш даврида Франция, Германия, Англия сингари Ғарбий Европа мамлакатлари либослари дастлаб Италия таъсирида кейинчалик Испания таъсири остида ривожланди. Лекин миллий ривожда ўзига хос белгилари ҳам йўқ эмас эди. Эркаклар либосининг асосий қисмлари худди италян ва испанларники сингари эди. Лекин унинг силуэтида хажмни катталаштиришга хизмат қилган катор горизонтал чизиқлар янада ёрқин кўзга ташланди. Либосларда йириқларга ҳаддан зиёд катта эътибор қаратилган. Натижада, колетлар, иштонлар, бош кийимлар, пойафзаллар, қўлқоплар ҳам йириқлар билан безакланган.

XVI аср бошларига бориб эркаклар пайпоқ иштонлар устидан калта бўкса иштонлар кия бошлашган. Пайпоқ иштонлар тиззадан тепасидан кесилиб, юқори иштонга тортилар ва безак лерталар – боғичлар билан боғланарди. Эркаклар устки кийими - тугмалари қадалмайдиган, кенгайтирилган силуэтли, астарсиз шаубе ҳамда плаш бўлган. Либосни ясси бош кийимлар, кенг тумшукли, яъни “сигир тумшукли” пойабзал тўлдирган.

XVII аср зиддиятлар ва курашларга тўла ўтиш даври бўлиб, тарихда европа феодализмини тугаллаб, янги капиталистик муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Бу давр эркаклар кийган либосларнинг асосийлари XVI асрда пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Булар - кўйлак, иштонлар, куртка, уст кийим, бош кийимлар, пойабзал, ич кийим. Кийимлар формаси, шакли, баъзи қисмлари давр давомида бир неча марта ўзгарган. Аср бошида эркаклар кўйлаги ички кийим ва устки кийимнинг бир қисми вазифасини бажарган. Асрнинг иккинчи ярмига келиб кўйлаклар тури кўпайди, оқ юпқа матодан тикилган тор ички кўйлак ва худди шу матодан тикилган устки кенг кўйлаклар пайдо бўлди. Либоснинг декоратив беағида бу муҳим рол ўйнади, яъни енгларнинг кесимларидан кўриниб турар эди.

Камзол калта қайтарма ёқали колетга айланди. Ташлаб юриладиган кийимларнинг ўрнига калта, мўйна билан сирланган тик ёқали плашч кийиш одат тусига кирди. Колетлар шакл ва беағи кўра турли-тумандир. Аср бошида - колетлар калта, танага ёпишиб турадиган майин шаклларда, паст томонга

қараб кенгайтирилган. Уни панталонлар билан кийишган. Панталон - узунлиги болдиргача бўлган тор текис иштон бўлиб, уни ён чоклари бўйлаб каштадўзлик билан, паст қисмини эса тўр бурмали қўшэтаклар билан ёки тасмали чоклар билан безалган.

XVII аср эркаклар либоси ҳарбийлаштириш таъсири остида бўлди. Қиролнинг содиқ аскарлари – мушкетер - даврнинг идеал қаҳрамони тимсоли эди. Либослар XVII аср давомида ҳарбийлардан қадди ростлик, хушбичимлиликни мерос қилиб олди. Бироқ 50-70 йилларда бу тимсол эркакларнинг янги эстетик идеали қаршисида бир мунча чекинди. Янги эстетик идеал - ёш қирол Людовик XIVга тақлид – яъни гўдақлик тимсолидир. Бу давр либоси тўрлар, бантлар билан бой безатилган кўйлак, ёнги тирсаккача бўлган калта куртка – веста ва ренграв-иштондан иборат бўлган. Аср охирига келиб янги сарой кийими – жестиюкор пайдо бўлди. Жестиюкор – ҳарбийлар кийими формасидан олинганини атаманинг ўзидан ҳам билиш мумкин. Эркак кишига қатъийлик, хушмуомалик, келишган қомат, пластикани қайтариб берган жестиюкор билан бирга духоба, шойи, жун матолардан кюлотлар кийишган. Бу тиззагача узунликдаги, ёнларида кесмаси бор ва тугма ёки тўқа билан қадаладиган тор иштон. Кюлотлар кўп ҳолларда жестиюкор билан бир хил рангда бўлган. Шунингдек кюлотларга ўйма чўнтаклар ҳам қилинган.

Пойафзаллар қаторига қайтармалар этиклар, шунингдек бантли, тўқимли, розеткали, тўртбўрчак учли ва ременли ярим ёпик туфлилар кирган. Ёғин сочинли ҳавода устидан орқа қисми йўқ чарм, ёғоч тагли оёқ кийимлар кийилган. Улар бугунги кундаги каллишлар бажарган вазифани бажарган. Бу даврда шунингдек эркакларнинг қизил рангдаги баланд пошналар оёқ кийимлари ҳам пайдо бўлган. Бош кийимлар – юмшоқ кенг соябонли, оқ туяқуш пати билан безалган шляпалар – аста секин учбурчак шаклга кира бошлаган.

Агар XVII аср қироллик ҳокимиятининг гуллаб яшнаган ва чексиз имкониятларини мустаҳкамлаган аср бўлган бўлса, XVIII аср унинг таназзул даври бўлди. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг тасдиқланиши маданият ва

санъатда янги шаклларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу асрда Европа маданияти пойтахти сифатида аввалгидек Франция и Англия сақланиб қолди. Француз санъати Европа давлатлари учун намунал бўлди. Француз тили халқаро тил бўлиб қолди. Француз модаси барча Европа мамалкатларига тарқалиб, умумий Европа модасига айланди. XVIII асрга келиб француз эркаклар либоси ички кийим, камзол, жюстокор ва кюлотдан иборат бўлди.

XVIII аср давомида камзол калталашди, 60-йилларга келиб камзол белдан 20 см. пастга тушадиган даражага келди. Унинг ранги одатда жестюкор билан контрастланган. 70-йилларда танага ёпишиб турувчи, кенгайган этакли, тор енг ва унча катта бўлмаган стойка ёқали фрак пайдо бўлди. Аср охирида башанг француз фраки билан биргаликда иккибортли, бортлари чуқур ўйикли, қайтарма ёқали ва катта қайтармали кундалик инглиз фраки ҳам пайдо бўлди. Уни жун матодан ёки қалин ип матодан тикишган. Бош кийимлар – унча катта бўлмаган поляли олди тор ва ёнлари букилган шляпалар. Париклар ён тарфдан жингалакланиб, орқада ўриб бант билан мақкамланган.

XIX аср боши санъатда ампири услуби пайдо бўлиши билан характерлидир. У йирик буржуазиянинг эстетик дидини ва Наполеоннинг ҳарбий қахрамонликларини намоён қилар эди. XVIII аср классицизми каби ампири услуби ҳам антик образлардан илҳомланар эди. Ампири либоси силуэти баланд ва текис коллоннали цилиндрсимонликка интилиш билан характерланади. Либос композицияси статик, декоратив ечими конструктивликдан устун келади. Баланд стойка ёқали, тўқ рангли жун матодан тикилган фрак эркакларнинг кундалик либосига айланди. Кўп ҳолларда уни ёрқин панталон ва ёрқин рангдаги жилетлар билан кийишган. Устки кийим кейинчалик ишбилармон эркакларнинг либосига айланган икки бортли редингот ёки сюртук. Қишда ва кузда эркаклар бир неча ёқали ёки пелеринали редингот кийганлар.

1830—1860 йилларда мода кескин ўзгарди. 1830 йил Германия, Франция ва бошқа европа мамлакатларида санъатдаги бош йўналиш романтизм бўлди. Унинг эстетик идеали –мустақилликни, курашни, иш юритиш ва ташкил

этишни чин дилдан истовчи кучли шахс. Ушбу оқимга ўтмишни, асосан ўрта асрларни идеаллаштириш характерлидир.

Инсон ташки кўриниши ва либосида романтизм таъсири орқали кўтаринкилик, эҳтирос, орзумандлик, хаёлпарастлик, эргаштириш сингари сифатлар кўзга ташланади. Эркаклар либоси ассортименти ва асосий формалари ўзгармаган холда қолди. Асосий эътибор кўшимчаларга, қимматбаҳо жун, юпка каноп матоларга бўлди. Бал учун кийиладиган фракларга бархат, жилетларга турли рангдаги парча матолар қўлланилди. Ўрта асрлардаги узун плаш ва учли туфлилар яна урф бўлди.

1840-50 йилларда эркаклар либосида бир қанча ўзгаришлар содир бўлади. Амалийлик, мақсадлилик бу даврда ғала қилиб, қопсимон силуэт ҳаётга кирди. Фрак тантанавор кийимга айланади. Кундалик кийимда фрак ўрнига анча қулай, ёпик, тугмаланадиган сюртук кириб келди. 60-йилларга келиб эса сюртукни пиджакка алмаштиришади. Уни шим ва жилет билан бир хил матодан тика бошлашади. Ундан ҳам аввалроқ эркаклар устки кийимида калта, тўғри силуэтли пальто пайдо бўлди. Асосий бош кийим цилиндр сақланиб қолади. Оёқ кийим – этиклар ва қора рангдаги ёпик туфлилар.

1870—1890 йиллар давомида эркаклар либосининг стандартлаштириш ва стабилизациялаштириш бошланади. Эркаклар либосини саноатлаштириш жадаллашади ва аср охирига келиб индивидуалликни сиқиб чиқаради. 1870-йиллар охирида либосларни моделлаштиришда янги ғоя ва тимсоллар пайдо бўлди. Халқ либоси ва шарқона шаклларга қизиқиш ортди. Илк бор денгиз мотиви қўлланилди. Лекин ўтмиш тасвирий услубларидан фойдаланган каби буларда ҳам аниқ бир тасвирий ечим йўқ эди: халқ нақшлари мода оламидаги етакчи кўйлакка механик тарзда ўтди; “денгиз” либосларида ёрқин кўк тасма, икки қатор якорли тугмалар, баланд турнюр билан драпировкаланган бош кийимлар, майда плесировкали оборкали юбкалар урф кирди.

XIX аср охирида “кутюрье” тушунчаси пайдо бўлди. Модада бу ўта дабдабалик, аёллар либосларининг безакларга ўта тўйинганлиги, рококо давридаги либосларга қизиқиш билан ўз аксини топди.

XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги “эстет” либослар. 19-аср охиридаги мода таклиф этаётган либосларни ислохот қилиш таклифи билан нафақат феминисткалар, балки “модерн” услубини яратган архитектор ва рассомлар ҳам чиққанлар. Модерн услуби 1880-1890 йиллардаги мавжуд бўлган санъатдан қоникмаслик шароитида ва ундаги эклектикага қаршилик сифатида шаклланган.

Башанг эркаklar кийимининг гуллаган даври XVIII - XIX асрларга тўғри келади, унда эркаklar шим ва жилет, икки бортли сонгача тушадиган сюртук кийишган. Шуларга қўшимча тарзда, орқа томонига буклам ва бурмалар қилинга плаш тавсия этилган. Пала-партиш башанглилик – XIX аср эркаklar кийими модасининг асосий ажралиб турадиган ўзига хослигидир.

Эркаklar кийими даври XX аср хисобланади, унда ҳар бир эркаkning гардеробида костюм бўлиши шарт эди. Бу кийим турли хилдаги тантана, учрашув, тадбирларда кийилган. Кўп ҳолларда туси бир-бирига тушадиган пиджак ва шимларэди, лекин ўзаро гармоник уйғунлашадиган бошқа ранглар варианты ҳам бўлган. Эркаklar модасининг ватани прогрессив Англия хисобланади. XIX асрнинг бошларидаёқ, тилларда дoston бўлиб келган, Регентлик даври инглиз дендиси ва эркаklar модасини расм қилувчиси Джордж Брамелл, ҳақиқатдан эркаklar костюмини алоҳидаги элементлардан яратди. Шу даврга қадар эркаklar аёллар косметикасини жуда кўп қўллашга уялмасдилар ва оёқларга ёпишиб турадиган лосиналар ҳамда аёлларникига ўхшаш комзолларни кийганлар. Джордж Брамеллнинг байналминал қадами жаҳон мода марказини Париждан туманли Лондонга кўчирди.

Шундай қилиб, аста-секин анъанавий эркаklar костюми – учлик шаклланди. Унинг таркибига жилетка, шим ва пиджак кирди. Буюк Британиянинг анча совуқ ҳаво ҳарорати билан боғлиқ ҳолда, твид ва жундан тикилган костюмларга талаб катта бўлган. Ушбу газламалар нафақат иссиқни ушаб қолмасдан, балки, эгасининг мағрурлигини, тик олийжаноб қадди-қоматини кўрсатишга кўмаклашган. Аввалига инглизлар ёрқин рангларни суистеъмол қилмасдан, табиий рангларни афзал кўришган. Костюмларнинг

ягона чипор туслардан, катакли – шотландкани хисоблаш мумкин. Инглизларнинг эскиликни ёқлашига қарамасдан, эркаклар орасида ўзининг моачи-провокадорлари ҳам бўлган. Улар қаторига машҳур ёзувчи Оскар Уайлд киритилган. “Дориан Грей портрети” муаллифи ёрқин галстук, ассиметрик хошияли шляпа ва одобдан ташқари ёрқин туфлилар кийиб юрган. Ўзининг эпатажига бўлган муҳаббати учун уни жамиятда жазога тортилишига сабаб бўлган, шундай бўлсада, индивидуал эркаклар стилини туғилишига шароит яратган. Инсоният тарихида XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари ғоят нотинч двр бўлган. Тўхтовсиз глобал ҳарбий ҳаракатлар эркакларни ўз ҳаётини ватанини химоя қилишга мажбур қилди. Эркаклар модаси катъий хаки рангдаги ҳарбий кийимга олиб борилди, башанг чарм туфлилар эса, бир зумда кирзовий этикларга алмашди.

1930 йилларда моданинг демократлашуви давом этди: оддийлик, қулайлик ва рационаллик - бу сифатларни оммавий мода энг кўп баҳолар эди. Эркаклар модасига аксинча, консервативлик - аср бошидагига ўхшаш фраклар қайтиб келди. Оммавий модада эркаклар учун белга ёпишиб турувчи кенг елкали пиджак ва қайтарма почали шимдан ташкил топган стандарт костюмлар кенг ёйилди.

XX аср 30-йиллари модасига Голливуднинг таъсири улкан эди. 1930 йилларда кинодан ташқари спорт ҳам ҳаммабоп кўнгилочар воситалардан бири эди. Кўп мамлакатларда гимнастикачилар иттифоқи ва спорт жамоалари барпо этила бошланди. Элитар спорт турлари – теннис, гольф, авто- ва авиаспортнинг таъсири олий модада сезиларли эди. Трикотаж ва ундан қилинган буюмлар: свитер, кардиган, джемпер, пуловерлар ўз актуаллигини йўқотмаган эди. Кундалик либосга ёзги оёқ кийимни спорт кийимидан олинган калта оқ пайпоқчалар билан кийиш усули кириб келди. 1939 йилда Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши нафақат дунёнинг қиёфасини, дунё билан бирга моданинг кўринишини ҳам ўзгартириб юборди.

Матолар ва кийим тақчиллиги кўпчиликни тикиш билан шуғулланишига мажбур этди. Уруш пайтида эски кийимдан қандай қилиб бошқа кийим тикиш,

шляпани қандай янгилаш, свитерни қандай тўқиш ҳақида – “Бори́ча э́пла ва туза́т” шиори остидаги тавсиялар кўплаб брошюра ва журналларда бериб борилди.

1950-йиллар. йилларда силуэтлар янада назокатли ва романтик бўла бошлади. Британ мода саноати (индустрияси) американикидан мустақил ривожланишни бошлади. Янги инглиз модельерлари аёллар қоматига диққатни тортувчи либосларни таклиф эта бошладилар. Шу даврда Диор (Dior) ўзининг машхур белга ёпишиб турадиган этаги эса кенг кўйлақларни яратди. Юбер Живанши либослар учун янги шаклни таклиф этди: калта ва белга ёпишиб турмайдиган тўғри бичимли кўйлақлар. Кейинчалик бундай дизайн Мэри Квантни 60-йиллардаги мини-кўйлақларини яратишга илҳомлантирган. Шунингдек топининг кўриниши эркақлар рубашкасига ўхшаш, юбкаси эса кенг бўлган, белга ёпишиб турувчи шаклли кўйлақлар ҳам модабоп ҳисобланган. Умуман олганда, трапециясимон шаклли кўйлақлар 50-йилларнинг, сўнгра эса 60-йилларнинг асосий силуэтларидан эди. Олий мода уруш охирида ўз ривожига қайта юксалишни бошлайди. Бунга Кристиан Диор (Christian Dior) ва Кристобаль Баленсиага (Cristobal Balenciaga)ларнинг, мавжуд бўлган услублардаги жиддийлик, мутаносиблик ва сиполигидан фарқ қилувчи экстравагант моделлари сабабчи бўлади.

Бу даврда эркақлар кийиниш услуби “Каламушлар галаси” таркибидаги каби кино ва эстрада юлдузлари таъсири остида шаклланди. Улар нафис костюм ва фетрли шляпалар кийишган. Эркақларнинг кундалик кийими кардиган ва енгил катак-катак матодан тикилган либосларни ўз ичига олган.

Эллигинчи йилларда “тедди-бой” деб номланган ёшлар суб-маданияти пайдо бўлди. Бу оқимнинг намоёндалари Эдуард VIIнинг услубига ўхшаш тарзда, почаси тор “найча шим”, қалин кўйлақ, ёрқин рангдаги бўйинбоғ-галстук, зарбоф нимча, кўп чўнтакли, манжет ва адип қайтармаси бахмал ёки сирти ялтироқ сатиндан тикилган, тақилмаси бир қатор тугмачали сюртуқларни олифталарча тақлид қилиб кийиб юришган.

1960 йиллар - “Прет-а-порте” даври. Бу даврда мода ёшларга юз бурди. Янги, жонли, сўнгсиз тарзда кашф этувчи мода кўпчилик томонидан эътироф этилган андоза ва меъёрлар бўлишдан тўхтади. Мода ҳақидаги барқарор тушунча тагидан зил кетиб, деярли ғойиб бўлди.

50–60 йилларда эркаклар модасининг қонун чиқарувчилари италия Модалар уйлари бўлди, Неаполь, Рим ва Миланнинг кўҳна ательеларида сақланиб қолган тикувчилик маҳорати анъаналари, шунингдек кенг тўқимачилик базаси шунга имкон туғдирди.

Илмий манбаларда таъкидланишича, мода ўзининг элитар маъносини йўқотди ва оммавий индустрияга айланди. Яхши кийимни энди почтадан буюртма қил иш ва супермаркетда сотиб олиш мумкин эди. Гарчи моҳиятан янги мода жуда катта кўйлақлар ва пальтоллар, ҳандасавий расмлар ва ясси пойафзал фақат хушқомат ёшларга мўлжалланган. 60-йиллар охирига келиб барча хотин-қизлар шундай кийинар эдилар. Ёшларга сиғиниш одатга айланганди.

60-йилларнинг ўрталарида хиппи ҳаракати вужудга келди. Хиппи ҳаракати этно-услугига қизиқиш уйғотди. 1967 йилда бурмалар ҳосил қилувчи ва баданга ёпишиб турувчи эркин кийим, пардай енгил шарфлар, туникалар ва турк шолвори, 1969 йил ёзида эса шаффоф блузка ва кўйлақлар модага кирди. 60-йиллар охири 70-йилларга келиб, мода журналлари саҳифаларида ҳукм сурган услублар хилма-хиллиги кишини ҳайратга солади.

XX аср 70-йиллари модаси. Постмодернизм XX аср 70 йилида пайдо бўлган санъатдаги йўналиш (поп-артдан бошлаб) бўлиб, унда илгари яратилган шаклдан янгисини қуриш учун фойдаланилади. Бошқалардан кўчирма қилиб олиш бадийий усулга айланади, “предметлар” ўртасидаги ўзаро янги боғлиқликларни қидириб топиш асосийси ҳисобланади. Постмодернизм бу услубдан кўра кўпроқ яратилаётган нарсага ёндошув, муносабатдир; кўпинча, у ўйин, киноя ва ўзидан қулиш унсурларини ўз ичига олади. 70-йиллар ўртасига келиб либос модасида икки асосий йўналиш ажралиб чиқди, бири мумтоз қулай кийим бўлса, иккинчиси бадийий, фавқулодда кийим.

XX аср 80-йиллари модаси. Ўн йиллик қиёфаси ҳақида бир хил гап айтиш мушқил. Бир томондан, саксонинчи йиллар – ҳашамат ва фаровонлик вақти, иккинчи томондан – тартибсизлик ва бу фаровонликка қарши норозилик вақти. Панк ва яппилар. Ювинди ўра эстетикаси. Панклар биринчи марта 1976 йилнинг ёзида Лондонда бадий мактабларда ўқиётган ёшлар орасида пайдо бўлди.

Италия 1980-йиллар модасининг жаҳон марказларидан бир оз ажралиб турарди. Италия фабрикаларида кўпроқ европа либосларини тикар эдилар, либос яратиш эса мамлакатининг асосий индустрияларидан бирига айланганди. Мода барча даражаларда ривожланиб борарди – альта модадан оммавий маҳсулотгача.

Айнан 80-йилларда хушбичимлик ва спорт эртанги кунга ишонч ила ҳаётдан чуқур мамнун ҳолда оппоқ тишларни кўрсатиб табассум қилган лаблардай, бир-бири билан бирлашиб кета бошлади. Аэробика ва фитнес асосий эрмаклар эди, лепинсалар спорт залларидан кўчага чиқиб кетди.

1990-йилларнинг услуги – бу аслида услуб эмас, балки либосга янгича ёндашув, либос ва қиёфани яратишда янги тамойиллардир. Журналлар ва китоблар, рекламалар ва ҳатто кийимнинг ўзи “қандай бўлсанг шундайлигинча бўл” деб даъват этади Индивидуаллик, ички “мен”ни акс эттирувчи шахсий услуги модада асосий нарсалар бўлиб қолди. Мода журналлари саҳифаларида дизайнер ва услубчилар индивидуалликка қандай урғу бериш ва бетакрор тимсол яратиш ҳақида маслаҳатлар берадилар.

Бутун дунёда ва барча ижтимоий қатламларда тарқалган унисекс услубида ўзига хос униформа расм бўлишни бошлайди: жинсилар, футболка, кенг шим, свитер ва қулай пойафзал – таги ясси туфли ёки кроссовка.

90-йилларда оддийлик ва функционалликка интилиш билан бир қаторда энг мураккаб тикувчилик санъати анъаналари ҳам ҳаётга қайтишни бошлайди; либоснинг дарвешона кўринишга урғу бериш атайлаб қилинган ранг-баранглик ва томошабоплик билан қўшилиб келади. Афзалликлар юзага келади: европа богемаси концептуал дизайнерлик либосини кияди; ёш мартабапарастлар

олдингидек Эътибор энди кийимнинг ўзидан эгасининг ташқи кўринишига кўчади. Офтобда қорайиш, ёки аксинча, рангпарлик, келишган қад-қомат модаси қиёфанинг энг муҳим узвлари бўлиб қолади. Тахминан 90-йиллар ўрталаридан от-кутюрнинг эски Уйлари “ёшара” бошлайди. Диор, Живанши, Луи Вуиттон Уйлариининг эгаси Бернар Арна, кўпларнинг нуқтаи назарида, таваккал ишга қўл уради ва ёш инглиз авангардчи дизайнерлари Жон Гальяно, А.Мак-Куинни кейин эса америкалик Марк Жакобсга жамламалар ташкил этишга раҳбарлик қилишга таклиф этади. 90-йиллар охиридан прет-а-порте тоифасидаги либослар ишлаб чиқарувчи кўпгина Мода уйлари ҳам ўзларига янги дизайнерларни таклиф қила бошладилар. Бу даврда ёш модель Кейт Мосс гўзалликнинг янги тимсолини белгилаб берган.

1990-йилларда бутун дунё бўйлаб минимализмга қайтиш кузатилади. Бу вақтга келиб Кельвин Кляйн ва Донна Каран ушбу услубнинг мумтозлари саналадилар. 90-йилларнинг охири 2000-йилларнинг боши одамлар ўзларининг хавфсизлиги ғамини ўйлайдиган бўлиб қолишган даврлар эди. Моделчилар буни тез илғаб олдилар. “Suprega” итальян фирмаси ўқ ўтмайдиган кийим либосни таклиф этишди. Бу либос хатто тезоб ёмғири ва ультрабинафша нурларидан ҳам сақларди ва унга ниқоб кўринишидаги нафас олиш мосламаси ватунги кўзойнаклар аксессуар қилиб тўлдирилган эди.

XXI аср модаси. XX аср 90-йиллари охирида модага муносабат кўргазмалар ва мода намоишларидаги янги тенденцияларга расман эргашишдан кўра ўз услубини яратишда ифода этилади. 60-йилларда бўлгани каби яна “мультибренд бутик”лари пайдо бўлади, у ерда муайян ғоя ёки услуб асосида тўпланган бир қанча дизайнерларнинг либослари сотилмоқда. Кўпгина модельерлар 90-йиллар охиридан бошлаб фаолият доираларини кенгайтирдилар ва ўз русумлари остида фақат кийим ва парфюмериягина эмас, балки уй ичи жиҳозларини ҳам ишлаб чиқара бошладилар. Масалан, Миландаги 2000 йилларда қурилган Армани Уйи дўконида кийимлар жамламалари, уй жиҳозлари ва “Sony” фирмасининг видеотехникалари намоиш этилди. Моделчилар кўпинча ўз бутикларининг меъморий қиёфасини

ишлаб чиқишда фаол иштирок этадилар. Бу даврда баъзан меъморчилик, ҳайкалтарошлик, дизайн ва кийим-кечак янада узвийроқ алоқага киришиб кетади. Ҳусайн Чалаян ўз кўйлакларини меъмор сингари ҳар бир қоралама техник чизмаларига қўшиб намойиш этади. Мода санъат ҳисобланадими деган эски савол мода фойдасига яна бир карра ҳал этилди. Энди ёш дизайнерлар ишларида у замонавий санъатнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Илгари бўлганидек, бугунги кунда энг модали тенденциялар ва эпкинлар адабиёт, рангтасвир ёки кинода эмас, балки дизайнга бағишланган журнал ва альбомлар саҳифаларида акс этмоқда.

Мазкур бўлимда костюм тарихида батафсил тўхталишига сабаб шундаки, у эркаклар базавий гардеробининг шакллантирилишига асос бўлиб хизмат қилади. Кейинги бўлимда айнан шу маълумотлар илмий таомилга тортилиб, эркаклар базавий гардероби тадқиқ этилади.

II БОБ. ЭРКАКЛАР ГАРДЕРОБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Эркаклар костюми композициясида ранг ва материалнинг хусусиятлари ҳамда фактураси

Ранг хусусиятлари ва бирикмалари костюм композициясида асосий ўринни эгаллайди. Предметнинг энг муҳим информацион сифатларидан бири ранг ҳисобланади. Амалий санъат предметларида рангнинг вазифаси турлича. Булар психологик, жисмоний, эстетик вазифалардир.

Ранг ҳаёт мамонт симболи қувонч ва ҳафалик ифодаси бўлиб келган: у илиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик, енгиллик ва вазминлик, ҳиссини бериши мумкин; бизнинг хис туйғуларимизда ҳам ранг таъсири бор: ”қора кун”, ”оқ кўнгил”, “ёркин ниятлар”, “қора ният”, “оқ йўл” – буларнинг ҳаммаси рангнинг психологик вазифасини билдиради.

Турли тарихий давирларда рангга ранг символикасига муносабат турлича бўлган, масалан, кўчманчилар ёркин тўқ ранглари маъқул кўрган бўлса, ўтроқ ҳалқлар очроқ мураккаб ранглари ёқтирган. Ранг маълум ижтимоий табақаланишни ифода этган. Масалан қадимий Римда қирмизи тоға плашч кийишга императоргина ҳақли эди. Диний мансублик қайси рангда кийинишни белгилаб берарди. Масалан инглиз пуританлари қора кийинсалар, католиклар аксинча олачиפור костюм киярдилар.

Урушлар эпидемия очарчилик одми кийимлар тарқалишига сабаб бўлса, улардан кейин ёркин рангли кийиниш анъана тусига кирар эди.

Ранг ҳамма вақтларда жинс-ёш фарқини билдирадиган восита бўлган. Болалар кийими нозикроқ тусли бўлади, ўсмирлар контраст ранглари маъқулроқ кўради, катта ёшлиларга чуқурроқ ранг туслари ёқади. Аёлларнинг кийими эркаклар кийимидан ёркинроқ ва кўп ранглироқ бўлади.

2. Табиатдаги ҳамма ранглари хроматик (спектр ранглари билан қирмизи) ва ахроматик (оқ, қора, кулранг) ранглари бўлинади.

Хроматик ранглари хусусиятлари қуйидагилардир:

- ранг туси –рангнинг шартли белгиси (қизил, кўк, тўқ сарик, ҳаво ранг ва ҳоказо) рангнинг номи шартли ёки биронта предмет, ўсимлик номига яқинлаштириб айтилади (лимон ранг, апельсин ранг, ўрик ранг ва ҳоказо);
- ранг тўқлиги – ранг кучининг ва хроматик рангга ахроматик ранг аралашган билан характерланадиган ранг туси қанчалик софлигининг кўрсаткичи;
- оқишлик-хроматик рангнинг оқ рангга яқинлик даражаси;

Ахроматик рангларда фақат оқишлик хусусиятигина бўлади. Спектрдаги ранглар энг соф, энг тўқ ранглар бўлади. Оқ аралаш рангларни (пушти, ҳаво ранг, баргикарам) пастель (майин) ранглар дейилади. Кулранг кўшилса, тўқлиги кам бўлган одми ранглар чиқади.

3. Агар спектр рангларига қирмизи ранг кўшиб, уларни доира бўйлаб жойлаштирилса, ранглар доираси ҳосил бўлади. Сарик, кўк, қизил ва яшил ранглар шу доирадаги асосий ранглар ҳисобланади, чунки уларда ранглар доирасидаги ўзларига кўшни ранглар туси ҳам, аралашмаси ҳам бўлмайди. Доирадаги қолган ранглар оралик ранглар ҳисобланиб, улар бир-бирига кўшни асосий рангларни аралаштиришдан келиб чиқади.

Диаметрларнинг қарама-қарши учларидаги ранглар кўшимча ранглар дейилади. Оптик аралаштириш натижасида улар оқ ранг ҳосил қилади. Бу рангларда бир-бирини тўқроқ ва кучайтириб кўрсатиш қобилияти бор. Масалан, яшил ранг қизил ранг ёнида яшилроқ, қизил ранг эса қизилроқ кўринади.

Рангларнинг гавдани ўзгартириб кўрсатиш хусусияти ҳам бор. Гавдани илиқ (сарғиш қизил ва сарғиш яшил) ранглар яқинлаштириб ва катталаштириб кўрсатади. Совуқ (кўкиш қизил ва кўкиш яшил) ранглар узоқлаштириб ва кичрайтириб кўрсатади. Қора ранг гавдани максимал узоқлаштириб ва кичрайтириб, оқ эса максимал яқинлиштириб ва катталаштириб кўрсатади.

4. Костюм композициясини яратишда ранглар монандлиги (гармонияси) катта аҳамиятга эга. Кийимда кўпинча монохром (яккарангли) бирга

қўшилишлар учрайди – бу ранг туси жиҳатдан бир хил, лекин оқишлиги ҳар хил рангларнинг бирга қўшилиб келиши.

Хроматик рангларнинг икки рангли монандлиги қуйидаги принципларда юзага келади:

- ўхшаш ранглар – бир хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг бир чорагидаги рангларнинг бирга қўшилгани;
- контраст ранглар – ҳар хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг қарама-қарши турган чоракларидаги рангларнинг (сарғиш қизил билан кўкиш яшилнинг ва кўкиш қизил билан сарғиш яшилнинг) бирига қўшилгани;
- ўхшаш контраст ранглар – битта муштарак асосий ранг ва ранглар доирасининг ёнма-ён чоракларидаги контраст асосий ранглари бор ранглар , сарғиш қизил билан кўкиш қизил, кўкиш қизил билан кўкиш яшиллар, кўкиш яшил билан сарғиш яшиллар ва сарғиш яшил билан сарғиш қизиллар) бирга қўшилгани;
- кўп рангли монандлик учбурчак ва тўғрибурчак принципида тузилади.

Ахроматик рангларнинг икки рангли бирга қўшилганидаги монандлик контрастлик ва нюанс принципида, уч рангли бирга қўшилганликдаги монандлик эса миқдор ва сифат жиҳатидан ўзаро турли нисбатлар асосида тузилади. Масалан, кўплаб оқиш ранглар билан оқишлиги унга яқин ўртача ва кам даража одми рангдан.

Хроматик ва ахроматик рангларнинг бирга қўшилгани кийим композициясида жуда ифодали бўлиб чиқади. Оқ ранг соф хроматик ранг тусининг кучи ва жарангдорлиги юзага келади-да, байрамона манзаралилик ҳисси туғилади; оқ ранг билан майин ранглар (оқ-ҳаво ранг, оқ баргикарам ва бошқалар)узвий ва осонгина қўшилиб, софлик ва башанглик ҳиссини юзага кетиради.

Қора билан соф хроматик ранг бирга қўшилиб.кўзга ташланиб турадиган ва кескин кўринадиган ранглар ҳосил қилади.Қора ранг тусининг ёрвинлигини ва софлигини бир қадар камайтириш хусусиятига эга.

Оралиқ ранглар ҳам худди шу қонуниятга бўйсунди. Монандлик умуман бирлишадиган рангларнинг миқдорига ҳам, сифатига ҳам боғлиқ.

5. Ранглар композициясини ишлаб чиқаётганда рангларнинг баравар контрастлиги ҳодисасини – рангнинг унга тегиб турган ва уни ўраб турган рангларга боғлиқ ўзгариб кўринишини ҳисобга олиш керак. Бунда хроматик контраст ва оқишлилик контрасти бўлади. Масалан, сариқ лимон қизил дастурхонда тўқ сариқ тусга киради, сариқ дастурхон устида эса очроқ сариқ бўлиб кўринади. Атрофдаги ранглар таъсирида ранг оқшилилигининг ўзгариши оқишлилик контрасти дейилади. Масалан лимон одми дастурхонда очроқ, оқ дастурхонда эса тўқроқ рангли кўринади.

Тегишиб турган ранглар билан ўзаро таъсири йўқ ранглар нейтрал ранглар дейилади. Кулранг.кўкимтир кулранг. яшилроқ кулранг ва бошқа ранглар ана шу рангларга киради. Баравар контрастлик ҳодисасини ҳисобга олиш бет, кўз, соч рангига мослаб кийим рангини танлашда жуда муҳим. Номакбул ранг контрасти бўлиб қолса, бет билан кийим орасига нейтрал рангли ёқа, безак газлама, шарф, рўмол ва бошқа кўринишдаги нейтрал рангли йўл қўйиш керак.

Ранг идрок этиш сунъий ёритиш, материалларнинг фактураси ва зичлиги қандайлигига қараб ўзгаради. Ранглар турли хил ёритишда турлича кўринади, табиий ёруҳлик таъсирида ранглар асл ҳолича кўринса, сунъий ёритишда, ёритгич турига қараб хирароқ ёки ёрқинроқ кўриниши мумкин. Шунингдек материалнинг фактурасига қараб ҳам ранглар турлича идрок этилади, масалан, юпқа, ҳарир газламалар очроқ кўринса, қалин, зич тўқилган ва тукли газламалар тўқ кўринади. Сирти ялтироқ ипак газламалар ва тукли газламалар ёруғликнинг қайси томондан тушишига қараб, турлича товланади, ҳамда тукларининг йўнилишига қараб ҳам битта газламанинг ўзи ҳам тўқроқ ёки очроқ кўринади.

Кийимни ҳажмли шакл деб қаралганда, унинг қандай материалдан тикилганини билиш керак (газламалар, трикотаж, мўйна, чарм, замша,

нотўқима материаллар, қават газламалар, плёнка, ёғоч, пластмасса, шиша ва бошқалар).

Бу материаллардан ҳар бирининг ўз пластик хусусиятлари (майинлик, осилувчанлик, дағаллик ва шу кабилар), декорати ва хусусиятлари (фактура, ранг, нақш-гул), физик – механик хусусиятлари (зичлик, қайишқоқлик, чўзилувчанлик, киришувчанлик, титилувчанлик ва бошқалар) ва гигиеник хусусиятлари (ҳаво ўтказувчанлик, нам ўтказувчанлик, иссиқ ўтказувчанлик ва ҳоказо) бўлиб, шаклнинг характери ва конструктив ечим қандай ҳал этилишини шу хусусиятлар белгилаб беради.

Масалан, ҳарир шифон газламалар майин, осилувчан, драпировкабоп бўлади, шунинг учун улардан чоклари минимал даражада кам, юмшоқ, овалсимон шакл яратилиши керак, бунда драпировкалар, бурмалар, майин тахламалар, клеш бичиқ ҳисобига шакл ҳосил қилинади; йилтироқ, кўзга ташланиб турадиган (крепсатин типига) газламаларнинг драпировкабоп эканлиги етарли даражада ҳажмли, гавда бўйлаб “сирпаниб” осилиб турадиган кийим тикиш имконини бериб, газламанинг жимирлаши унинг юқоридаги хусусиятларини кучайтириб кўрсатади; синтетика аралаш жун газламалардан жуда аниқ, қатъиян геометрик шаклдаги буюмлар тикилади.

Физик-механик хусусиятларни билиш тўғри шакл бериш учун ҳам (масалан, трикотажнинг чўзилувчанлиги киши гавдасига ёпишиб турадиган кийим тикиш имконини беради), зарурат бўлганда тикишдан олдин материалларни декатировка қилиб олиш (намлаб-иситиб ишлов бериб, киришмайдиган қилиб олиш) учун ҳам имкон беради.

Материалларнинг гигиеник хусусиятлари ҳам кийим шаклини ҳосил қилишга таъсир этади. Масалан, ҳаво ўтказиши ва намлик ўтказиши ёмон материаллардан бўлган кийимларни, кийим тагидаги ҳаво айланиб, вентилиция бўлиб туриши учун, гавдага ёпишмайдиган очиқ шаклли қилиб тикиш тавсия этилади.

Газламаларниг декоратив хусусиятлари шаклнинг геометрик кўринишини танлашдагина эмас, балки шакл ҳосил қилиш принципларини ҳам, шаклдаги ички ечимларни танлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

2. Фактура материалнинг энг ифодали хусусиятларидан бири ҳисобланади. У сезилувчан информация манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фактура – бу материал юзасининг тузилишини характерловчи хусусият. Фактура табиий (мўйна, тери, ёғоч, замша ва бошқалар) ва механик йўл билан олинган ҳосила бўлади. Материаллар силлиқ, ғадир-будир, ялтироқ, хира, тукли ва ҳоказо фактурали бўлиши мумкин. Ҳосила фактуранинг характери материалнинг қандай усулда (тўқимачиликда, тўр тўқиш, трикотаж ва ҳоказо) олинганига, юзасинининг бўртиқ қисмларининг баланд-пастлигини ва ипларнинг материал зичлигини белгилайдиган чалишиш характериға боғлиқ. Сатҳ бирлигига тўғри келадиган фактура элементларининг катта-кичиклигига ва миқдорига қараб материалларнинг юзаси ифодалилиги жиҳатидан ҳар хил бўлади.

Ҳар бир фактурада бадиий образ белгилари бўлади. Фактура совуқлик ва илиқлик, енгиллик ва вазминлик ва бошқа таассуротлар ҳосил қилиши мумкин.

Фактура танлашда мавсум, кийимнинг нимаға мўлжалланганлиги, одамнинг жинси, ёши ва гавда тузилиши тури ҳисобға олиниши керак. Кечкурунги башанг кийимларға ялтиллайдиган қимматбаҳо сидирға материаллар ишлатилади, лекин ола-чипор материаллар бундай кийимларға ишлатилмайди.

Газламанинг фактура хусусиятлари умуман шаклни ва унинг қисмларини идрок қилишда кўз алданиши пайдо бўлишиға таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, кўриниши вазмин, хира, тукли фактуралар шаклни катталаштириб кўрсатади.

3. Шаклнинг ва умуман гавданинг идрок этилишида нақш гулнинг муҳим аҳамияти бор. Шаклни нақш гулдан ажратиб бўлмайди. Ҳамонки шаклда нақш гул бор экан, демак нақш гул шаклнинг зарур компоненти, бир қисми бўлиб

туради. Нақш гулнинг ҳам костюм сингари кўп асрли тарихи, халқларга, миллатларга мансублиги бор.

Материалларнинг кўпдан-кўп хил гулларини қуйидаги декоратив мотивлар кўринишида бўлади деб қараш мумкин:

1. ўсимлик мавзулари;
2. геометрик мавзулар;
3. ҳайвонот олами мавзуси;
4. буюмлар мавзулари;
5. каллиграфик мавзулар;
6. фантастик мавзулар;
7. астрал мавзулар;
8. сюжет мавзулар;
9. абстракт мавзулар;
10. манзара мавзулари;
11. аралаш мавзулар.

Расм тасвири натуралистик ёки стиллаштирилган, ясси ёки ҳажмли бўлиши мумкин. Расм майда, ўртача, йирик бўлиши мумкин.

Нақш гул юзани текис тўлдириб туриши (мотор-ҳаракатланувчи ёки раппорт-такрорланувчи бўлиши) мумкин, ёхуд муайян участкаларда жойлашган (купон ҳолида ёки ҳошияда) бўлиши мумкин.

4. Турли кийим турларини моделлаштиришда нақш гул танлашга жиддий муносабатда бўлиш керак ва нақш гул характери билан хусусиятларини жинс-ёшга, гавда тузилишининг типига, кийим нимага ва қайси мавсумга мўлжалланганлигига, тикиш усулига қараб ҳисобга олиш керак.

Болалар кийимидаги нақш гул композицияси айниқса аниқ-равшан, тушуниш осон, кўпинча қизиқарли расмли бўлиши керак, чунки болалар кийимидаги нақш гулнинг нафақат эстетик, балки билим орттириш вазифаси ҳам бор.

Катта ёшлилар майда ёки ўртача гулли, босиқроқ бўғиқ тусни маъқул кўришади.

Тасвирий мотивларнинг, размерга боғлиқ ранг ва тус ечимларининг ва расм жойлаштирилишининг энг эмоционал жарангдорлиги, ифодалилиги, хилма-хиллиги ёшларнинг кийимида бўлади деб ҳисобланади.

Кундалик кийимда майда ва ўртача гулли газлама ишлатилади, борди-ю, газлама йирик гулли бўлса, унда гуллар сокин колоритли бўлиши керак. Башанг кийимларда ва дам олиш кийимларида ранглар диапозони жуда кенг бўлади.

Расми мураккаб (расми йирик, раппорти катта, расми йўналишли, купон кўринишидаги ёки ҳошиядаги) материаллардан кийим моделлаштирганда, ҳамма деталларда расмлар йўналиши бир томонга қараган бўлишини, ўқ чизиқларининг жойланишини, умумий ранг ечимини ҳисобга олиш керак. Кийимни бичаётганда жуфт деталларда, витачкаларда, чокларда расмлар мос келишини, деталлар чокида раппорт сақланишини назорат қилиб бориш керак.

Нақш гулли материалларда турли чизиқлар, бўртма чоклар, драпировкалар, майда деталлар кам сезиладиган бўлгани учун, улар ифодали чиқмаслигини ёдда тутиш керак. Уларни кўринарли қилиш учун сидирға газаламадан мағиз, тасма ва ҳоказолар қўйиб қўшимча безаш керак бўлади.

2.2.Эркаklar базавий гардеробининг шакллантирилиши

Фикримизча, базовий эркаklar гардеробини таърифлашда, уни шакллантириш жараёнида юзага келадиган камчиликларда тўхталиш керак:

1. Гардеробдаги кийимлар кўп, шкаф лиқ тўла, лекин кийишга ҳеч нарса йўқ. Чунки, ундаги кийимлар бир-бирига тўғри келмайди.

2. Буюмлар эмоцияларга берилиб, импульсив тарзда сотиб олинади, лекин уйга келгач, бу нарсаларга тўғри келадиган кийим йўқлиги англанади.

3. Бошқа хаддан ортиқ ҳолат, бу гардеробда базавий нарсалар бўлганлиги учун, ҳамма кийимлар бир-бири билан ҳамоҳанг кўринади. Бу ҳолда гардероб ўз қиёфасига эга бўлмайди ва хурсанд қилмайди, чунки ҳамма нарсалар бир-бирига ўхшаш бўлади.

Гардеробни шакллантиришга тўғри ёндошилганда кўпроқ маблағ талаб қилинади. Чунки, бир марта базавий гардероб қиммат, сифатли кийимлар билан тўлдирилса, у икки-уч йил хизмат қилади. Кейинчалик, стилга ҳос ва модага мувофиқ кўринишга эга бўлиш учун, ҳар мавсумга мос бир нечта модага мос буюм сотиб олинса кифоя. Базовий гардероб шакллантирилганда, сотиб олинadиган нарсалар ҳам режалаштирилиши мумкин ва бу ортиқча сарф-харажатни олдини олади. Шунингдек, гардероб эгаси ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай маросим ёки тадбирга мос комплект танлаши мумкин. Яъни бунда гардероб комплекташтирилган бўлиб, унга ортиқча вақт, сарф-харажат кетмайди. Базавий буюмлар – бу боқий классика бўлиб, у ҳеч қачон модадан чиқмайди. Базовий гардероб кийимларини сотиб олишга худди фойда келтирадиган инвестицияларга қарагандай муносабатда бўлиш лозим. Бу эса ўз навбатида гардероб эгасининг карьерасини ўстиришига, маблағларини кўпайтиришига ёрдам беради. Чунки ҳар қандай шахснинг билими ва ишбилармонлигидан ташқари, қиёфаси, кийиниши, ўзини тутиши унинг ишлари юришишида катта роль ўйнайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда “базавий гардероб нима учун керак?” деган саволга ойдинлик киритиш жоиз. Бу – бошқа модага ҳос ёрқин кийимлар билан ўзаро уйғунлашадиган буюмлар тўпламидир. Мантиқан бу кийимлардан кундалик ишда ҳам, тўй – маросимда ҳам фойдаланиш мумкин. Эрақлар базавий гардероби қуйидагилардан иборат:

1. Классик пальто

2. Куртка
3. Костюм
4. Пиджак
5. Кардиган
6. Джемпер (пуловер)
7. Классик эркаклар кўйлаги
8. Бир хил тусдаги Поло кўйлаклари
9. Шим
10. Классик жинси
11. Классик эркаклар туфлиси
12. Ноформал лофера туфлилари
13. Топсайдерлар
14. Иссиқ қишки оёқ кийим

1. Классик пальто: Бундай пальто қишга ҳам, мавсумлар оралиғига ҳам тўғри келади. У костюм устидан ҳам, кундалик кийимни устидан ҳам кийилади.

2. Куртка: Бундай курткада қишги илиқ ҳавода ҳам, мавсумлар оралиғида ҳам юрса бўлади. Яхшиси, костюмнинг пиджаки устидан ҳам кийса бўладиган узунроқ моделини танлаган маъқул.

3. Костюм: Ихчам бўлиб ярашиб турадиган эркаклар классик костюми доимо эркак кишини бегаб туради. Бундай костюмда офисга ҳам, тантанавор тадбирларга ҳам бориш мумкин.

4. Пиджак: Эркаклар гардеробида шаҳар стилидаги пиджак (блейзер) бўлиши керак. Бундай пиджакни кечаларга жени шим билан, учрашувларга ёки сайр қилишга чиққанда ва хатто жума кунлари офисга ҳам кийиш мумкин. Базавий гардероб учун бундай пиджак нейтрал рангларда бўлиши лозим – қора, кул ранг, кўк, жигарранг.

5. Кардиган: Кардиган — бу базавий гардеробнинг универсал буюми бўлиб, жинси ёки ишга кийиладиган шимлар билан комплектда жуда чиройли кўринади. Нейтрал ранглардаги, бир тусли, қалин, силлиқ трикотаж танлаш лозим.

6. Джемпер (пуловер): Базавий гардероб учун пуловер танлаган яхши – бу бўйин томони учбурчак шаклдаги бичимга эга джемпер бўлиб, уни ўзини ҳам, кўйлак устидан ҳам кийиш мумкин. Бунда зич тўқилган, унча қалин бўлмаган, танага ёпишиб турмайдиган, жуда юпқа ҳам эамас трикотаж танланади, унинг матоси орасидан кўйлак кўриниб турмаслиги керак.

7. Классик эркаклар кўйлаги: Эркаклар гардеробида ҳеч бўлмаганда битта оқ рангдаги, классик бичимли кўйлак бўлиши керак. Кўйлак кийимни гавдага мослаб тўғрилаш учун ичига қайтариб тикилган запас чокли бўлса, елкаларни кенг, белни чиройли қилиб кўрсатади, лекин бундай бичим ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Агар гавда семиз, қорин чиққан бўлса, классик бичимга эга бўлган витачкасиз кўйлак танланади. Доимо бир хил тус, ёрқин рангдаги кўйлак танланса, у костюм остидан ҳам, жени билан ҳам идеал мос келади. Агар офис дресс-кодли бўлса, гардеробда ҳар кун алмаштириб кийиш учун минимум беш хил кўйлак бўлиши лозим.

8. Бир хил тусдаги Поло кўйлаклари: Поло кўйлаклари баъзида қисман спортив типда ҳам бўлиши мумкин. Бундай кўйлаklar ҳар кун кийишга, жума кунлари ишга ҳам кийишга мўлжалланган. Поло кўйлаklarини жинси ёки оддий шимлар билан кийиш мумкин. Уларни фақат костюмнинг шими билан кийиб бўлмайди. Бир хил тусдаги иккита кўйлак эркаклар гардеробини аъло даражада тўлдиради.

9. Шимлар: базавий гардеробда албатта спортив оёқ кийим билан кийса бўладиган шим бўлиши керак. Бундай шимларни ҳар қандай шароитга тўғри келади, жума кунлари офисга ҳам кийилиши мумкин ва у жуда жозибали кўриниш беради. Бунинг учун бир хил тусдаги, нейтрал рангли, классик бичимга эга бўлган шимларни танлаш тавсия этилади.

10. Классик жинсилар: индиго рангли ёки тўқ кул рангдаги классик жинсилар – бу эркаклар гардеробида мавжуд бўлиши керак бўлган буюм ҳисобланади. Бундай жинсилар жуда тор ёки кенг бўлмаслиги, албатта классик шаклга эга бўлиши лозим. Шунингдек, ортиқча ишқалаб ситилган ёки тешик

денинли бўлмаслиги лозим. Бу фақат подиумда чиройли кўринишга эга бўлади, кундалик ишда бундай жинсиларни кийиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, базавий гардероб учун буюм танлаш бир неча факторларга боғлиқ:

1.Шахснинг ҳаёт стили. Масалан, агар шахс офисда ишласа, кўп эътиборни костюм ва кўйлақларни танлашга қаратиш лозим, бундай ҳолда костюмлар минимум иккита бўлиши керак, алмаштириб кийиш учун. Шунингдек уларни тез-тез тозалаб ҳам туриш лозим, бунга 1-3 кун кетади.

2.Шахснинг ранг типи. Бу билан базовий гардероб буюмларининг ранглари боғлиқ. Қоидага кўра булар қора, кул ранг, оқ, оч жигар ранг ва уларнинг бошқачароқ туслари бўлиши мумкин. Шахснинг ранг типига қараб, совуқ, илиқ, ёрқин, хира, чуқур ёки оч колоритли туслар ярашиши мумкин. Базавий гардероб учун нейтрал рангдаги буюмларни танлаган маъқул, чунки улар максимал сонли кийимлар билан уйғунлашади.

3.Шахс фигурасининг типи. Шахс фигурасининг типига қараб турли фасондаги кийимларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, шахснинг бўйи баланд ва фигураси спортив кўринишга эга бўлса, у ҳар қандай фасондаги кийимни танлай олади. Лекин, агар шахснинг бўйи паст, семиз, қони катта ва ҳоказо бўлса, бундай ҳолатларда фигурадаги камчиликларни бекитишга ёрдам берадиган, яхши томонларини кўрсата оладиган кийимлар танланади. Бир қатор бортли пиджак, махсус бичимга эга кўйлақ кабила шулар жумласидандир.

4.Мақсадлар. Эркақларнинг шахсий гардероби – бу унинг мақсадларига эришиши учун ишончли ёрдамчисидир. Масалан, у қандай ижтимоий поғонага кўтарилиши, гардеробга олинадиган буюмларнинг маркаси ва нархига боғлиқ бўлади. Эркақлар коллективида, худди армиядаги “погонлар” каби – фарқлаш белгилари тез кўзга ташланади. Шунга кўра инсон атрофдагиларида тўғри таассурот қолдириши мумкин ёки тескариси бўлиб, анчагача уни тўғрига олмай юриши мумкин.

Лекин, фикримизча, фақатгина базавий гардеробдан фойдаланиш етарли эмас. Ёрқин, стилли, модага хос буюмларсиз гардероб зерикарли бўлади.

Шунингдек, шахсинг ташқи кўринишига тугалланганлик ва индивидуаллик бағишловчи аксессуарларни ҳам эсдан чиқирмаслик керак.

Базавий эркалар гардероби. Базавий гардеробни шартли равишда иккига ажратиш мумкин. Биринчиси – офис дресс-кодидан ҳоли шахслар учун, иккинчиси – ҳар куни миждозлар билан учрашадиган шахсларга хос.

Жинсилар: тадқиқот жараёнида аниқланишича, бугунги кунда жинсилар махсус кийимлар қаторидан чиқиб, ҳар бир эрка гардеробининг энг универсал буюмига айланганлигини, уларни ҳар қандай вазиятда ҳам кийса бўлишини ҳеч ким рад этмайди.

Шунинг учун базавий гардеробни тузишни жинси буюмлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Аввалига керакли тўқ кўк рангдаги, ситилишларсиз силуэт танланади. Иккинчи жинси - ёзги, мовий оч кўк рангда ёки сал ситилган бўлиши мумкин. Агар шахс модний персонаж бўлишга даъвогар бўлса, учинчи жинси трендли бўлиши керак. Олдинги мавсумларда бу – ситилган жойлар кўп жинси бўлиб, улар қора чангланган слимлар бўлган.

Футболка ва кўйлақлар: ҳар бир йигитнинг гардеробида албатта камида етти футболка бўлиши, шулардан минимум учтаси поло бўлиши керак. Бундан ички кийим сифатидаги футболкалар ҳоли. Ранглар идеал танланган бўлиши лозим. Кулгили ёзувларга эга футболкалар гардеробга тавсия этилмайди. Шунингдек, юқоридагилардан ташқари гардеробда битта белгача тушиб турадига қора ва оқ кўйлақ бўлишлиги тавсия этилади. Бунга қўшимча тарзда илматугмали кўйлақ бўлса, жуда эффектли кўриниш беради.

Трикотаж: Албатта битта бўйин томони учбурчак шаклдаги бичимга эга трикотаж свитер гардеробда бўлиши тавсия этилади. Уни кўйлақлар билан ҳам, водолазкалар билан ҳам кийиб юриш мумкин. Тугмали кардиганларни – футболка ва кўйлақлар билан уйғунлаштириш мумкин. Битта қалин свитер, иккинчиси ўзига ёққани бўлиши мумкин.

Пиджаклар: Пиджаклар фақат офисда кийилади деган фараз нотўғридир. Шаҳарли стилний йигит, яхши трикотаж пиджакнинг перманентли изланишида

бўлиши лозим. Клубларга хос, тўқ кўк рангли пиджак, калталаштиришган, белгача бўлган, бир тугмали пиджаклар ҳам бўлиши мумкин.

Устки кийим: Устки кийимлар бир неча хилда бўлиши мумкин. Қора ёки жигар ранг чарм куртка, хар қандай мавсумга тренч - бирдан совуқ тушганда ичидан такса бўладиган қисми билан, битта қишки пальто шулар жумласидандир. Бунда варриациялар жуда кўп – бу туя жунидан қилинган пальто, шунингдек, бушлат ёки дафлкот ҳам бўлиши мумкин.

Аксессуарлар: Силлиқ чармдан қилинган қора камар ва винтаж чармли жигар ранг камар. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда – сумкалар. Ротацияда уч хил катталиқдаги сумкалар бўлиши мумкин - клатч, ўрта катталиқдаги портфель ва йўл сумкаси. Буларнинг ҳаммаси сифатли материаллардан бўлиши керак, - болонка ва қопсимон бўлмаслиги лозим.

Шарфлар уч хил, яъни максимал илиқ ранг, юпқа шерстьли ва пахта толали матодан ва кўп ҳолларда декоратив кўринишда бўлиши ҳамда перчаткалар ҳам бўлиши лозим.

Куёшдан химояловчи кўзойнақлар. База учун авиаторлар ҳам тўғри келади. Улар кўз соққасини бутунлай ёпиб туриши керак, бунда унинг тагидан қошлар кўриниб туриши лозим. Қошларни ёпиб турадиган авиатор кўзойнақлар – хунук тусда кўринади.

Носки ва ички кийимлар. Хар иккаласи ҳам ўн жуфтдан бўлиши тавсия этилади. Бин флакон туалет сувининг ҳиди стилнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этиши керак.

Офис учун базавий эркаклар гардероби: Хар куни офиснинг дресс-кодига риоя қилиши лозим бўлган эркакнинг базавий гардеробида қуйидагилар бўлиши тавсия этилади.

Кўйлақлар: Уларнинг сони еттитадан кам бўлмаслиги ва улар ёқанинг шакли ва рангига қараб идеал танланган бўлиши керак.

Костюмлар: Костюм ва оёқ кийимлар учун қўлланиладиган олтин қоида мавжуд. Улардан кўпроқ фойдаланиш учун – хар куни киймаслик керак. Костюмлар камида иккита бўлиши керак – тўқ кўк ва кул ранг / жигар ранг

(ранг типига боғлиқ ҳолда). Тантанавор ҳолларда кийиш учун бу рўйхатга қора рангли костюмни ҳам қўшиш мумкин.

Костюмларни ҳар куни галма-галдан кийиб, алмаштириш ва кимёвий тозалашга олиб бориб туриш лозим. Биринчидан, улар вақт ўтиши билан, кийилавергандан осилиб қолади ёки майда бурмалар ҳосил бўлади, иккинчидан, шомоллатиб турилсада, тананинг хиди ўтириб қолади. Шунитаъкидлаб ўтиш жоизки, костюм сотиб олаётганда унга мос келадиган иккита шим олиш керак, чунки, шим тезроқ эскиради.

Оёқ кийим: Оёқ кийиларни ҳам алмаштириб кийиш лозимлиги учун уларнинг сони камида уҳта бўлиши лозим. Чунки, биттаси кийилганда, қолган иккитаси қуриб туради. Шунингдек уларга қалин қатламда крем суртиб қўйиб, кийишдан олдин уни ялтирагунча ишқаланса, янгидек кўринади. Ҳар куни кийиладиган оёқ кийимни бундай қилиб бўлмайд.

Парфюм ва галстуклар: Улар бештадан кам бўлмаслиги керак, ҳафтадаги иш кунларидан келиб чиққан ҳолда. Бу дресс-кодни турли - туман кўринишда қилишнинг ягона йўли ҳисобланади.


Коллекциядаги парфюмларнинг хиди пиджакларнинг сонига қараб ҳам танланади, ҳар бир матонинг ўз хиди бўлса, стилли бўлади. Шунингдек, агар парфюм яхши бўлса, у ҳар куни сепилаверганидан янада жозибали хидлар букети ҳосил бўлади. Баъзида пиджакни кийишдан бир кун олдин парфюм сепиб, салафан пакетга тикиб қўйилади, шунда хид кийимга шимилади. Хид кучсиз лекин, стабиль бўлади. Фактурали шерсть учун кучли нотага эга парфюм танланади, силлиқроқ матолар эса, ифодавий мускат акцентлари билан уйғунлашиши мумкин.

Аксессуарлар: Аксессуарларга ниҳоятда кучли эътибор берилади, чунки улар ҳар қандай кийимни бойитувчи, кўркемроқ қилиб кўрсатувчи буюмлар ҳисобланади. Портфель, ёзув воситалари, ҳамён ва калитдонлар жуда жозибали бўлиши лозим.

Устки кийим: Кузги тўқ-қўқ рангли ёки тўқ – кул рангли ҳарир плаш ва қатъий костюм бичимига эга қишки пальто.

Гардероб функционал бўлишлиги ҳамда унча катта бўлмаслиги, яхлит системани ташкил қилиши лозим. Фикримизча, базавий гардероб – бу кийимлар билан жиддий муаммо бўлмайдиган, қулайликларга эга бўлган буюмларнинг мажмуи бўлмоғи керак. Шунингдек, у етарли даражада ва минимал хажмда бўлиши таъкидланади. Агар инсон нафақат қулай, балки модага мос кийинмоқчи бўлса, бошқа буюмлар билан тўлдириш керак бўлган стержень вазифасини ўтовчи мода ва стильни деярли инобатга олмайди.


Тадқиқот жараёнида аниқланишича, стильга мувофиқ кийинадиган инсон учун базавий гардероб етарли эмас, чунки ундаги кичик етишмовчилик ҳам, энг бой гардеробни бир уюм фойдасиз буюмларга айлантиради. У инсон гардеробининг асосини ташкил этади ва ундаги буюмлар нисбатан камдан-кам янгиланади. Айнан шу буюмлар ажойиб сифатга эга, бошқаларидан анча қиммат, классик бўлиши, ҳеч қандай ўткир модали қирраларга эга бўлмаслиги керак. Бу эса, гардероб эгаси “база”сининг мустаҳкам туришига ҳамда узоқроқ кийилишига имкон беради. Унга қўшимча нарсаларни ҳар доим сотиб олиш мумкин, бу энг жозибадор ёки ҳар хил стилдаги кийим бўлса ҳам, “база” билан уйғунлашиши лозим.



1-диаграмма. Рационал градеробнинг тузилиши.

Мавсумий гардеробнинг таркиби

- бугунги кундаги модабоп буюмлар
- вазиятга қараб танланган буюмлар
- базавий буюмлар



2-диаграмма. Мавсумий гардеробнинг таркиби.

2.3. . Базавий гардероб ташкил этувчиларига таъсир этувчи омилларни таҳлили

Либосни лойиҳалаштиришда амалдаги ўлчам намунасида келтирилган гавда ўлчами ва шакли тўғрисидаги айрим маълумотлардан истеъмолчи ҳақидаги дастлабки маълумот сифатида фойдаланишади. Либос сифатига бўлган талабнинг ўсиши шароитида бундай маълумотлар етарли эмас. Инсон ҳақидаги зарур маълумотнинг йўқлиги талабга жавоб бермайдиган буюмларни яратишга олиб келади.

Либосни лойиҳалаштириш учун дастлабки маълумот – бу аниқ қандалар тизимига мувофиқ ташкил этилган, асосли лойиҳалаш қарорларини қабул қилиш учун зарур ва етарли бўлган одам ҳақидаги маълумотлар тўплами.

Жамиятнинг ва ижтимоий алоқаларнинг вужудга келиши билан инсон асл биологик жонзот бўлишдан тўхтади. Шу пайтдан инсоннинг шаклланишидаги мураккаб, тарихий ўзгариб турувчи биологик ва ижтимоий ўзаро таъсир вужудга келди. Бундай уйғунлик инсоннинг биоижтимоий жонзот экани тўғрисидаги тавсифномани яратади.

Инсоннинг биологик тавсифи - бу унинг анатомик, жисмоний, руҳий, антропоморфологик белгилари йиғиндиси.

Ижтимоий хусусиятлар инсонни шахс сифатида тавсифлайди. Улар ижтимоий келиб чиқиши, демографик ва этник хусусиятлари, маданият даражаси, моддий таъминланганлиги ва маълумоти таъсирида шаклланиб, инсоннинг ишқибозлигини, ишташни, қизиқишини, ёндашувини, ишончини белгилаб беради. Ер юзидаги барча одамлар биологик бирликка эга бўлиб, у тирикликнинг биологик асосини таъминловчи инетик маълумот билан асосланади. Шу билан бирга ҳамма одамлар ҳар хил, бу инсон ҳаётининг ижтимоий – демографик шакллари, унинг анатомик, физиологик ва руҳий таърифининг турличалигига боғлиқ, ҳар бир инсоннинг шаклланишида индивидуал биологик ва ижтимоий хоссаларнинг ўзаро таъсири фақат шу инсонга хос бўлган, такрорланмас ташқи кўриниш - габитусни яратади, унинг

либосга бўлган талабини ва моделларни танлашда қабул қилинадиган қарорлар тартибини белгилайди.

Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида либос конструкцияси ва моделларни танлаш тартибига муҳим таъсир этувчи габитус белгилари аниқланди. Улар габитус хоссаларининг морфологик майдони кўринишида 4 та блокка бирлашган: шахснинг қомат тузилиши белгилари, тана қисмларининг антропоморфологик хусусиятлари, образнинг рангли туси ва ҳис-ҳаяжонли, руҳий ҳислатлари.

Тана тузилишининг антропоморфологик хусусиятлари – бу қоматнинг фас ва профиль кўринишидаги шаклини, ўлчамларини белгиловчи антропометрик ва морфологик белгилар бирлиги.

Эркаklar қомати тузилишининг антропометрик белгилари намунада 3 та асосий ва қўшимча ўлчам хоссалари билан берилган. Асосий ўлчам белгилари бўйини, эркак танаси тўлалиги ва ўлчамнинг аниқлайди.

Одамнинг бўйи тана узунлиги билан белгиланади. Қомат узунлиги вертикал равишда бош тепа қисмидан полгача ўлчанилади. У катта индивидуал ўзгарувчанликни аниқлайди ва 134 см дан 194 см гача бўлади.

Тана узунлигининг кўрсатилган меъёрдан четга чиқиши патология ҳисобланади. Стандартда тана узунлиги бўйича ёндош бўйлар орасидаги интервал 6 см га тенг деб қабул қилинган, (146, 152, 158, 164, 170, 176).

Эркак танаси максимал узунлиги ўртача ҳисобда 17-18 ёшга тўлганда етади, бу 45-50 ёшгача сақланади, кейинчалик 5 йилда 0,5 см га, сўнгги 5 йилликда эса 0,7 см га камаяди.

Кўкрак қулочи 18-20 ёшларда мустаҳкамланади, нисбий мустаҳкамлиги 25-40 ёшларга тўғри келади. Ёши катталашиши билан кўкрак ўсади, бу тана суяк қафасининг ўсиши ва тери остида ёғ қатламининг пайдо бўлиши билан содир бўлади. 60 ёшдан ошганда у анча кичраяди, чунки тананинг қариш даври бошланади.

Эркак қомати тўлалиги сон қисми ўлчами билан қорин чиқиб туришини ҳисобга олиш ҳолда 0б, 0р III кўкрак қисми 3 см қулочи ўртасидаги фарқ билан

аниқланади. П=0б-0р III ўлчамнинг индивидуал кулоч ўзгарувчанлиги катта ва 4 см дан + 20 см гача. Бунда ўлчам ўзгариши билан тўлалик ҳам ўзгаради, аммо бир хил қийматда. Шу сабабли 4 та тўлалик гуруҳи ажралиб туради.

Гавда тузилишининг морфологик белгилари – бу инсон танасининг ташқи шаклини асослаб беради. Тананинг ташқи шакли жуда хилма-хил ва гавданинг анатомик тузилиши билан аниқланади. Бундан ташқари улар: эркакларнинг турмуш тарзи, ёши, озиқланиш хусусияти ва касбига боғлиқ.

Қомат тузилиши тўғрисидаги илмни илмий жиҳатидан ишлаб чиқиш яқинда бошланди ва ҳозирги кунда давом этапти. Қоматнинг ташқи тузилиши турларини таснифлаб чиқиб, унга миқдорий таъриф беришга ҳаракат қилинди. Бироқ барча талабларга жавоб берувчи тасниф йўқ. Бу қомат (гавда) шаклининг қайсидир қонуниятга бўйсунмайдиган, мураккаб юзага кириши билан боғлиқ.

Эркакларнинг кийимга, модага бўлган муносабатига кўра типлари. Мода иштирокчиларининг кўпчилик турлари қандай тоифадан таркиб топган? Бу саволга жавоб бериш учун иштирокчилар тоифаларини ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятининг, мезонларни танлаш керак. Бундай мезонларнинг 2 та гуруҳи мавжуд. Биринчиси мода иштирокчилари унинг аҳамиятини мода ичидаги ўзига хос ҳодиса қилиб кўрсатади, шунинг учун мода иштирокчиларининг тегишли турини “ички” деб аташ ўринли. Бу турланишдаги у ёки бу тоифага тегишлилиги инсон айнан ва фақат мода қатнашчиси сифатида ҳаракат қилиши билан аниқланади.

Маълумки, одамлар ўртасидаги фарқ фақат уларнинг модада қатнашиши билан асосланмайди, шу сабабли модадаги хатти-ҳаракатда бошқа ижтимоий гуруҳга оид хусусиятларни ҳам аниқлаш муҳим. Иккинчи гуруҳ мезонлари (ўлчамлари) мода қатнашчиларининг турли ижтимоий хусусиятларига киради. Бу хусусиятлар иштирокчилар ташқи намунаси асосида етади ва амалдаги мода учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Уларга ижтимоий – иқтисодий, касбий, демографик, маданий ва бошқа, инсоннинг жамиятдаги турли ролига хос бўлган хусусиятлари киради. Мода қатнашчиларининг ички намунасига мурожаат қилинса, уларнинг бир вақтнинг ўзида бошқа ижтимоий жараёнлар ва

гуруҳларга кириши ортида қолади. Таҳлил предмети қатнашчиларнинг асосий тоифалари тавсифи, амалдаги моданинг умумий жараёнидаги ўзаро ҳаракатлари ва муносабати.

Модада қатнашиш – бу инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг (коммуникация) ўзига хос тури. Коммуникация жараёни қандайдир сигналларни онгли ва онгсиз равишда узатиш жамиятда коммуникацияни белгилаш воситаларсиз амалга ошмайди. Модада бундай воситалар – мода стандартлари ва объектларидир. Бу белгилар белгиланган қийматлар – ўзига хос маълумотлар билан бирга – ахборот маълумотлари бўлиб, у модали коммуникацияси жараёнида узатилади. Бундай узатиш жараёнида ким, қандай иштирок этишини аниқлаш зарур.

Иштирокчиларни модали коммуникация жараёнида бажарадиган вазифасига қараб 3 та катта ички дифференцияланган тоифага ажратиш мумкин:

- 1) “Ишлаб чиқарувчилар”, мода стандартини, объектни яратувчилар;
- 2) “Истеъмолчилар”, ўзлаштирувчилар ва улар ўз хатти – ҳаракатларида фойдаланувчилар;
- 3) “Тарқатувчилар” мода стандартлари ва объектларни ишлаб, чиқарувчилардан истеъмолчилардан истеъмолчиларга (узатувчи) етказиб берувчилар.

Бу типологиянинг алоҳида ҳодисасини бўлиб, иқтисодиёт фанида, социологияда, оммавий ахборотнинг ўзаро таъсири ишларида кенг тарқалган.

Шу тариқа коммуникациянинг модадаги бутун даврини 3 та кетма-кет даврга бўлиш мумкин: мода стандартлари ва уларнинг объектларини ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мода қатнашчиларининг маълум турлари амалга оширадигандавр. Қуйида ҳар бир ажратилган тоифага ва ўзаро алоқаларига тавсиф берилган.

Ишлаб чиқарувчилар мода стандартларини, объектларни яратишдаги вазифасига қараб “иждо яратувчилар”, “тайёрловчилар” ва “қўпайтирувчилар”

га бўлинади. Яратувчилар асл нусхани, асл ғояларни ёки маданий намуналарнинг асл интерпретациясини яратади ва яратилганларидан сўнг ёки юз йиллар ўтиб мода аҳамиятини касб этади (ёлчитади). Профессионал жиҳатдан бу тур (тоифа) жуда хилма-хил. Унга бастокорлар, ёзувчилар, режиссёрлар, артист – ижро этувчилар, рассомлар, кострукторлар, дизайнерлар, ҳунармандлар ва бошқлар киради. Яъни (асарлари) ижоди эртами, кечми модада бўладиганлар. (ғоялар, бадий асарлар, лойиҳалар, материаллар, технологик ечимлар ва бошқ.).

Инсоннинг ушбу босқичида маълумот умуман модали коммуникацияорбитасига тушадими, мода қиймати белгиси бўла оладими, иложи йўқ, шунинг учун маданий намунани яратиш фақат имкон бўлсагина мода стандарти ёки объектни яратиш билан тўғри келади (мос келади), мода стандарти “ижодкор” и эса – ҳали мода яратувчиси ҳисобланмайди. Фақат у ёки бу “мода” нинг перспектив ҳаракатида яратилган моданинг намуна мода аҳамиятини эга бўлса, модали коммуникация якунланса, яъни юборилган ахборот ўз манзилига аммо истемолчисига етиб борса – ишонч билан “ижодкор” фақат асар яратиб қолмасдан, “мода”га кирди, деб айтиш мумкин.

Мода стандартини яратиш режалаштирилган ёки режалаштирилмаган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда “ижодкор” ифодалашга, уни мода қиймати белгиси қилишга интилса, охирисида у бундай қилмайди. Асарни яратиш ва унга мода қийматини бериш орасидаги вақтинчалик узилиш турлича бўлиши мумкин: у бутунлай аҳамиятсиз бўлиши ёки бутун асрларга, минг йилларга чўзилиши мумкин. XV асрдаги рус санами (икона) ёзувчилар ўз ижодини кузатувчи замондошлари каби мода қиймати ҳақида ўйламаганлар. Шунга қрамай бизнинг асарамизда санам мода қиймати белгиси бўлиб қоляпти.

“Ишлаб чиқарувчилар” – мода стандарти ва объектларининг биринчи намунасини яратувчилар, кейин кўпайтириб тарқатишга тайёрлайдилар. Бу тонфа ҳам профессионал нуқташ назардан ақлий даражада хилма-хил. Бу тоифага саноат маҳсулотларининг синов намуналарини яратувчилар, муҳандис-технологлар, босма нашрлар редакторлари, киностудиялар, ёзув ёзиш

студиялари ва телестудиялар ходимлари киради. Бошқача қилиб айтганда улар ижодкор асарига шундай кўриниш беришадики, натижада асар кўплаб ишлаб чиқарилади, тарқатилади ва модали қиймат белгиси сифатида истеъмол қилинади.

“Кўпайтирувчилар” ишлаб чиқарувчиларнинг 3 чи кўриниши (тури) мода коммуникацияси жараёнида уларнинг вазифаси аниқ: улар мода белгиси таклифини тامينлаб мода белгисига бўлган талабни қондириш учун “ижодкорлар” яратган асарни етарлича миқдорда қайта ишлаб чиқаради. Кўпайиш кенг истеъмолмолларини кўплаб ишлаб чиқаришни, матбуот (босма) фаолиятни грампластинкалар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Кўпайиш – умуман олганда асл ва потенциал мода стандартлари ва объектларини ададлаштириш бўйича олиб бориладиган фаолият.

Агар бу стандартлар ва объектларни ишлаб чиқариш билан иш кўрмасдан, балки улар ҳақида ўзига хос “ахборот тўғрисида ахборот” маълумоти яратилса (яъни мода тўғрисида) бу тарқатиш жараёнига киради. Тарқатиш жараёни реклама; кўргазма, эълон, тақриздан иборат. Мода стандартларини бундай бевосита тарқатишдан, ташқари уларни билвосита (тўғридан-тўғри) тарқатиш ҳам мавжуд. Бундай тарқатишнинг энг аниқ ва оммавий шакли – бу албатта савдо. Шундай қилиб тарқатиш каналларига дўконлар, оммавий ахборот воситалари, кутубхоналар, кўча рекламаси, лавҳалар киради. Бу фаолиятнинг барчаси тарқатувчилар тоифаси томонидан имконга оширилади.

Модали коммуникация жараёнини ва албатта моданинг амалда қўлланишини фақат юборилган маълумот ўз манзилига яъни истеъмолчига етиб бўлгандагина амалга оширилади (бўлиб ўтди) деб ҳисоблаш Фақат мумкин.

Фақат “истеъмолчилар улар ҳақида билиб оладилар” деган маънода етиб келмайди. Коммуникация жараёни истеъмолчилар қабул қилинган маълумотни моданинг ўзига хос ажралмас қисми деб тушунгандагина ўз ўрнини топади шу йўл билан уларни қабул қилинади ва ихлосмандлари бўлиб қолишади. Табиийки, тушуниб етиш ва қабул қилиш бирданига содир бўлмайди ва

истеъмолчи томонидан “модани” ўзлаштирилиш тезлиги ҳам турлича: биров уни олдинроқ қабул қилса, бошқалар кейин. Кўпчилик истеъмолчиларда ахборотга бўлган салбий ва бепарво муносабат мода даврининг илк босқичларида секин-аста унга ўрганришга бўлган интилиш билан алмашади, сўнгра унга бўлган талаб билан.

“Мода”ни қабул қилиш ва ўзлаштириш тезлигига қараб истеъмолчилар бешта турга бўлинади.

1. “Иноваторлар” (турли тадқиқотлардаги синовчилар). Уларнинг фарқ қилувчи томони – (экспериментга синовга ва таваккалчиликка мойиллик (сўз исталган ҳаётий воқеа тўғрисида эмас, балки мода ҳаракатидаги аниқ, чекланган соҳаси тўғрисида). Бу энг кам сонли истеъмолчилар гуруҳи.

2. “Илк (дастлабки) ўзлаштирувчилар” (бошқача қилиб айтганда (“лидер”) етакчилар маҳаллий етакчилар). Уларни атрофидагилар томонидан ҳурматга бўлган алоҳида эътибор фарқлаб (ажратиб туради).

3. Илк (дастлабки) кўпчилик (“ўхшатувчилар” “илк издошлар”). Уларнинг фарқли томони – мулоҳаза юритиш (фикирлаш).

4. Сўнгги (охирги) кўпчилик (тадқиқотларда “скептиklar”, “консерваторлар” номи билан қатнашади). Аввалмбор сершубҳалиги билан тавсифланади.

5. Орқада қолган (кеч ўзлаштирувчи, традиционалист) анъанага амал қилади, мода стандарти анъанага айланганда мода стандартини (эгаллаш) ўзлаштиришади.

Келтирилган турланиш (типология) реал эмас, фақат юксак (идеал) модель у бутун ахборот манзилларини тартибга солиб йўлга қўйишга қаратилган, табиийки қўллаш жараёнида уддабуронликни талаб этади. Бу (индивид) шахс томонидан мода маълумотини (мода стандарти) қабул қилишининг 5 босқичга бўлинишига ҳам таалуқли.

1. Танишув босқичида индивид (шахс) ахборот таъсирида бўлади, бироқ у ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди.

2. Қизиқиш босқичида у ахборот тўғрисида маълумот қидира бошлайди.

3. Баҳолаш босқичида ўз онгида (фикирича) модани ҳозирги ва бўлажак ҳолатларга ўлчаб кўради ва уни синаб кўриш ҳақида қарор қабул қилади.

4. Синов босқичида ўз талабига ва ижтимоий муҳитга мослашни аниқлаш учун текширувидан ўтказди.

5. Қабул қилиш босқичида индивид (шахс) модали стандарт ишқибозига айланади.

Бу бўлиниш классик тизим AIDA билан бир-бирига ўхшаб кетади, мутахассислар ундан реклама амалиётида фойдаланишади. Бу тизимга мувофиқ реклама ахборотини идеал қабул қилиш 4 та даврдан ўтади: эътибор, қизиқиш, ҳоҳлаш, ҳаракат (мас. харид). Мода ахборотларининг кўплаб қисми ҳам бу даврдан ўтади.

Шуни таъкидлаш зарурки “ишлаб чиқарувчилар” ва “истеъмолчилар”га бўлиш бу тоифалар ичидаги бўлиниш каби муҳим даражада шартли, ҳақиқатда эса “кўпайтирувчилар” айрим муносабатларда тарқатувчилар” сикатида кўриб чиқилади.

Масалан: нашриёт ва типографиялар кўплаб босма нашрлар ишлаб чиқаришни таъминлаш билан бирга мода тарқатишнинг дастлабки босқичда қатнашадилар.

Маркетинг жорий этиш натижасида тарқатиш ишлаб чиқаришга чуқурроқ кириб бормоқда. Реклама ходимлари бизнинг давримизда нафақат маҳсулот намунасини яратувчиси бўлиб қолмасдан, балки маҳсулотни ўзини яратувчиси бўлишмоқда, ўз навбатида ҳозирги даврдаги тарқатиш жараёни саноатлаштиришмоқда, “ишлаб чиқарувчилар” ҳам, “тарқатувчилар” ҳам табиийки “истеъмолчилар” вазифасини бажаришяпти. Кейингилари ҳатто ижодкор ролини бажариши ҳам мумкин, гарчи мутахассис бўлмаса ҳам. Улар ишлаб чиқариш ва мода ахборотларини тарқатиш жараёнида биргаликда фаол қатнашадилар. Шу билан боғлиқ равишда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи “симбиоз”и вужудга келади, уни Э.Тоффлер “просюмер”, аниқроғи “истеъмолчи” деб атаган.

Шундай бўлса ҳам бир босқичнинг тоифанинг бошқасига кириб бориши, умуман улар орасидаги фарқ етарлича аниқ, чунонан модали коммуникациянинг умумий жараёнидаги уларнинг туташ ижтимоий аҳамияти турлича. Бу жараён “ишлаб чиқарувчи”дан “тарқатувчилар” воситачилигида “истеъмолчи”га, ҳамда биз ажратган қиймат тоифасидан бошқаларга доимо юборилган “мода”нинг ахборот занжири ҳисобланади. Мода коммуникациясининг ушбу тизимининг оддий кўринишига қарамасдан, истаган одам, қайси тоифага киришидан қатъий назар, бу мода яратиш, етказиб бериш (узатиш) қабул қилиш жараёнининг қанчалик мураккаблигини билади. Мода стандартларининг яратилиш босқичидан то аммовий истеъмолга етиб боргунча драматик ҳодисаларга, коммуникация алоҳида даврлари ўртасидаги келишмовчиликларга ва барбод бўлишларга тўла. Турли тоифлар ва иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар билан тез-тез фарқланиб туради.

“Мода”нинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракати жараёнининг мураккаблиги бошқа омиллардан ташқари шуниси билан асосланганки, модада ретиаль (лотинч. rete – тармоқ) коммуникатив жараёнлар, яъни ахборот, кўплаб, ахборот қабул қилувчиларга бир вақтда узатилади.

Модада аксиал жараёнлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ретиальга нисбатан унча муҳим бўлмаган роль ўйнайди.

Бунда маълумотни қабул қилиш жараёнида, маълумот семантик аҳамиятга эга бўлганлар, модада – ахборотга мода қийматини, аҳамиятини қўшиб ёзувчи истеъмолчилар жалб этилади. Коммуникациянинг ретиаль тизимида ишончли тесқари алоқани таъминлаш аксиалга нисбатан анча мураккаб. Бундан юқори даражадаги ноаниқлик, айрим ҳолларда ҳатто мода маълумотининг кейинги аҳволидаги аянчли ҳолатлар келиб чиқади, ишлаб чиқарувчилар маълумотни манзилга етиб бориб, мувофиқ равишда қабул қилинади, деган умидда юборишади. Бундай ҳолатни адабий асар орқали таърифлаган адабиёт социалогияси соҳаси мутахассиси француз Р.Эскарпи шундай ёзган эди: “Асар (мактуб) юборилган лаҳзадан бошлаб, яъни у нашр

этилган вақтдан, муаллиф китоб мазмунини яхшилаёт олмайди, унинг маршрутини (босиб ўтадиган йўлини) назорат қилолмайди, манзилни аниқлай олмайди, у қабул қилинганини текшира олмайди, унинг ўқилиши ва муҳокама қилинишига ҳам раҳбарлик қила олмайди. Бу энг ҳақиқий саёҳат бўлиб, ундан қайтиб келишмайди. Худди шуни мода аҳамияти орбитасига (доирасига) тушиб қолган кўплаб асар турлари ҳақида айтиш мумкин.

Албатта қайта нашр қилганда, асарга ўзгартиришлар киритиш мумкин, аммо бу энди бошқа, янги кўпайтирилган ахборот бўлади.

Мода коммуникацияси жараёнида бошқа қийинчилик ҳам бор. Мода “тили” унинг иштирокчиларига таниш бўлишига қарамасдан, чунки уларни барчаси атрибутив қиймат издошлари – ҳар бир янги мода бу ҳатто кутилаётган бўлса ҳам, бу қийматларнинг ҳали номаълум белгисидир. Худди шунга ўхшаш ҳодиса инсонга маълум воқеани англатувчи янги сўз айтилганда содир бўлади. Бундан келиб чиқадики, мода иновациясининг ҳар бир ҳолатида, бир томондан керакли ахборотни танлаш, иккинчи томондан мода иштирокчиларини таништириш ва ўргатишга зарурият пайдо бўлади.

Модали коммуникацияни амалга оширишда учинчи жиддий тўсиқ, мода қатнашчиларининг ижтимоий – иқтисодий аҳволидаги, маданиятидаги ташқи, (аҳамият) қийматларидаги кўплаб фарқлар ва қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги.

Ниҳоят “мода” ҳаракатидаги яна бир тўсиқ – ҳар бир тоифанинг ўзига хос қизиқишлари ўзига бино қўйиб, мағрурланишга ўтиб кетиши мумкин, оқибатда эса мода коммуникацияси ўз функция (вазифа) ларини бажаришдан тўхтади.

Мода коммуникациясининг самарадорлиги, санаб ўтилган ва бошқа кўлаб тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ. Таъкидландек, моданинг амалда бўлишининг зарур шартлари – мода коммуникацияси тармоғига келиб тушаётган маданий намуналарнинг ҳаддан ташқари кўплиги. Бунинг натижасида турли халқлар маданий меросига, шунингдек ижтимоий – иқтисодий ва маданий турмушнинг турли соғаларидаги янгиликларга

қатнашчилар учун йўл очилади, ва ниҳоят ижодкорлар яратган “мода”нинг мўллиги туфайли мода, коммуникацияси жараёни учун маълумотларни танлаб олиш зарурияти ва имконияти пайдо бўлади. Мода қатнашчиларининг ҳар бир тоифаси коммуникациянинг олдинги босқичларида таклиф этилган “мода”лардан танловни амалга оширади.

Шундай қилиб “тайёрловчилар”, “кўпайтирувчилар”, “тарқатувчилар”, “привратниклар” вазифасини бажаради, улар бир потенциал стандартлар ва объектларни рад этиб, бошқасини ўтказиб юборишади, коммуникация керакли босқичларининг кириш ва чиқишида жойлашади. Якуний танлаш коммуникациянинг охириги босқичида энг кўп тоифа – истеъмолчи томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, истеъмол – нафақат модадаги коммуникатив даврнинг охириги босқичи, балки аниқ маънода уни жўнатиш пункти.

Коммуникация жараёнида қатнашчиларнинг айрим тоифалари “мода ва объектларни тайёр ҳолда фақат танлаб, тарқатишмайди. Улар жўнатилаётган маълумотга ва бир-бирига таъсир қилишади. Модали коммуникациянинг 2 та қарама-қарши, ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи стратегиялари мавжуд.

Улардан биринчиси – ахборотни коммуникациянинг кейинги босқичига ва мода қатнашчиларига мослашуви. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчилар маълумотни тарқатувчиларга, бу 2-тоифа эса – истеъмолчиларга мослаштиради.

Ўзбекистон иқлим шароитига мос либос лойиҳаларини яратишга бўлган талабларни шакллантириш учун истеъмолчилар сегменти, савдо шахобчалари таклиф этаётган кийим ассортиментлари ўрганилди.

Бунинг учун сўровномалар тарқатилди. Сўровномаларда қуйидаги саволлар берилган эди.


1. Сиз кийим вазифаларининг қайси бирини афзалроқ деб биласиз (бошқаларга нисбатан устунроқ қўясиз)?
2. Сизга қайси услубдаги кийимлар кўпроқ ёқади ?
3. Кундалик кийим қандай талабларга жавоб бериши керак?

4. Қаерда ишлаб чиқарилган кийимларни кийишни маъқул кўрасиз?
5. Қандай матолардан тикилган кийимларни лозим кўрасиз?
6. Баҳор-куз мавсуми учун мўлжалланган устки кийимлардан тузилган гуруҳнинг қайси бири гардеробингизда бўлишини истайсиз?
7. Замонавий модага муносабатингиз қандай?
8. Гардеробингизда баҳор-куз кийимлардан нечтасини харид қилишингизнинг имкони бор?
9. Баҳор-куз кийимларингиз орасида замонавий мода нуқтаи назаридан маъноси жиҳатидан эскирган кийимларингиз ҳам борми?

Сўровномалар натижалари таҳлил қилингандан сўнг, истеъмолчилар гуруҳларга ажратилди. Шу нарса маълум бўлдики, барча гуруҳларда ҳам қишки кийимлар нарх доирасида чегараланган экан. Агар иложи бўлса, респондентлар турли услубий ечимга эга бўлган, вазият ва кайфиятга қараб турлича кўринишли, лекин нисбатан қиммат бўлмаган либосларга эгалик қилишни истар эканлар. Сўровномалар таҳлил натижаларидан истеъмолчилар, яъни 18-25 ёшдаги эркеклар (асосан Тошкент шаҳрида доимий ёки вақтинча яшовчи) кийимга, модага бўлган муносабатига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилди.

Эркекларнинг кийимга, модага бўлган муносабатига кўра типлари:

1. Либосда спорт услубини афзал кўрадиганлар.
2. Кантри услубини афзал кўрадиганлар.
3. Ўта замонавий либослар (трендлар)ни афзал кўрадиганлар (дендилар).
4. Ретро услубни афзал кўрадиганлар.
5. Ўзининг кийиниш услубига риоя қиладиганлар. (3-диаграмма)



III БОБ. ЭРКАКЛАР ГАРДЕРОБИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ЛИБОС МОДЕЛЛАРИНИНГ ДИЗАЙН-ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

3.1.Замонавий мода йўналишига тавсиф

Эркаklar модасидаси брендлар. Келаётган мавсум янги ноанъанавий либослар билан хурсанд қилмоқда.

Баҳор 2018 эркаklar модасининг асосий хусусиятлари қуйидаги ранглар: Қора, оқ, қаймоқранг ва кўк рангнинг ҳамма туслари. Очик рангдаги либосларсиз албатта бўлмайди, лекин улар фақатгина безак сифатида учрайди. Моданинг чўққиси ранг-баранг қиёфада бўлиши мумкин. Қўркмасдан қора, қаймоқранг, кўк кулиранг ёки оқ либосларни ҳеч қандай ранглардан қўшимчасиз кийиш мумкин. Бу услубда кийиниш либоснинг бичимига ва унинг кўркамлигига қаратилади. Рангларнинг бир-бирига уйғунлигини ҳисобга олсак, унга денгиз ранги жуда ҳам мос тушади. Кўк, ҳаворанг, оқ ва (қум ранг) оч жигарангдаги либосни танласангиз мода оламига кирган бўласиз. Янги ёрқин ранг бу куёш ранг - сарикдир. Сарик рангдаги либослар бу чизиқли, нохот гули, геометрик шакиллардаги либослар кўпгина дизайнерлар коллекциясида мавжуд. Мода оламига классик услубда ва танаг ёпишиб турувчи бичимдаги либослар қайтяпти.

Костюмлар кийиб юришининг вақти келди. Дизайнерларнинг янгилиги бу фақатгина шимларни калталаштирилгани. Пайпоқларни кўрсатиш вақти келди. Лекин айрим дизайнерлар пайпоқлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас деб ўйлайди. Лекин бу кўпчиликка ёқмаса керак, чунки айримлар янги оёқ пойабзали кийишни хуш кўришади. Хаттоки кийишда ҳам айримларни эса шимни кроссовка ва кета билан ҳам кийиш мумкинлиги қувонтиради. Услубга қараб башанг замонавий либосларга бўлинади. Агарда костюмлар учун бўлса курткалар эса жуда ҳам калта спорт услубидаги курткалар, бомберлар, жинсовкалар, чарм курткалар буларни ҳаммасини шим билан кийиб юриш мумкин. Агар бу сизга ғайриодатий туюлса, унда классик услубга аҳамият беринг. Олдинги мавсумга қараганда бу мавсум либослари қоматга ёпишиб туради. Бу

услуг ўзини қоматини кўз-кўз қиладиганларга жуда ҳам қулай келади. Бу баҳорда жинси либослари жуда ҳам башанг бўлади. Жинси эркаклар кўйлаги, курткалар, кастюмлар, шалварлар, калта шимлар ... нима хохласангиз шу. Дизайнерлар кўпроқ аксессуарларга аҳамият қаратишган. Бунда ўзининг ижобий томонлари ҳам бор. Ўзининг шахсий буюмларини сумкада олиб юрган яхши. Сиз кенг эмассизку ҳамма буюмларингизни чўнтагингизда олиб юрадиган телефон, ён дафтарча ва бошқаларни... Айрим эркакларга хайрон қоламиз тор жинси шимга буюмларни солиб олишади ёки кўйлакларида кўтариб юришади.

Ёдда тутинг иссиқ кунларга калта шим, бермуд ёки чинос (юбка, ёзги шим ости бир оз қайтарилган шалвар лар) калта шим бермузлар ҳаммага ҳам ярашавермайди. Бундай шимларни бўйингиз паст бўлса ёки оёқларингиз калта бўлса калта шимларни, кроссовка, бассапожкалар билан кийилмайди. Қора рангдаги калта шим ёки чинос харид қилманг ва уларни қора рангдаги кийимлар билан кийманг. Қора ранг эркаклар жавонида жуда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди . Енгил либосни эркин ва янги кўриниши яхшироқ. Чиройли ва кўркем кўриниши учун ўзига ярашадиган рангда бўлиши керак. Агарда аввал жинси шимларни қайтариш (буклаш) керак бўлмаган бўлса унда ҳозирги вақтда хоҳлаганча қайтариш мумкин. энг башанг пойабзал 2018-йилда бу кроссовкалар, кеди, босоножкалар ва уй шиппакларини бемалол кўркемасдан қайси пойабзал қулай бўлса шуни кийишингиз мумкин. Мода жуда ҳам зерикарли бўларди агарда бир хиллик ва оддийлик бўлганда. Дизайнерлар бу йил ҳам ўзларининг хаёлий либосларини тақдим этишмоқда. Янги коллекцияда оригиналлари ҳам мавжуд. Улар оддийликни ёқтирмайдиганларни жуда ҳам қувонтиради. Улардан биринчи қувонтирадигани болаларнинг суръатлари, иккинчиси эса гуллар бренди. Бу биров билинар билинмас безак бўлиши мумкин. 2018 ёки ёрқин ранглар бу ерда сиз кўнглингиз тусаган рангларни танлашингиз мумкин. Гулли кашта ва кружевалар бир неча коллекцияда ўрин эгаллаган. Охирги урф бўлган бренд бу портретлар ва мультфильм

қахрамонларидир. Ёрқин ва ғайриоддий свитер ҳеч қандай жавонда ортиқчалик қилмайди. Аёллар либосларини кўриб чиқамиз. Палто ва плашлар 2018 баҳорда каттиқ ва мустаҳкам матодан бўлиши керак ва у қоматни яхши ушлаши ва ажралиб туриши керак. Сиз меҳ ёқали қора ёки кулранг палто сотиб олишингиз мумкин. Балки сиз бошқа ёрқин рангдаги қизил ёки сариқ рангдаги палтолارни олиб, атрофдагиларнинг эътибори ва хурматини қозонишингиз мумкин. Ахир ҳамма ҳам бу қарорга кела олмайдику. Эркакларга келсак Дизайнерлар бир оз бўғиқ рангларни тавсия этадилар. Буни яққолроқ кўриб чиқамиз: Плаш ва палтони классик услубидагисини тавсия этадилар бу услубга ўртача узунликдагиси тўғри келади. Кенг елка, узун енгли.

Бомбер. Аввалги фаслда дизайнерлар бомберлар ҳақида эслаб қолишди ва улар 2017-2018 йил куз ва қиш коллекциясида намоён бўлди. Бу гал курткалар калта резинкада ва манжетлар билан ёқалар яна урфга киради. Улар жуфт чўнтаклар ва озгина метал (темир) жило берувчи улар жуда қорамтир рангдаги ва калта шимлар билан ҳамоҳанг бўлади.

“Қора-оқ”. Агарда нима либос кийишни билмасанг, қора шим ва оқ кўйлакни танла. Азал-азалдан қора ва оқ рангларнинг уйғунлашиши классик услуб дейилади. Бундай либос ҳар қандай байрамлар учун ҳам тўғри келади. Совуқ тушиши билан курткалар энг кўп талаб қилинган устки кийимлардан биридир. Улар совуқдан ва шамолдан эгаларини химоя қиладилар ва яхши кайфият мароқли вақт ўтказишга ҳисса қўшадилар. Биз курткаларни ҳар кунги либос сифатида билардик, энди эса дизайнерларнинг сайи ҳаракатлари билан уйғунлашган ва кўйлақлар устидан ҳам кийиши мумкин. Эркаклар курткаси жуда кўп бўлмайди, шунинг учун ҳар қандай олифта ўзига керакли фасилдаги курткани топа олади. Ҳар бир либос ўзига хос усулда тикилган ва бу унинг ажойиблигини, бир-бирини такрорламаслигини билдиради. 2017- йилнинг кузида 2018-йилнинг қишида дизайнерлар классик услубга бир оз ўзгартириш киритилади ва бу унча жиддий бўлмаган услубни яратишга

ёрдам беради. Қисқартирилган ва классик услубидаги баҳор 2017 ва қиш 2018 либослари ҳеч кимни қишда совуқ қотиб қолишга йўл қўймайди. Бу фаслдаги қайтарма қалпоқ ва калта меҳлар урф бўлади. Аслида парка боғичлар билан безатилган бу боғичлар белни қиқақртириш ёки курткага қилиб тикилган қайтарма қалпоқнинг четларини қисқартириб тараш учун қулай қилиб мўлжалланган.

Пўстин куз-қиш 2017-2018 коллекциясида бўлишига қарамай биз унга кўпроқ аҳамият беришимиз керак. Ёқа- тикка ва чуқур чўнтаклар либосни универсал ва кундалик кийиш учун қулай, ахир қиш кунларда бир нечта иссиқ куртка ололмаймиз. Постин узунлиги тизадан пастда ва белгачан, бу ҳар кимнинг хоҳишига кўра, эркаклар курткасининг ажралиб турадиган жихати бу куз-қиш 2017-2018 йил учун коллекциясидаги классик ёқа, бел қисилишини қисқартирши учун боғич, устки чўнтаклар ва қўшимча камарчалар, енг ва ёқаларда.

3.2. Ўзбекистон иқлим шароитининг характеристикаси.

Ўзбекистон ўзига хос – ёнғин кам, қуруқ, иссиқ, континентал иқлимга эга. Мамлакатнинг катта қисми мўътадил иқлим минтақасига мансуб. Ўзбекистон ҳудудини 3 иқлим зонасига ажратиш мумкин: чўл ва дашт зонаси, тоғ олди зонаси ва тоғ зонаси. Чол ва дашт зонаси Ўзбекистоннинг жами текисликлари – Устюрт платоси, Қизилқум, Қарши, Далварзин ва Мирзачўл чўлларини, тоғ олди зонаси Тяньшан ва Ҳисор-Олой тоғ тизмаларнинг денгиз сатҳидан 300-400 м дан 600-1000 м гача бўлган баландликларини, тоғ зонаси денгиз сатҳидан 600-1000 м дан юқори бўлган ҳудудларни ўз ичига олади.

Иқлим 3 асосий омил: қуёш радиацияси миқдори, атмосфера циркуляцияси хусусияти ва тўшама сирт (рельеф) билан белгиланади.

Мамлакат ҳудудидаги мавжуд иқлимнинг муҳим омили – Ер юзасига келаётган ва айниқса, ёз ойларида кучаядиган қуёш радиациясидир. Ўзбекистонда қуёш йил давомида қарийиб баландда бўлади. Қуёш июнда уфқдан Тошкентда 72° , Термизда 76° гача кўтарилади. Ёзда кундуз 15 соат давом этади. Қуёш билан кўтарилганлиги, булут кам бўлганлигидан узоқ вақтгача нур сочиб туради. Ўзбекистон шимолида қуёш ёғдуси давомийлиги йил давомида ўртача 2800 соатни ташкил этади. Жанубга қараб унинг қиймати ортиб (Термизда 3050 соат) боради. Бир кунда қуёш 8-10 соат нур сочиб туради. Текисликларда қуёш нури давомийлигининг тақсимланиши кенгликка, тоғ олди ва тоғлик ҳудудларда қуёш нурининг тушиши, бундан ташқари уфқнинг тўсилганлигига ва жойнинг экспозициясига боғлиқдир.

Май-октябр ойларида қуёшнинг нур сочиш муддатининг узунлиги жиҳатидан Ўзбекистон дунёда энг серофтоб жойлардан бири ҳисобланади. қуёшдан келаётган иссиқликнинг 70-80 % дан кўпроғи тупроқ ва ҳавонинг исишига сарф бўлади.

Марказий Осиё устидаги атмосфера циркуляциясида арктика, мўътадил ва тропик ҳаво массалари иштирок этади. Йилнинг совуқ ва салқин даврида (ноябрь-апрель) Эрон тоғлиги устида шаклланган жуда илиқ тропик ҳаво билан Марказий Осиё шимолий кенгликлардаги совуқ ҳавонинг ўзаро яқин

жойлашганлиги ҳароратнинг кескин ўзгариб туришига сабаб бўлади. Циклонлар шимолий ва шимолий-ғарбдан арктика совуқ ҳавосининг келиши билан яқунланади. Қишда Ўзбекистоннинг кўпгина жойларда об-ҳаво беқарор бўлиб, совуқ билан илиқ кунлар алмашиб туради. Йилнинг илиқ ва иссиқ яримида (май-октябрь) Марказий Осиё билан ундан жануброқда жойлашган ҳудудлар орасида температуралар фарқи деярли қолмади. Марказий Осиёда юқори температурали ($27-31^0$) тропик ҳаво шаклланади. Бу даврда циклон фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган ёнғин тўхтади. Лекин вақт-вақти билан келиб турадиган салқин ҳаво иссиқнинг кўтарилиб кетишига йўл қўймайди.

Тоғли ҳудудларда иқлим шаклланишида тўшама сиртнинг таъсири ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жумладан, ҳатто бир тоғ тизмаси ҳудудида ҳам ёнғин миқдори турлича тақсимланади. Бунда нафақат тоғ ён бағирларининг денгиз сатҳидан баландлиги, балки, ён бағир экспозицияси, тўшама сиртнинг ҳолати таъсир этади.

Об-ҳаво ёз ойлари анча барқарор, қиш ойлари эса ўзгарувчан кечади, ҳаво температураси катта мавсумий ва суткалик амплитудага эга. Қиш ойларида чўл ҳудудларда ҳаво массалари трансформацияси нисбатан суस्त кечади. Баъзан, Арктикададан келган совуқ ҳаво оқими жанубдан тоғлар билан ўралган текисликларга, ҳеч қандай тўсиқсиз кириб келиб, ҳавонинг янада совиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу ерда, айниқса, Қорақолпоғистонда қиш анча совуқ келади. Аммо, кўпинча Форс қўлтиғи ва Арабистон денгизидан келаётган илиқ ҳаво унча баланд бўлмаган Копетдоғ ва Паропамиз тоғ тизмаларидан ошибўтиб, қиш совуғини анча юмшатади.

Ҳаво температураси. Ўзбекистоннинг текислик қисмида ўртача кўп йиллик ҳаво температурасининг изочизиқлари деярли зонал жойлашган. Ўзбекистон қиш хийла совуқ келади, ёз эса иссиқ ва узоқ давом этади.

Энг совуқ ой – январнинг ўртача температураси Устюртда – 9^0 , Қизилқум чўлининг жануб қисмида 0^0 , Ўзбекистоннинг чекка жанубида эса – 2^0 , – 3^0 ни ташкил қилади. Тоғларда ҳаво температураси, асосан, жойнинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқ.

Ёз ойларда текисликларда ҳаво температураси кам ўзгаради: июль ойининг (энг иссиқ ой) ўртача температураси Устюртда 26-27⁰ дан Термизда 30⁰ гача ўзгаради. Тоғ олди зоналарида ҳаво ёз ойларида унча қаттиқ исиб кетмайди. Тоғларда эса ҳар 100 м юқорига кўтарилган сари температур ўрта ҳисобда 0,65-0,70 га камайиб боради. Ёзда қиш фаслига нисбатан ҳаво температураси кам ўзгаради, яъни об-ҳаво анча барқарор ҳолатда бўлади.

Ҳавонинг ўртача ойлик температурасининг йиллик амплитудаси текисликларда энг юқори бўлади, масалан, Қаршида йиллик амплитуда 29⁰ дан зиёд. Тоғларда эса бу кўрсаткич энг паст бўлади. Температуранинг амплитудаси қишда кам, ёзда юқори бўлиб, маълум даражада ҳавонинг булутлигига боғлиқ: унинг энг юқори даражаси очиқ ҳавога тўғри келади, булутли кунларда у 6 – 9⁰ паст бўлади. Текисликларда январда очиқ кунлари амплитуда 7 – 11⁰, июль ойида 14 – 19⁰ ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг энг шимолий қисмида ўртача йиллик энг паст ҳаво температураси – 30⁰ ни ташкил этади. Айрим йиллари – 40⁰ гача пасаяди. Жанубда Термиз атрофида – 20⁰ дан паст температура кузатилмаган. Бу ерда кўпинча қиш илиқ келади, температура – 10⁰ дан пастга тушмайди.

Республика ҳудудида илиқ даврнинг ўртача давомийлиги Устюртда 160 кун бўлса, Шеробод ва Термизда 280 кунгача.

Мамлакатнинг текислик қисмида энг паст ўртача кўп йиллик максимал температура(35 – 36⁰) Орол денгизи бўйларида кузатилади. Аммо денгизнинг таъсири фақат соҳилнинг денгизга яқин қисмида сезилади. Унидан узоқлашган сайин ўша кенгликдаги энг юқори температура 40⁰ га, республикадаги жанубда эса 44⁰ га кўтарилади. Тоғ олди зоналарида температура 39 – 41⁰ дан ошмайди ва юқорига кўтарилган сари камайиб боради.

Даштларда энг юқори мутлақ температура 48 – 50⁰ га етади. Тоғ этакларида, тахминан 1000 м баландликкача, энг иссиқ температура анча юқори бўлиши мумкин (44 – 45⁰). Табиийки, юқорига кўтарилган сари ҳаво температураси пасайиб боради.

Ҳавонинг намлиги. Қиш ойларида ҳавонинг ўртача ойлик нисбий намлиги Ўзбекистоннинг шимолида (Орол денгизи соҳиллари) 80 – 85% дан энг жанубда 60 % гача ўзгаради. Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда эса бу миқдор 50 – 70 % ни ташкил этади. Март ойидан бошлаб нисбий намлик камая бошлайди. Орол денгизи бўйларида у 60 – 65 % гача, бошқа ҳудудларда 30 – 40 % гача пасаяди, тоғ олди ҳудудларида намлик бир оз юқори бўлади. Тоғда нисбий намлик баландликка, рельефга ва қияликка қараб ўзгаради. Қишда кўпинча у баландликка нисбатан пропорционал равишда пасаяди, ёзда эса ошади.

Сутка давомида энг юқори нисбий намлик, энг пасткиси кундузга тўғри келади. Тупроқ ва сувюзасидан бўлган буғланиш ҳам кундузи кучаяди. Йилнинг фасли, об-ҳаво ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларига қараб нисбий намликнинг кунлик тебраниш амплитудаси 5 – 20 % ўртасида ўзгариб туради.

Булутлик миқдори. Ўзбекистон текисликларида январда булутли кунларнинг ўртача кўп йиллик такрорланиши умумий булутлик бўйича 55 – 60 % ни ташкил этади, фақат Қизилқумнинг марказий қисмида у 50% гача камаяди. Паст қатлам булутлар бўйича бу кўрсаткич Устюрт ва Орол соҳилларида 40 % дан чўл марказида 28 – 30 % гача ўзгаради. Ёзда (июлда) булутлик анча кам бўлди. Масалан, Устюртда умумий булутлик даражаси бўйича булитли кунлар такрорланиши 25 % ни, Қизилқумда 10 – 15 % ни, Қарши чўлида бор йўғи 3 – 4 % ни ташкил этади.

Умумий булутлик бўйича булутлик кунларнинг ўртача йиллик сони Устюртда 90 – 100, Қизилқум чўлида 50 – 55 кунга етади. Пастки қатлам булутлари бўйича у тегишли равишда 40 – 45 ва 13 – 15 кун ташкил этади. Бу ҳудудларда умумий булутлилик бўйича ўртача кўп йиллик очиқ кунлар сони 73 – 75 дан (Устюртда) 140 – 150 гача (Қарши чўлида) ўзгаради.

Тоғ олди ҳудудларида булутларнинг ҳосил бўлиши ён бағирларнинг нам ҳаво оқимларига нисбатан қандай жойлашганлиги катта аҳамиятга эга. Тяньшань тоғлари этакларининг шимолий ён бағирида январда булутли кунларнинг умумий булутлик бўйича такрорланиши 65 % га етади, жанубда ён бағирларда эса у 55 % гача камаяди. Фарғона водийси ва Сурхандарё ҳавзасида

эса 53 – 63 % ўртасида ўзгариб туради. Пастки қатлам булутлик бўйича такрорланиш 30 – 40 % ни ташкил этади.

Июль ойи тоғ олдиларида кам булутли барқарор об-ҳаво кузатилади: умумий булутлик бўйича такрорланиш 2 % (Сурхандарё) дан 20 – 23 гача (Фарғона водийси) ўзгариб туради, пастки қатлам булутлик бўйича бу ўзгариш 0,1 – 9 % ни ташкил этади. Тоғда булутлик ва очиқ кунлар сони тоғ олди зонасида деярли фарқ қилмайди.

Атмосфера ёғинлари минтақадаги барча дарёларни сув билан таъминлаб турадиган деярли чғона манба ҳисобланади ва маълум даражада табиий ландшафтлар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги и.ч. хусусиятини белгилайдиган жараёндир. Ёғингарчиликнинг Ўзбекистон ҳудудида тақсимланиши унинг географик жойлашуви, рельефи ва атмосфера циркуляциясига боғлиқ. Ёғиннинг асосий қисм Атлантика океанидан келадиган ҳаво массалари билан бирга келади. Орол денгизининг намлик ошишига таъсири фақат соҳил қисмигагина тарқалади ва кейинги ўн йилликларда денгиз акваторияси кичрайиши билан янада камайиб кетади.

Текисликларнинг катта қисмида, айниқса, ғарбий ҳудудларда, қурғоқчилик кузатилади. Йил давомида бу ерда ёғин миқдори ўрта ҳисобда 80 – 250 мм. Тоғда олдида эса 180 – 500 мм. Тоғда ёғингарчилик янада кўпроқ. Ғарбий Тяньшанда шамолга рўпара бўлган ён бағирларнинг юқори қисмида 200 мм дан зиёд. Зарафшон тоғ тизмасининг шамолга қараган қияликларда (Омонқўтон станцияси) ёғин 960 мм ни ташкил этади.

Текисликларда ёғинли кунлар сони йилда ўртача 35 – 60 кун, тоғ олди ҳудудлар ва тоғларда эса 70 – 90 кун бўлади. Кучли ёғингарчилик камдан-кам кузатилади. Текисликларда суткасига 20 мм дан кўп ёғин ёққан ҳоллар ҳар йили бўлмайди, тоғларда бундай кунлар сони 10 15 тага етади. Ёғингарчиликнинг муҳим белгиларидан бири уларнинг йил давомида тақсимланишидир. Энг кўп ёғингарчилик март – апрель ойларига, энг ками эса ёз ойларига тўғри келади. Ёғин (ёмғир) йилнинг ҳар бир фаслида ёғиши мумкин, аммо тоғда баландликка кўтарилган сари ёмғир камайиб, қор миқдори

кўпаяди. Қор текисликларда ва тоғ олдиларда октябрдан апрелгача, жанубда ноябрдан мартгача, тоғда 1000 м дан юқорида октябрдан майгача ёғиши мумкин.

Текисликларда қор қоплами одатда ноябрь охирларида, жанубий ҳудудларда эса декабрнинг учинчи 10 кунлигида ҳосил бўлади. Аммо барқарор (бир ой давомида эримайдиган) қор қоплами фақат Устюртда ва тоғли ҳудудларда кузатиш мумкин. Шимолий ҳудудларда барқарор қор қоплами кундан, тоғда 100 кундан ошади. Текисликларда қор қопламламининг ўртача қалинлиги 4 – 8 см, энг кўпи 30 см, тоғли ҳудудларда эса 60 см дан зиёд ва баъзан 1,5 – 2 м ни ташкил этади. Қор қопламининг ҳосил бўлиши ва унинг эриш муддати йилдан-йилга кескин фарқ қилади.

Шамол режими хилма-хил бўлиб, бевосита жойнинг рельефига боғлиқ. Текисликларда қишда кўпинча шимолий ва шимоли-шарқий, ёзда шимоли-ғарбий шамоллар эсади. Уларнинг ўртача тезлиги, 3 – 4 м/сек.дан ошмайди. Фақат шимоли-ғарбда – Орол денгизи атрофида 5 м/сек. га етади. Кўклам ойларида йилнинг бошқа фаслларида нисбатан шамол кучлироқ бўлади.

Кучли шамол (тезлиги 15 м/сек.дан ортиқ) ўзига хос рельефли маълум жойлардагина содир бўлади. Текисликларда кучли шамоллар тез-тез такрорланиб турадиган жой. Қизилқумнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда ботиқлар ва унча баланд бўлмаган тепаликлар энсиз йўлақлар ҳосил қилади. Масалан, Томди метеостанциясида кучли шамол эсадиган кунлар сони 30 кундан ошади. Қизилқумда эса 85 кунга етади. Бу ерларда шамолнинг тезлиги 45 – 50 м/сек.ни ташкил этади. Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда, асосан, шарқий ва шимоли-шарқий шамоллар эсади. Бу ерлар йилнинг иссиқ фаслларида, асосан, тоғ-водий шамоллари таъсирида бўлиб, кундузи шамол дара ва ён бағирлар бўлиб пастдан юқorigа (водий шамоли), тунда эса юқоридан пастга(тоғ шамоли) қараб эсади. Қишда тоғ шамоли кўпроқ кузилади. Фарғона водийсида ҳам қиш кунлари, асосан, шарқдан юқоридан пастга қараб тоғ шамоли, ёзда эса жануби-ғарб ва ғарбдан водий шамоли эсади. Тоғ водийларида суткасига бир неча кун давомида кеча-кундуз юқоридан

пастга қараб эсган шамол тоғ-водий циркуляциясини бузиб юбориш ҳоллари ҳам тез-тез кузатилади. Бу шамолнинг тезлиги 3 – 5 м/сек.ни ташкил этади. Аммо унинг йўналишида тор йўлақлар мавжуд бўлса, кучли шамол даражасига етади. Баъзи бир алоҳида синоптик шароитларда ҳам кучли шамоллар ҳосил бўлиши мумкин. Термиз атрофида довул ва момоқолдроқ билан эсадиган шамол “Афғон шамоли”, Сирдарё воҳасидаги жануби-ғарбий ва ғарбий шамоллар “Жиззах шамоли” деб аталади.

Орол денгизининг куриб бориши антропоген омил таъсиридаги иқлим ўзгаришининг фожиали натижасидир. Кузатишларга кўра, денгиз сувнинг кескин камайиши, тубининг катта майдонларда очилиб қолиши ва иқлимнинг кенг қамровли исиши 100 – 150км ли соҳил зонасида ҳароратнинг ёзда қўшимча (1,5 гача) ошиши ва нисбий намликнинг 5 – 10 % камайишига сабаб бўлади.

Сўнгги 20 – 30 й. Давомида иқлимга бўлган антропоген таъсир глобал тус олмоқда. Инсоннинг ҳўжалик фаолияти таъсирида атмосферада “буғлатгич” газлар (CO_2 ва бош.) миқдори ортиб, атмосфера ҳарорати кўтарилиб бормоқда. Субтропик ва тропик кенгликларда бундай таъсир ҳали унчалик сезиларли даражада бўлмаса-да, Ўзбекистонда, айниқса, унинг шимолий ҳудудларда сўнгги йилларда кузатилаётган ҳароратнинг кўтарилиши фақат табиий тебранишлар натижаси бўлмай, балки глобал кўламдаги антропоген омиллар таъсири натижасидир.

3.3. Танланган материалларни асослаш.

Тикувчилик материалларидан рационал фойдалана олиш ва юқори сифатли кийим-кечак тикиш учун уларнинг ассортиментини, хусусиятларини ва сифатини яхши билиш зарур. Бундан ташқари, тикиш учун материалларни танлаш пайтида уларнинг тузилишини, олиш усулларини, уларга мос хоссаларини аниқлаш, сифатини баҳолаш усулларини ҳам билиш керак.

Ҳар бир либос ўз вазифасига эга. Шундан келиб чиққан ҳолатда унинг тикилиш услуби ҳамда матоси танланади. Кийим нафақат чиройли, бежирим кўринишга эга, балки шаклан қулай бўлмоғи лозим.

Газламаларнинг тузилишини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири ўрилиши бўлса, иккинчиси уларнинг зичлигидир. Одатда газламаларда танда бўйича зичлиги арқоқ бўйича зичлигига қараганда каттароқ бўлади.

Газламаларнинг технологик хосалари деганда уларни бичиш, тикиш ва хўллаш-дазмоллаш жараёнларида намоён бўладиган хоссалари тушинилади.

Газламаларнинг технологик хоссаларига қирқишга қаршилиги, сирпанувчанлиги, титилувчанлиги, ўйилувчанлиги, киришиши, хўллаб-дазмоллаш жараёнида шаклланувчанлиги, чокларда ипларнинг сурилувчанлиги киради.

Сийрак газламалардан тикилган кийим кийиб юрилганда чоклардаги иплар сурилиши мумкин. Одатда танага ёпишиб турадиган ва чўзувчи куч кўпроқ таъсир қиладиган чоклардаги иплар, яъни маказий орқа чокдаги, енг ўмизлари чокларидаги, бел витачкалари чокларидаги, тирсак чокларидаги, шимларнинг орқа чокларидаги иплар сурилади.

Чоклардаги ипларнинг сурилишига газламанинг зичлигидан ташқари, газлама тайёрланган ипларнинг хили, ўрилиш, чокларнинг йўналиши ҳам таъсир қилади. Газламанинг тузилишига қараб, иплар танда ва арқоқ йўналишида сурилиши мумкин. Чокларда ипларнинг сурилиши натижасида буюмнинг ташқи кўриниши бузилади ва чокларнинг пишиқлиги пасаяди.

Иплари осонгина суриладиган газламалардан танага ёпишиб турадиган(тор бичимли) кийимлар тикиш тавсия қилинмайди. Улардан имкони борича жилдли кийимлар тикиш керак.

Ипларнинг сурилишини камайтириш учун чоклар осон суриладиган ипларга нисбатан маълум бурчак остида бўлиши, чокни кенгрок олиш ва майда қавиқлар билан тикиш керак.

Жинси матоси: Пахта толасига киради. Пахта-ғўза деб аталадиган ўсимлик уруғидан (чигитини) қоплаб турадиган ингичка толалар бўлиб, ўрта толали пахта толасининг узунлиги 26 – 35мм, чизиқий зичлиги 0,17 – 0,22 текис узун толали пахта толасининг узунлиги 35 – 50 мм, чизиқий зичлиги 0,13 – 0,15 текис. Пахта толаси битта ўсимлик хужайрасидан ва учта қатламдан ташкил топган бўлади. Биринчи қатлами катикула деб аталади. Пахта толасининг ривожланиши икки давр ичида бўлиб ўтади. Биринчи давр ҳам иккинчи даври 25 – 30 кун довом этади. Биринчи даврда толалар бўйламасига ўсади, иккинчи даврда эса эса тола пишиб етилади. Толанинг пишган – пишмаганлиги унинг таркибидаги целлюлоза миқдори билан ифодаланади. Тола мутлақо пишган бўлса, бу коефисиент 1,05 га энг пишган тола 5 га тенг. Ҳамма толалар пишганлиги жихатидан 11 та гуруҳга бўлинади. Толалар пишган сари деворида целлюлоза миқдори кўпаяди. Тола қанчалик узун бўлса, шунча кўп бўлади. Агар толанинг 1см узунлиги 70 – 120 буралиши бўлса, бундай тола юқори сифат кўрсаткичларига эга. Пишмаган толаларда бурилиши бетартиб жойлашган бўлади. Пахта толасининг афзаллиги иссиқликни ҳам ўтқазади, турли бўёқларда яхши бўялади, ишқор ва бошқа кимёвий моддалар таъсирида бузилмайди, ишқаланиш ва бошқа кимёвий моддалар таъсирида бузилмайди, ишқаланиш ва чизилишга чидамли бўлади. Қаттиқ совуқ кунларда ҳам жинси курткалардан воз кечмайдиганлар учун қишки услуб таклиф қилинмоқда: Трикотаж асосли денимга энгил суний мех қопланмоқда. Агар денимга лайкра аралашган бўлса, у ҳолда газлама бутунлай эластик бўлади. Шундай қилиб, кенггина спорт курткаларида

ихчам жакет ва блузкаларга ўтиш имкони бўлади. Бугунги кунга келиб, жинсининг бир тури шамбрий яна оммалашмоқда. Бу газлама янада тақомиллашган бўлиб, жинси кўринишидаги поппен кабидир. Асосига кўк ва оқ ранглар алмашиб келиши натижасида жуда майда фил-а-фил номли кўриниш ҳосил бўлади. Худди шамбри газламасидан кўйлак, юбка, кофта, айниқса болалар кийимлари кўп тикилади. Деним ва шамбри бугунги кунда тоза пахта матоси эмас, балки пахта ва полистрин, жун, вискоза ва полиамиддан қўшиб пахта ва ипакдан викога полистр билан жунполитропиленда ва замонавий синтетик толалардан тайёрланмоқда. Янги газламалар енгил ва мустаҳкам драппирофкаланади, лекин бозорда улар Табиий толали газламалардан устун бўла олмайди.

Трикотаж: Хозир трикотаж газламаларини асортименти ниҳоятда хилмаҳилдир. Шунинг учун трикотаж буюмларига талаб катта. Трикотаж буюмлари оммалашиб бораётканлиги учун келгусида трикотаж тармоғини ривожлантириши ва асортиментини кенгайтириш кенг йўлга қўйилмоқда. Трикотаж маҳсулотларининг асосий қисмини халқ истемол моллари ташкил этади. Унинг ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан бошқа тўқмачилик маҳсулотларидан ажралиб туришлиги барчамизга маълумдир. Турли-туман трикотаж матоларидан тайёрланган кийимлар, палтоллар, эркак ва аёллар костюмлари, спорт анжомлари, нозик, майин ва шаффоф ички трикотаж буюмлари, сунъий мўйна, пайпоқ маҳсулотларининг барчаси трикотаж технологияси маҳсулотидир. Трикотажда унинг ранги ва ип аркоги билан бошланади. Турли йиғириш турлари ва тўқиш хилма-хиллиги трикотаж кийимнинг модели характерини белгилайди. Трикотаж газламалар пахта толали газламалардан, жун газлама, тоза жун, ярим жун, штапел, сунъий ва синтетик толалардан ишлаб чиқарилади. Табиийки, бизнинг иқлим шароитимизга пахта толали трикотажга бўлган талаб катта. Пахта толали трикотаж газламаси турмушда ҳамма вақт зарур ва кенг ишлатилувчи газлама ҳисобланилади. Чунки уларнинг техник шартларга оид ҳужжатлар ва стандартларда келтирилган.

Кам чизиладиган, шакл сақловчан трикотаж палтодан конструкциялашдаги деталларнинг конструктив ечими тўқима газламалардан тайёрланган буюмлар конструктив ечимига ўхшашдир. Катта чозилувчанликка эга бўлган трикотаж полотно буюмини лойҳалашда полотно қайишқоқлиги туфайли, маълум даражада чўзилгани учун буюм танага ёпишиб туради. Трикотаж буюмларини лойҳалашда ва моделлаштиришда полотнолар хили ҳамда ранглариининг кўплиги бадий ифодага эга бўлган буюмларни яратишга кенг имконият беради. Битта моделда ҳар хил полотноларни ишлатиб эстетик жиҳатдан ифодали натижага эришиш мумкин. Модел яратишда полотнонинг кўриниши, тузилиши, хусусиятлари ва буюмнинг вазифаси ҳисобга олинади.

Трикотаж буюмларда тўғри ёпишган ва трапециясимон кенгайтирилган силуэтлар кенг тарқалган. Трикотажнинг деформация хусусиятлари кўкрак чизиғи бўйича олинadиган текислик қўшимчасини аниқлашда ҳисобга олинади. Трикотаж буюмларининг 60 фоизи бичилган ҳолда тайёрланади, шу боис қуйида фақат уларга оид конструктив хусусиятлар келтирилган. Трикотаж буюмларини конструкциялаш ва моделлаштириш жараёнида чўзулувчанлик, киришувчанлик, егилувчанлик ҳамда технологик ишлов беришда аҳамиятли хусусиятлар эътиборга олинади. Трикотаж буюмларининг конструктив ечими полотнонинг чўзулувчанлик даражаси билан боғлиқ. Трикотаж полотнолар чўзилувчанлик ва деформатсизга мойиллик даражаси бўйича ҳамда дастлабки ҳолати хусусияти ҳисобга олинган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Тасниф бўйича трикотаж полотнолар уч гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳга чизиладиган трикотаж полотнолар киради, иккинчи гуруҳга ўртача чўзилувчанликка эга полотнолар, учинчи гуруҳга эса осон чўзиладиган полотнолар киради. Трикотаж буюмлари буюмларини конструкциялашда бу маълумотлар асосий восита ҳисобланади. Трикотаж полотнонинг чўзилувчанлиги ҳисобга оладиган текислик қўшимчасининг қиймати корхонада амал қилнадиган умумий техник шартларга оид хужжатлар ва стандартларда

келтирилган. Кам чизилган, шакл сақловчан трикотаж полотнодан конструкцияланган деталарнинг конструктив ечими тўқима газламалардан тайёрланган буюмлар конструктив ечимга ўхшашидир. Катта чўзилувчанликка эга бўлган трикотаж полотно буюмини лойихалашда полотно қийшиқлиги туфайли, маълум даражада чўзилгани учун буюм танага ёпишиб туради. Юқорида такидлаганимиздек трикотаж буюмларда тўғри ёпишган ва трапетсиясимон кенгайтирилган силуетлар кенг тарқалган. Трикотажнинг деформатсимон хусусиятлари кўкрак чизиғи бўйича олинган тўқислик қўшимчасини аниқлашда ҳисобга олинади. Унинг қиймати газламали буюмларникидан кичикроқдир. Ҳозирги пайтда трикотаж буюмлар ассортименти учун умумий тўқислик қиймати амалий тажрибалар асосида аниқланган.

Аралаш толали матолар. Маълумки, матолар табиий, сунъий ва синтетик толалиларга бўлинади. Табиий матолар табиатда мавжуд бўлган толалардан, яъни пахта, жун, ипак, зиғир, тошпахта-асбестдан таркиб топади. Сунъий матолар сунъий йўл билан олинган толарадан ҳосил қилинади (бундай толага ёғочдан олинадиган вискозани мисол қилиб келтириш мумкин). Синтетик матолар турли полимерлардан ҳосил қилинган иплардан яратилади.

Таркиби жихатидан бир хил бўлган матолардан ташқари аралаш толали матолар ҳам ишлаб чиқарилади [6].

Аралаш толали матолар табиий ва синтетик толаларни аралашувидан ҳосил қилинади. Аниқроғи, бундай матоларни турли толалардан таркиб топган иплардан тайёрланади. Аралаш толали матолар ассортименти жуда кенг бўлиб, унга ташқи кўриниши бўйича жун, зиғир, пахта толали матоларга ўхшаш костюмбоп ва кўйлакбоп матолар ҳамда сирти читдан тортиб шойигача ва жун матога ўхшатиб ишланган турлича плашбоп матолар киради.

Бунда толаларнинг процент ҳисобидаги миқдори тайёр бўлган матонинг хусусиятларини белгилаб беради. Аралаш толали матоларнинг гигиенабоплик даражаси турлича, уларнинг аксарияти етарлича пишиқ ва кам ғижимланувчан,

шакл ушлаш хусусияти яхши, осон ювилади ва дазмолланади.

Кўпинча аралаш толали матолар таркибига табиий тола ва синтетик толалар киради. Табиий тола гигиеник хоссаларнинг яхшиланишига жавоб берса, синтетик толалар эксплуатацион хоссаларни яхшилади. Натижада кўпга чидайдиган, пишиқ ва мустаҳкам, сирти турли визуал эффектлар билан бойитилган мато ҳосил бўлади [39].

Демак, **аралаш толали матолар** – бу матога қўшимча физик-механик, эксплуатацион ва эстетик хоссаларни бағишлаш мақсадида олиниш ва таркиби турлича бўлган тола ва иплардан ҳосил бўлган матолар [9].

Табиий ва синтетик толаларнинг бирикмаси, матони ҳосил қилиш тури, ипларнинг йиғирилиш усули, танда ипининг тури ва таркибидан келиб чиқиб турли хоссалар йиғиндисига эга бўлган матоларнинг модификациясини ҳосил қилиш мумкин.

Аралаш толали матоларнинг турлари, хоссалари, қўлланилиши.

Ишлаб чиқарилишининг ўзига хослиги сабабли аралаш матолар кам киришдаи, осон тозаланади, деярли ғижимланмайди, дастлаб берилган шаклни йўқотмайди, рангининг тўйинганлик даражасини йўқотмайди ва оқармайди, яхши ҳаво ўтказувчанлик, гигроскопиклик ва юқори пишиқликка эга бўлади. Инсон терисига тактил таъсири ёқимлидир.

Мато таркибига кирувчи синтетик толалар ёрқин ранглар ва мураккаб ранг уйғунликлари қўлланган маҳсулотни ишлаб чиқаришга имкон беради.

Аралаш толали матолар устки кийимларда, махсус ва иш кийимларида ҳам кенг ишлатилади. Аксарият ҳолларда уларни махсус кийим тикишда қўллашади.

Ўзидан сувни итарадиган, ҳаво ўтказадиган, териға нафас олиш имконини берадиган, об-ҳавонинг ножўя таъсиридан ҳимоя қиладиган хусусиятли матолардан овчи ва балиқчилар, велосепед пойгачилари ва туристлар учун кийим тикилади.

Аралаш толали матоларнинг баъзилари қаттиқ совуққа чидамли бўлгани учун улардан устки кийимлар тикилади.

Сиртига кир юктирмайдиган хоссаси афзалроқ бўлган аралаш толали матолар умумий овқатланиш жойларида ишлайдиганлар, меҳмонхоналардаги персонал, тиббий муассаса ва лабораториялар ходимлари, ҳарбийлар учун кийимлар тикишда ишлатилади. Яна бундай матони кундалик кийишга мўлжалланган халат, комбинезон, блузаларни тикишда қўллашади.

Табиий толаси кўпроқ бўлган таркибдаги матолар авиация соҳасидаги ходимлар учун кийимлар ҳамда кундалик маиший либослар тикилади.

Оловбардош қатлам қўшилган аралаш толали матолардан нефть-газ ва энергетика соҳаси ходимлари учун махсус кийимлар, синтетикаси кўпроқ бўлганларидан эса металл эритувчилар, қурувчилар ва тиббиёт ходимлари учун махсус кийимлар тикилади [37,39].

Таслан. Полиамид толали ипларнинг махсус ўзига хос ва ноанъанавий тарзда ўрилишидан ҳосил бўлган мато бўлиб, унинг сирти ўзидан сувни итарадиган юпка ва енгил қатлам билан қопланган. Бу қоплама қатлам мато сиртини сувдан ва лой билан кирланишдан асрабгина қолмай, балки ўзидан ҳаво ҳам ўтказиши. Таслан енгил ва ёқимли материал бўлиб, ультрафиолет нурларига чидамли ҳамда кўп вақт давомида ўзининг рангини сақлайди. Унинг пишиқлигини ошириш мақсадида арқоқ ва танда ипларига махсус қармоқ ипи-леска қўшилган. Тасландан кундалик ва устки кийимлар, курткалар, спорт билан шуғулланиш ва фаол дам олишга мўлжалланган кийимлар тикилади. Ундан ташқари таслан парда, штора, мебель қопламаларини тикиш учун ҳам қўлланилади.


Бондинг. Бу мато ҳам икки қаватли бўлиб, полиэстер ва пахта толали қатламлардан иборат. Бунинг натижасида эгилувчан, эластик шу билан бирга иссиқликни сақловчи ҳамда ёмғирдан ҳимоя этувчи мато пайдо бўлади. Бондинг асосан бош кийимларни тайёрлашда қўлланилади [37,39]. **ТиСи.** Бу матонинг асоси пахта толасидир, шунинг учун ТиСининг гигиеник хоссалари, айниқса, гироскопиклиги ва ҳаво ўтказувчанлиги юқори. Терини безовта қилмагани ва аллергияни деярли қўзитмагани сабабли ходимлари кун давомида фаоли иш қиладиган муассасаларда ишчи махсус кийимларда ишлатилади.

Ундан тикилган буюмлар чўзилиш, бузилиш ва узилишларга чидамли. Улар осон ювилади, бир зумда қурийд, бўёғининг рангини узоқ сақлайди, кам ғижимланади. Шунинг учун оммавий ҳордиқ ва вақтичоғликлар соҳаси персонали, кимёвий лаборатория ишчилари (лаборантлар, кимёгарлар ва б.), қўриқлаш хизматчилари учун кийим тикишда қўлланилади [37,39].

Тафетта. Асосан полиэстер толасидан таркиб топган бўлиб, ялтироқлигини полиэстер қўшиб эшилган нейлон иплари таъминлайди. **Дюспо.** Толавий таркибининг асосини полиэстер толалари ташкил этади. Бу газлама юмшоқ ва енгил, зич ва мустаҳкам. Унинг зичлиги кучайтирилган. Ичкарасидан намликни итарувчи қатлами, ташқи сиртидан шамол ва чангдан ҳимоя қилувчи қатлами мавжуд. Шунга қарамай, ҳаво ўтказувчанлик хусусияти камаймаган. Бу турдаги мато уч хил тоифада бўлади: 1. Дюспо Сире – ушлаб кўрганда ўта юмшоқ, сирти ялтироқ бўёқ билан ишлов берилган, лекин “ғичирламайдиган” мато. 2. Трикотаж асосли Дюспо –икки қаватли материал. Ўнги - плашлик ва тескариси - трикотаж қатламларидан иборат. Қатламлар махсус шимдирилган эритма ёрдамида ўзаро бириктирилган. Бу каби текстуралари турлича бўлган матоларнинг бирикиши унга зичлик ва мустаҳкамлик бахш этади. Бунда матонинг иссиқликни сақловчи хоссаси ҳам ортади, ҳар бир қатламнинг ўзига хос индивидуал кўрсаткичлари сақланиб қолади. 3. Рей Дюспо – полиэстер толавий таркибга эга бўлиб, сиртининг садаф каби (перламутр) ялтироқлиги билан фарқланади. Дюсполардан устки кийимлар (куртка, плаш, пуховиклар), катталар ва болалар кийими, спорт костюмлари тикилади.

НС матолари. Бу матонинг таркибини унинг номидан билиб олиш мумкин. НС – бу матони ташкил этувчи толалар инглизча номининг биринчи ҳарфларидир, яъни нейлон ва коттон (пахта толаси). Бу толалар ўзаро матода бирикиши натижасида ҳар иккала толага хос бўлган хусусиятлар намоён бўлади [37,39].












3.5. Конфекцион хариталар

Вазифаси	Намунаси
Асосий мато	
Астарлик	
Бириктирувчилар	
Қотирма	



Конфекцион харита

Вазифаси	Намунаси
Асосий мато	
Астарлик	
Бириктирувчилар	
Қотирма	



Конфекцион харита

Вазифаси	Намунаси
Асосий мато	
Астарлик	
Бириктирувчилар	
Қотирма	

Конфекцион харита

Вазифаси	Намунаси
Асосий мато	
Астарлик	
Бириктирувчилар	
Қотирма	

Конфекцион харита

Вазифаси	Намунаси
Асосий мато	
Астарлик	
Бириктирувчилар	
Қотирма	

3.6. Моделлар ҳажмий-фазовий шаклини ҳосил қилишни асослаш

Дизайн-лойиҳада таклиф этилган либос моделлари эркаклар учун мўлжалланган ва шакли мураккаб бўлмаганлиги учун уларнинг фазовий шаклини қуриш конструкциялаш жараёнидан иборат бўлди.

Бунда аввал дастлабки маълумотлар олинди, ҳисоблашлар бажарилиб, ўзак чизманинг базис сеткаси устида кийим конструкциясининг асос чизмаси тузилди. Ундан сўнг ҳар бир модель учун моделлаштириш ишлари бажарилди.

Эркаклар шимининг конструкциясини қуриш. Эркак шимининг тури ва шакли хилма-хилдир. Шим силуэти бел чизиғи, ён чизиқлар ва шим почаси чизиқлари билан чегараланган. Шим пропорциялари кўп жиҳатдан бел чизиғини ҳолати ва шим почасининг узунлигига боғлиқ. Шимда қуйидаги конструктив чизиқлар белгиланган: бел чизиғи, шим почаси учининг чизиғи, ён чизиқлар, одим чизиқлари, ўрта чизиқ.

Эркаклар шимининг ўзак чизмасини қуриш учун керак бўладиган гавда ўлчамлари келтирилган. Жадвалнинг учинчи устунда мисол қилиб бўйи 170 см, кўкрак айланаси 100,0 см, бел айланаси 88,0 см га тенг бўлган гавда ўлчамлари келтирилган.

Шим чизмасини қуриш учун керак бўладиган гавда ўлчамлари.

Шартли белгиси	Ўлчам номи	Ўлчам қиймати, см
ЯА _{БЛ}	Бел ярим айланаси	44,0
ЯА _Б	Бўкса ярим айланаси	51,0
У _{Т-Н}	Бел чизиғидан тизза чизиғигача узунлик	58,1
У _Ш	Шим узунлиги	98,0

Ундан ташқари асосий гавда ўлчамларига қўшиладиган $K_{БЛ}$, $K_{Б}$ қўшимча миқдорлари танланади.

Шим чизмаси базис тўри ўзаро перпендикуляр кесишувчи учта вертикал ва бешта горизонтал чизиқлардан иборат. Шим асосининг базис тўрини қуриш иловадаги -расмда кўрсатилган.

T_0 нуқтасидан ўтказилган вертикал чизиқда қуйидаги горизонтал чизиқларнинг ҳолатини белгиловчи кесмалар аниқланади:

$T_0H_0 = УШ$ – шим почаси учини, шим узунлиги даражаси;

$T_0K_0 = УТ-Н$ – тизза чизиғи даражаси;

$T_0Я_1 = 0,5 \times ЯА_Б$ ёки $T_0Я_1 = Б_{ўТ.С}$ – ўтириш сатҳининг баландлигини белгиловчи чизиқ даражаси;

$Я_1Б_1 = 1/3 T_0Я_1$ – бўкса чизиғи даражаси;

$T_0T_{01} = 0,1 (ЯА_Б - ЯА_{БЛ})$.

$T_{01}, Б_1, Я_1, K_0, H_0$ нуқталари орқали горизонтал чизиқлар ўтказилади.

Бўкса чизиғи бўйлаб шим олд бўлаги кенглигини $Б_1Б_2$ кесмаси белгилайди.

Ўтириш сатҳи чизиғи бўйлаб шим олд бўлаги кенглигини $Я_1Я_3$ кесмаси белгилайди. Бу кесмани ташкил этувчи $Я_2Я_3$ кесмаси олд бўлак одим кенглигидир. Шим олд бўлаги марказий бўйлама букланиш чизиғи ҳолатини $Я$ нуқтаси белгилайди. $Я$ нуқтасидан вертикал чизиқ ўтказилади ва $T, Б, K, H$ нуқталари аниқланади.

Елкада турувчи эркаклар кийимини конструкциялаш. Эркаклар елкада турувчи маиший устки кийимларига кўйлак, асос(жилет), пиджак, куртка, плашч, пальто; шунингдек, нисбатан кам кийиладиган блузон, сюртук, фрак ва шу кабилар киради. Елкада турувчи ўтказма енгли кийим чизмасини қуриш ягона базис тўрда бажарилган олд ва орт бўлақлар чизмасини қуришдан бошланади. Енг ва ёқа чизмалари кейинроқ олд ва орт бўлак чизмаларига боғланиб тузилади.

Эркаклар нимчаси конструкциясини қуриш.

Дастлабки маълумотлар. Эркаклар нимчасининг конструкцияси ўтказма енгли елкада турувчи кийимлар учун тузилган ўзак чизма асосида қурилади.

23-

жадвалда конструкция асосининг чизмасини қуриш учун керак бўладиган гавда ўлчамлари келтирилган. Жадвалнинг охириги устунисида 170–100–88

ўлчамга мос (яъни бўйи 170 см, кўкрак айланаси 100 см, бел айланаси 88 см га тенг) гавданинг ўлчовлари мисол тариқасида келтирилган.

Конструкция чизмасини қуриш учун - жадваллардан қўшимчалар танланади.

$$K_K = 6,7 \text{ см}$$

$$K_{\text{ўм.ч}} = 2,5 \text{ см}$$

$$K_B = 4,0 \text{ см}$$

$$K_{\text{ор.у.}} = 0,7 \text{ см}$$

$$K_{K.ор} = 1,5 \text{ см}$$

$$K_{\text{ол.у.}} = 0,8 \text{ см}$$

Елкада турувчи эркаклар кийими чизмасини қуриш учун керак бўладиган гавда ўлчамлари.

Ўлчов шартли белгиси	Ўлчов номи	Ўлчов киймати, см
ЯА _{БН}	Бўйин ярим айланаси	20,3
ЯА _{К1}	Кўкрак ярим айланаси, биринчиси	51,0
ЯА _{К2}	Кўкрак ярим айланаси, иккинчиси	52,0
ЯА _{К3}	Кўкрак ярим айланаси, учинчиси	51,0
ЯА _{БЛ}	Бел ярим айланаси	44,0
ЯА _Б	Бўкса ярим айланаси, қорин туртиғини ҳисобга олган ҳолда	51,6
К _К	Кўкрак кенглиги	19,0
У _{ор.б}	Орқанинг белгача узунлиги	47,3
У _{ол.б}	Гавда олд қисмининг белгача узунлиги	46,1
Б _{ор.ўм.}	Орт бўлак енг ўмизининг	24,9

	баландлиги	
B_{EK}	Елканинг қиялама баландлиги	46,8
K_O	Орқа кенглиги	20,4
K_E	Елка кенглиги	15,3
$Y_{кий}$	Кийим узунлиги	Модел бўйича

Базис тўр ва конструкциясининг асос чизмаси қурилганидан сўнг асосконструкцияси чизмаси қурилади.

Эркаklar нимчаси конструкциясини қуришнинг давоми 5.5.-расмда кўрсатилган.

Нимчанинг белга ёпишиб туриши бел чизигидаги қўшимча витачка ҳисобига эришилади.

A нуктадан орт бўлак ўрта чизиги бўйлаб асосузунлиги ўлчанади ва H_1 нукта топилади: $AH_1 = Y_H$

Кўпинча нимчанинг орт бўлагидаги ёқа ўмизи кенглиги ва чуқурлиги бўйлаб катталаштирилади:

$$A_2A_{21} = 1,0 \dots 1,5 \text{ см};$$

$$A A_{11} = 0,7 \dots 1,5 \text{ см}$$

$A_2 A_{21}$ кесмаси елка чизиги бўйлаб ўнгга, AA_{11} кесмаси эса орт бўлак ўрта чизиги бўйлаб пастга қўйилади.

A_2A_1 чизигига параллел A_2A_{12} чизиги, AA_1 чизигига параллел $A_{12} A_{11}$ чизиги ўтказилади.

A_{41} нуктасидан олд бўлак елка чизиги бўйлаб чапга $A_{41}A_{42}$ кесмаси ўлчанади: $A_{41}A_{42} = A_2A_{21}$

Асосўтар чизигида тақилма чети холатини белгиловчи $\Gamma_3\Gamma_{31}$ кесма ўлчанади. Γ_3 нукта a_1 вертикалида модель бўйича жойлаштирилади.

$\Gamma_3\Gamma_{31}$ – модель бўйича.

A_{42} ва Γ_{31} нуқталари силлиқ эгри чизиқ билан туташтирилиб, асостақилмаси чет чизиғига уланиб кетувчи олд бўлак ёқа ўмизи чизиғи ҳосил қилинади.

Нимчанинг елка кенглиги бошқа елкада турувчи кийимларга қараганда кичикроқ. Шунинг учун нимчанинг олд ва орт бўлакларида елка чизиғи бўйлаб $ПП_{01}$ ва $П_5П_{05}$ кесмалари қўйилади:

$$ПП_{01} = П_5П_{05} = (1 / 3 \dots 1 / 4) \times K_E$$

Асосенг ўмизи чизиғини яшаш учун катор ёрдамчи нуқталар аниқланади. Γ_1 ва Γ_2 нуқталаридан мос равишда чапга ва ўнгга горизонтал бўйича $\Gamma_1\Gamma_{11}$ ва $\Gamma_2\Gamma_{12}$ кесмалари ўлчанади: $\Gamma_1\Gamma_{11} = \Gamma_2\Gamma_{12} = 2,0 \dots 3,5 \text{ см}$ (ёки модел бўйича).

Γ_{11} ва Γ_{12} нуқталаридан юқорига вертикал чизиқлар чиқарамиз. У нуқтадан ўтган горизонтал чизиқ билан кесишиш нуқталарини мос равишда $П_1$ ва $П_2$ деб номлаймиз.

$П_1\Gamma_{11}\Gamma_1$ ва $П_2\Gamma_{12}\Gamma_2$ бурчакларнинг биссектрисаси ўтказилади, сўнг шу биссектрисаларда мос равишда $\Gamma_{11}1$ (ўнг томонда) ва $\Gamma_{12}2$ (чап томонда) кесмалари ўлчанади:

$$\Gamma_{11}1 = 4,0 \dots 5,5 \text{ см}$$

$$\Gamma_{12}2 = 3,0 \dots 4,5 \text{ см}$$

Енг ўмизи чизиғи Γ нуқта орқали ўтган горизонтал билан Γ_8 нуқтада уринади: $\Gamma_{11}\Gamma_8 = 0,5 \Gamma_{11}\Gamma_{12} + 1,0 \text{ см}$.

Асос енг ўмизи чизиғини $П_{01}$, $П_1$, 1 , Γ_8 , 2 , $П_{05}$ нуқталарини кетма-кет силлиқ эгри чизиқ билан туташтириб ҳосил қиламиз.

Бел чизиғидаги орт бўлак витачкаси марказини T_7 нуқтаси аниқлайди.

$TT_7 = 0,5 \Gamma\Gamma_1$ ёки модел бўйича витачка кенглиги $1,0 \dots 2,0 \text{ см}$. У T_7 нуқтанинг икки томонида баробар тақсимланади. Витачка узунлиги –модел бўйича, йўналиши - орт бўлак ўрта чизиғига параллел.


Ён чизиғи кўпинча олд бўлак томонга сурилган бўлади:


$$\Gamma_8\Gamma_9 = 1,5 \dots 2,0 \text{ см} \text{ ёки модел бўйича.}$$


Ён чизик бўйича белга ёпишиб туриш даражаси T_3T_4 ни T_2 нуқтага нисбатан симметрик тақсимланади : $T_3T_4 = 2.0...3,0\text{см}$


Ён чизик G_9, T_4, H_2 ва G_9, T_3, H_2 нуқталари орқали ясалади.


Моделга кўра бел чизиғи бўйича витачка бир нечта бўлиши мумкин. Бу витачкалар кенгликлари йиғиндиси қуйидаги айирма натижасида аниқланади (бу ҳол бел чизиғи бўйлаб ўта ёпишиб турувчи модел учун ўринли): $(YA_{K3} + K_K) - (YA_{БЛ})$. Кийимдаги этак чизиғи модел бўйича ясалади.





























Начертание детали




Замок
гунток.



Нарисован
Э. М. С. В.



коэффициент
эффективности



"Здание
органов"

ХУЛОСА

Либос лойиҳалаш ва уни тайёрлаш бадий, техник ва ижтимоий масалларнинг ечимини ўз ичига олувчи комплекс, мураккаб жараён эканлигидан келиб чиқиб олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, эркаklar рационал гардеробини ташкил этувчи учун Ўзбекистоннинг баҳор-куз мавсумига мўлжалланган кийим моделлари яратишнинг илмий тизимини ишлаб чиқишга эҳтиёж катта. Чунки эркаklar учун рационал гардеробни ташкил этувчи кийим моделлари ўзига хос жихатли ассортимент сифатида алоҳида ва салоҳиятли ўрин эгаллайди.

Ушбу магистрлик диссертациясида эркаklarнинг рационал гардеробини ташкил этувчи омиллар тадқиқ этилди. Уларнинг назарий ва амалий жихатлари ўрганиб чиқилди. Шу нуқтаи назардан эркаklar учун рационал гардеробини ташкил этувчи кийим моделларини яратиш тизимини шакллантириш учун маълумотлар йиғилди.

Мазкур жараёнга нисбатан янгича, технологик ёндошувнинг қарор топиши, модельерлик фаолиятини жараёнида биргаликда олиб боришда унинг моҳияти, ижтимоий аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, ижодий лойиҳанинг сифат кўрсаткичига қўйилувчи талабалар борасидаги назарий ва амалий билимларни тарғиб этишда янги технологиялардан фойдаланиш сўз юритилаётган муаммонинг ижобий ечимини топишга имкон беради.

Танланган мавзу юзасидан турли либос моделлари тадқиқ этилди. Ўзбекистонда янги бўлган деярли ҳали ишлатилмаган модел коллекцияси яратиш давомида турли таклифлардан келиб чиқиб бугунги кун либосларга бўлган талаби ўрганилди. Шу билан бир қаторда бугунги кунда жаҳон миқёсида шу услубда иш олиб бораётган дизайнерлар ижоди ўрганилди.

Умуман олганда, таклиф этилётган моделлар оригинал ишланиши билан ажралиб туради. Уларни “Люкс” категориясидаги прет-а-порте кийимлари синфига киритиш мумкин. Ўтказилган тажриба-синов натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, либос лойиҳаларини ишлаб чиқаришдаги тадбиқ этишда нафақат илғор технологияларидан, балки креатив

моделларнинг ана шу ишлаб чиқаришга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини исботлайди.

Тадқиқотнинг умумий яқунлари, шунингдек, тажриба-синов ишлари натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Методик ҳамда мутахассислик бўйича адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида эркаклар учун рационал гардеробини ташкил этувчи кийим моделларини яратиш тизими шакллантирилди.
2. Эркаклар учун рационал гардеробини ташкил этувчи кийим моделларини либосларга бўлган истъеъмолчилар эҳтиёжини ўрганиш ва шаклини ўзгартирувчи либослар яратишга бўлган талаблар ишлаб чиқилди.
3. Эркаклар учун рационал гардеробини ташкил этувчи кийим моделларини яратишнинг дизайнерлик асосини илмий таҳлил қилиш ва уни амалий тадбиқ йўллари ишлаб чиқилди.
4. Эркаклар учун рационал гардеробини ташкил этувчи кийим моделларини либос моделлари термасининг дизайн-лойиҳасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қарори Тошкент шаҳри, 2017 йил 31 май
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараккиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 326 б.
3. “О мерах по ускорению развития сферы услуг и сервиса в Республике Узбекистан в 2006-2010 гг.” Постановление Президента Республики Узбекистан от 17 апреля 2006 года за №ПП-325.
4. Даль В.
5. Зайцев В. Такая изменчивая мода. М., 1980, - С.11.
6. «Лабораторный практикум по материаловедению швейного производства» Б.А.Бузов Москва. «Легкая индустрия» 1979 г.
7. «Материалшунослик». Электрон дарслик. ТТЕСИ. Аббасова Н.Г. Махкамова Ш.М. Тошкент. 2005й.
8. Men's Catwalk Trends. www.widemediacom.com
9. Бастрова Т.Ю. Концепция дизайна одежды.
10. Бердник Т.О. Основы художественного проектирования одежды и эскизной графики. Ростов-на-Дону, “Феникс”, 2001 г.
11. Бердник Т.О., Неклюдова Т.П. Дизайн костюма. Ростов н/Д: издательство “Феникс”, 2000. – 448 с.
12. Горина Г.С. Моделирование формы одежды. М., “Легкая и пищевая промышленность”, 1982 г.
13. Гофман А.Б. “Мода и люди. Новая теория моды и модного поведения”. ЗАО Издательский дом «Питер», 2004 йил.
14. Гофман А.Б. Мода и люди: новая теория моды и модного поведения. – М., 1994.
15. Ермилова Д.Ю. История домов моды. М., “Академия”, 2003 г.
16. Карден Пьер. Неделя, 1975, 38-сон

17. Козлова Т.В. Основы теории проектирования костюма: Учеб. Для вузов. – М.: Легпромбытиздат, 1988 г.
18. Козлова Т.В. Художественное проектирование костюма. М., “Легкая и пищевая промышленность”, 1982 г.
19. Комилова Х.Х., Хамроева Н.К. Тикув буюмларини конструкциялаш. – Т.: Молия, 2003. – 347 б.
20. Кононова Я. Прибыльное хобби // Ателье. 2002.- № 3. - С. 30-32.
21. Краткая энциклопедия дизайна // Нестеренко О.И. – М.: Молодая гвардия, 1994. – 334 с.
22. Максимова И.А. Макетирование. М.: 2007г
23. Нигматова Ф.У. Разработка предпосылок создания рационального гардероба мужской одежды и совершенствование его конструкции для климатических условий Средней Азии. Автореферат дис. канд. техн. наук. - М., 1988. - 28с.
24. Пармон Ф.М. Композиция костюма. – М.: Легпромбытиздат, 1990. – 74 с.
25. Плешаков А.А. Макетирование. М.: “Академия”, 2008 г
26. Рунге В.Ф., Сеньковский В.В. Основы теории и методологии дизайна. – М.: МЗ – Пресс, 2001 г.
27. Современная энциклопедия моды. – М.: «Аванта+», 2002. – 547 с.
28. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. – Т.: 2002. –21-24 б.
29. Шамухитдинова Л.Ш. Разработка рациональных ассортиментных коллекций детской одежды и способов повышения ее долговечности для условий Средней Азии: Дис. канд. техн. наук. М., 1992,- 220 с.
30. Шершнёва Е.Б. “Конструирование одежды» - М.: Легпромбытиздат, 1990., 3-6 бетлар.
31. Шершнева Л.П. Конструирование женских платьев. – М.: Легпромбытиздат, 1991. – 256 с.: ил.
32. Яцюк. О.Г., Романычева Э.Т. Компьютерные технологии в дизайне. Эффективная реклама. – СПб.: БХВ – Петербург, 2001 г.

Қўшимча адабиётлар

- 33. “Ателье” журналларининг сонлари.
- 34. “International textile” журналларининг сонлари.

Интернет сайтлари:

- 35. www.textileworld.com
- 36. www.siluet.ru
- 37. www.intermoda.ru
- 38. www.nbgf.intat.uz

5A150901 – *Дизайн (либос ва газламалар)* мутахассислигининг талабаси
Икром Тўракуловнинг “Эркаклар гардеробини шакллантиришга
таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш” мавзусидаги магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган диссертациясига

ТАҚРИЗ

5A150901 – *Дизайн (либос ва газламалар)* мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган “1990-2000-йиллардаги “от-кутюр” либосларида қўлланиладиган конструктив-декоратив усулларни тадқиқ қилиш” мавзусидаги диссертация 3 та бобдан ташкил топган.

I бобда мода ҳамда эркаклар кийимининг ривожланиш тарихи ва мода ҳамда костюмнинг асосий тушунчалари, вазифалари ва хусусиятлари ўрганилган.

II бобда эркаклар гардеробини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.


Эркаклар костюми композициясида ранг ва материалнинг хусусиятлари ҳамда фактураси ва эркаклар базавий гардеробининг шакллантирилиши, базавий гардероб ташкил этувчиларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинган.

Мазкур диссертациянинг тадқиқот ишлари бўйича 1990-2000-йиллардаги “от-кутюр” либосларининг ретроспектив ривожланиши ўрганилган. Ундан ташқари 1990-2000-йиллардаги “от-кутюр” либосларининг композициясини ташкил этувчиларининг, либослардаги образ ва силуэтларнинг, қўлланиладиган конструктив-декоратив усулларнинг таҳлили бажарилган.

III- бобда конструктив-декоратив усуллар қўлланган либос моделлари термасининг дизайн-лойиҳасини ишлаб чиқиш бўлиб, унда замонавий мода йўналишига тавсиф ва ижод манбасини таҳлил қилиш ва асослаш ўрганиб чиқилган. Конструктив-декоратив усуллар қўлланган либос моделлари термасининг дизайн-лойиҳасини ишлаб чиқилган ва асосланган. Ҳар бир боб бўйича хулосалар келтирилган.

5A150901 – *Дизайн (либос ва газламалар)* мутахассислигининг талабаси Икром Тўракуловнинг “Эркаклар гардеробини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш” мавзусидаги магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси ҳимояга тавсия этилсин.

К.Бехзод номидаги МРДИ,
“Либос дизайни” кафедраси мудири



Мурагулов

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

Миро

ТАҚРИЗ

5A150900 - Дуэтик (Синие К
газопровод)

(мутахассислик ва йўналиш номи)

„Франклер гадаросиди
манбаи ғурида тавар
ғиловчи билимдон тарона
миллат“

Мағистрининг диссертацияси
(талабларга мувофиқлиги)

(талабларга мувофиқлиги)

Чилий тафтиши Чилида Эрон-
лар тафтишида Чилида Эрон-
чиларнинг келиши Чилида Эрон-
тафтишида Чилида Эрон-
лар тафтишида Чилида Эрон-
чиларнинг келиши Чилида Эрон-

Анализаторский диссертационный
(эскиз, планшеталярнинг бажарилиши)

(эскиз, планшетларнинг бажарилиши)

[illegible]

[illegible]

Тўғрисида

Гўгрисида

мулоҳазалар

мулоҳазалар _____

Такризчи берган баҳо

Ҷириак омакфа, Ҷураилов
Кромики, Ҷамил Ҷафариови Ҷо-
сар Ҷаҳон, Омирти Ҷамил Ҷамил
Ҷамил Ҷамил Ҷамил Ҷамил
Ҷамил Ҷамил Ҷамил Ҷамил
Ҷамил Ҷамил Ҷамил Ҷамил
Ҷамил Ҷамил Ҷамил Ҷамил
Ҷамил Ҷамил Ҷамил Ҷамил

“ ” 20 й

Т.Ф.Н. Нгуен Тхи Лан
 Manager of Tech
 Подписано таблица
 Директор с/с/с Дир. Трени
 (табризчиният Ф.И.Ш., имзо)

ЭРКАКЛАР ГАРДЕРОБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

И.Туракулов,
К.Бехзод номидаги МРДН,
магистрант

Аннотация. В статье рассмотрены некоторые факторы, влияющие на формирование мужского гардероба. Проанализированы психотипы потребителей по отношению к моде.

Annotation. The article considers some factors that influence the formation of the men's wardrobe. Psychotypes of consumers in relation to fashion are analyzed.

Жамият тарихидан маълумки, Европа мамлакатларида бир неча юз йилликлар давомида, яъни то француз инкилоби давригача айнан эркаklar либос модасида илгорлик қилган. Уларнинг либоси ҳашаматли, кашталарга бой, патлар, бантлар билан безалган. Эркаklar чулки (пайпоқ) кийиб юришган, ула суришган. XVIII аср охирига келиб эркаklar костюми жиддий тусга кира бошлади, XIX асрда эса консерватив ва вазминлик тусини олган [2].

Бугунги кунда мода саноати эркаklar кийимига бошқача қарашни, уни кенгрок, эркинрок қилишни таклиф эта бошлашмоқда. Янги матолар ва силуетлар, ҳажмлар ва пропорциялар пайдо бўляпти. Шунга қарамай, эркаklar костюми аёлларникига нисбатан анъанавийлигича қоляпти, у мода инжикликларига камрок дучор бўлмоқда.

Либосни лойиҳалаштиришда амалдаги ўлчам намунасида келтирилган гавда ўлчами ва шакли тўғрисидаги айрим маълумотлардан истеъмолчи ҳақидаги дастлабки маълумот сифатида фойдаланилади. Либос сифатига бўлган талабнинг ўсиши шароитида бундай маълумотлар етарли эмас. Инсон ҳақидаги зарур маълумотнинг йўқлиги талабга жавоб бермайдиган буюмларни яратишга олиб келади.

Либосни лойиҳалаштириш учун дастлабки маълумот – бу аниқ кандалар тизимига мувофиқ ташкил этилган, асосли лойиҳалаш қарорларини қабул қилиш учун зарур ва етарли бўлган одам ҳақидаги маълумотлар тўплами.

Жамиятнинг ва ижтимоий алоқаларнинг вужудга келиши билан инсон асл биологик жонзот бўлишдан тўхтади. Шу пайтдан инсоннинг шаклланишидаги мураккаб, тарихий ўзгариб турувчи биологик ва ижтимоий ўзаро таъсир вужудга келди. Бундай уйғунлик инсоннинг биоижтимоий жонзот экани тўғрисидаги тавсифномани яратади.

Инсоннинг биологик тавсифи – бу унинг анатомик, жисмоний, рухий, антропоморфологик белгилари йиғиндиси.

Ижтимоий хусусиятлар инсонни шахс сифатида тавсифлайди. Улар ижтимоий келиб чиқиши, демографик ва этник хусусиятлари, маданият даражаси, моддий таъминланганлиги ва маълумоти таъсирида шаклланиб, инсоннинг ишқибозлигини, истабини, қизиқишини, ёндашувини, ишончини белгилаб беради. Ер юзидаги барча одамлар биологик бирликка эга бўлиб, у тирикликнинг биологик асосини таъминловчи генетик маълумот билан асосланади. Шу билан бирга ҳамма одамлар ҳар хил, бу инсон ҳаётининг ижтимоий – демографик шакллари, унинг анатомик, физиологик ва рухий таърифининг турличалигига боғлиқ, ҳар бир инсоннинг шаклланишида индивидуал биологик ва ижтимоий хоссаларнинг ўзаро таъсири фақат шу инсонга хос бўлган, тақдорланмас ташқи кўриниш – габитусни яратади, унинг либосга бўлган талабини ва моделларни танлашда қабул қилинадиган қарорлар тартибини белгилайди [3].

Мода иштирокчиларининг кўпчилик турлари қандай тоифадан таркиб топган? Маълумки, одамлар ўртасидаги фарқ фақат уларнинг модада қатнашиши билан асосланмайди, шу сабабли модадаги ҳатти-ҳаракатда бошқа ижтимоий гуруҳга оид хусусиятларни ҳам аниқлаш муҳим. Иккинчи гуруҳ мезонлари (ўлчамлари) мода

катнашчиларининг турли ижтимоий хусусиятларига киради. Бу хусусиятлар иштирокчилар ташқи намунаси асосида ётади ва амалдаги мода учун биринчи даражали аҳамиятга эга.


“Мода”ни қабул қилиш ва ўзлаштириш тезлигига қараб истеъмолчилар бешта турга бўлинади:

1. “Инноваторлар”нинг фарқ қилувчи томони – экспериментга синовга ва таваккалчиликка мойиллик.
2. “Илк (дастлабки) ўзлаштирувчилар” - бошқача қилиб айтганда, етакчи - лидерлар. Уларни атрофидагилар томонидан ҳурматга бўлган алоҳида эътибор ажратиб туради.
3. Илк (дастлабки) кўпчилик - “ўхшатувчилар”, “илк издошлар”. Уларнинг фарқли томони – мулоҳаза юритиш (фикрлаш).
4. Сўнгги кўпчилик (таджикотларда “скептиklar”, “консерваторлар” номи билан қатнашади), авваламбор сершубҳалиги билан тавсифланади.
5. Орқада қолган (кеч ўзлаштирувчи, традиционалист)лар анъанага амал қилади, мода стандарти анъанага айланганда мода стандартини ўзлаштиришади [1].

Ўзбекистон иқлим шароитига мос либос лойиҳаларини яратишга бўлган талабларни шакллантириш учун истеъмолчилар сегменти, савдо шаҳобчалари таклиф этаётган кийим ассортиментлари ўрганилди. Бунинг учун сўровномалар тарқатилди. Сўровномалар натижалари таҳлил қилингандан сўнг, истеъмолчилар гуруҳларга ажратилди. Шу нарса маълум бўлдики, барча гуруҳларда ҳам кишки кийимлар нарх доирасида чегараланган экан. Агар иложи бўлса, респондентлар турли услубий ечимга эга бўлган, вазият ва қайфиятга қараб турлича кўринишли, лекин нисбатан қиммат бўлмаган либосларга эгалик қилишни истар эканлар. Сўровномалар таҳлил натижаларидан истеъмолчилар, яъни 18-25 ёшдаги эркеклар (асосан Тошкент шаҳрида доимий ёки вақтинча яшовчи) кийимга, модага бўлган муносабатига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилди.

Эркекларнинг кийимга, модага бўлган муносабатига кўра типлари:

1. Либосда спорт услубини афзал кўрадиганлар.
2. Ўта замонавий либослар (трендлар)ни афзал кўрадиганлар (дендилар).
4. Ретро услубни афзал кўрадиганлар.
5. Ўзининг кийиниш услубига риоя қиладиганлар. (1 -диаграмма)



Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Б.Гофман. Мода и люди: новая теория моды и модного поведения. М., 1994.
2. Men's Catwalk Trends. www.widemediacom
3. Л.П.Шершнева. Конструирование женских платьев. М.: Легпромбытиздат. 1991. с.256.

У.Вахидова, Н.Мирталипова С.Пирматов	Либосни бадий лойихалаш жараёнида эвристик усулларнинг қўлланилиши.....	226
U.Raxmatullayeva, N.Mirfayazova	Формирование проектного мышления у студентов- дизайнеров в процессе профессиональной подготовки.....	228
У.Вахидова, Р.Муталова М.Махмудова В.Чурсина	О'рта Osiyo gazmollari tarixidan lavhalar.....	230
Х.Юнусходжаева, Н.Миртолипова М.Роziqberdiyev	Учет динамики изменения фигуры женщины в период беременности при конструировании одежды.....	232
Н.Абдуллаева D.Zuparova, N.Yo'ldosheva, H.Valiyeva H.Маннопова	Дизайна загородного дома: история и современность.....	233
Г.Сереева	Современные направления в развитии текстильного дизайна в Узбекистане.....	236
М.Карабаева А.Табибов	Техника «Курок» в современном дизайне.....	238
У.Мухаммедов К.Матмуратов	Arxitektura va dizaynda anturajdan tog'ri foydalanish muammolari va ularning yechimi haqida ayrim fikrlar.....	240
B.G'oyibov, K.Xikmatullayeva M.Usmonov, H.Shukurova D.Zuparova, O.Ergasheva, N.Rasuljonova O.Ahmedjanov	Либос дизайни: миллий кифа ва миллий маданият.....	241
Р.Гайсина	Dizaynning falsafiy-ahloqiy masalalari.....	243
Р.Бердиев З.Хантова Р.Кодиров	Модалар уйлари дизайнида тарихий тажриба ва янги технологиялар.....	244
Э.Мирзаназарова	Мустақиллик даврида маҳаллаларни шакллантиришнинг муаммолари.....	246
Ф.Атаханова	Векторная и растровая графика для web.....	248
О.Касимов	Метрополитен бекатларида интерьер дизайнини лойихалашда талабаларга тавсиялар.....	249
Ф.Ибрагимова, З.Умарова	Компьютерная анимация.....	251
С.Мухамеджанова,	Бадий таълимда - лойихалаш, кадок конструкцияси фанларида илғор педагогик технологияларни жорий этиш.....	252
	Bionika faniga chizgilar.....	254
	Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini kadrlar tayyorlashdagi o'rni	256
	Kasb hunar kollejlari dizayn ta'limining pedagogik modeli.....	258
	Замонавий кўп қаватли турар жой биноларининг дизайнида миллий услубдан фойдаланиш.....	260
	Применение инновационных и nano технологий в дизайне одежды.....	262
	Цветовые эффекты в растровых изображениях	264
	Либос бу мода талабими ёки...?.....	265
	Применение инновационных методов обучения области прикладной информатики.....	267
	XX аср либос дизайнини ўрганишда назарий муаммолар ва методологик ёндашувлар.....	269
	Дизайн йўналишидаги бадий таълимнинг ўзига хослиги хақида баъзи мулоҳазалар.....	270
	Болалар майдончаларини лойихалашда ўқув жараёнидаги муаммолар.....	274
	Либослар дизайни таълим жараёнларида: ижтимоий ва шахсий тамойилларга хос дизайнерлик концепцияларини яратиш услубияти.....	276
	Дунё дизайни тарихидан.....	279

С.Сайдбердиева	Деловой костюм и его влияние на развитие современной моды.....	281
З.Девлетшаева,	Образование в сфере дизайна в контексте проблем	
Ш.Миррахимова	развития дизайна в Узбекистане.....	283
М.Мирпулатова	Либос элементларининг таҳлили асосида дизайндаги инновацияларни яратиш.....	286
М.Иноятова	Эркаклар гардеробининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.....	288
И.Тўрақулов	Проблема «эстетизма» в творчестве поколения «contemporary art».....	290
А.Атаханова		

4-ШЎБА. ЗАМОНАВИЙ БАДИЙ ТАЪЛИМ ВА САЊЪАТШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Ж.Исмаилова	Бадий таълимнинг тарбиядаги аҳамияти.....	292
Д.Нозилов,	Замонавий бадий таълимда музейшуносликка доир	
Г.Орифжонова	махсус фанларни ўқитиш муаммолари.....	294
М.Мухамедова	Германиядаги бадий таълим: санъат тарихи, медиа, музика ва визуал коммуникациялар.....	295
Б.Махмудов	“Дастгоҳли рангтасвирда композиция” ўқув қўлланмасини бадий таълимга тадбиқ этиш масалалари.....	297
Ў.Нургаев	Бадий таълимда талабаларни бадий-ижодий фаолиятга тайёрлаш масалалари.....	299
К.Нишанова	Маданий мерос объектларини муҳофаза қилишда халқаро конвенцияларнинг тугган ўрни.....	304
Д.Куязова	Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганишда ўқув муассасаларининг роли.....	306
И.Жониева	Ўзбекистон тарихий-меъморий меросини сақлашдаги муаммоларни ҳал этишнинг долзарб усуллари.....	308
М.Зарипова	Музейларда инновацион технологияларнинг жорий этилиш аҳамияти.....	310
Б.Ходжаев	АҚШ болалар музейлари: бадий ва тарихий муҳит таълими ва замонавий узвийлик.....	311
Ч.Ганиева	Тарихий ихтисосликдаги музейларда мактаб таълими тизимида тарих фанининг ўқитилиш муаммолари.....	314
С.Курбанов	Художественное образование Узбекистана (обучение студентов изобразительному и прикладному искусству)...	316
Б.Қоржовов,	Замонавий бадий таълимда талабаларга эзгулик, тинчлик	
М.Соипова	ва мустақиллик ҳояларини сингдириш.....	318
G.Axmedova, G.Azizova	Milliy va umuminsoniy madaniyatlar uyg'unligi.....	321
С.Махкамова	Вопросы подготовки учеников к художественно-творческой деятельности.....	322
З.Сандова	Бадий-эстетик кадрятлар ва таълим.....	324
Ш.Қосимова	Виртуал музейлар таълимоти: онлайн таълим интеграцияси.....	325
Ю.Нарзиева	Музейларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.....	328
О.Азизова	Театр ва кино санъатида миллий-маданий мероснинг ақс этиши.....	330
А.Ўтаев	Замонавий бадий таълимнинг долзарб муаммолари.....	332